Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида эса, 2 та штат бирлигидан иборат бўлим, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармалари намунавий тузилмасида мурожаатлар билан ишлаш учун 1 тадан алоҳида штат бирликлари ажратилган [5]. 2021 йилнинг 1-ярим йиллигида фақатгина Президент Виртуал қабулхонаси орқали вазирликка 107 371 та мурожаат юборилган бўлиб [3], бу ҳар куни ўртача 586 та мурожаат келган деганидир. Ушбу мурожаатларни таҳлил қилиш натижалари ҳам уларнинг аксарияти ижтимоий нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ бўлиб, улар вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан кўриб чиқилганлигини кўрсатди. Энг қизиғи, мазкур жамғарма марказий аппаратида ҳам мурожаатларни кўриб чиқиш учун 4 та, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг ҳар бирига намунавий тузилмасига асосан 2 тадан 4 тагача штат бирлиги ажратилган[6].

Бизнингча, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бош бошқармаларининг мурожаатлар билан ишлаш учун ажратилган штат бирликларини ҳокимликларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ўтказиш масаласи кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бундай амалиётни барча давлат органларида мунтазам давом эттириш таклиф этилади.

Демак, юқоридагилардан кўриш мумкинки, деярли бир хил ҳажмда мурожаат келиб тушадиган 2 та вазирлик тизимига мурожаатлар билан ишлаш учун икки хил ёндашув асосида штат бирликлари ажратилган.

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларида эса мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини ўрганиш натижалари аксарият ҳокимликларда мурожаатлар билан ишлаш девонхона бўлими ходимига юклатилганини, ходимлар тажрибаси ва бошқа талабларга мутлақо эътибор қаратилмаганини кўрсатди. Хусусан, Фарғона вилояти ҳокимининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига кўра, ҳокимликда мурожаатлар билан ишлаш бир нафар ходимга юклатилган. Вилоятдаги 19 та туман (шаҳар) ҳокимликларида ҳам мурожаатлар билан ишлаш худди шундай бир нафардан ходимга (вилоят бўйича барча ҳокимликларда жами 20 нафар шахс) юклатилган. Ушбу ходимларнинг 3 нафари ўрта махсус маълумотли, 2 та туман (Фарғона ва Бағдод) ҳокимликларида мурожаатлар билан ишловчи ходимлар бўйича қонунчиликдаги камида уч йиллик иш стажи бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб ҳам инобатга олинмаган. Республикада барча вилоят ҳокимликларида ҳам бу борадаги ёндашувни ягона деб бўлмади.

Айтиш лозимки, зарурат мавжуд бўлса-да, амалда мамлакатимизда мурожаатлар билан ишловчи ходимни танлаш ва жой-жойига қўйишда унинг шахсий сифатлари, касбий маданияти ва одоб-ахлоқи даражасини аниқлаш мезонлари ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Зиммасига фақат мурожаатлар билан ишлаш юклатилган ходимларнинг аниқ эмаслиги (чунки ушбу вазифа амалда асосий вазифаси бошқа бўлган ходим зиммасига юклатилган), уларнинг ҳам кўп ҳолларда, зарур билим ва малакага, халқ билан мулоқот қилиш бўйича етарли амалий иш тажрибасига эга эмаслиги, туман (шаҳар) ҳокимликларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти биринчи раҳбарлар, вилоят ҳокимликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қатъий назорат қилинмаётгани аҳолида давлат институтларига ва ислохотларга ишончсизлик кайфиятининг юзага келишига сабаб бўлмоқда, республика аҳамиятига молик давлат органлари ва ташкилотларига келиб тушаётган мурожаатлар сони ортмоқда (жойларда мурожаатларга якуний, тушунарли ва компетент жавоб берилмаслиги ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда), мурожаатлар юзаки кўриб чиқилмоқда, ўтқир муаммолар ҳал этилмасдан, такрорий мурожаатлар кўпаймоқда.

Шу боис, давлат органларининг мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмалари фаолиятини янада жонлантириш, ходимларга босқичма-босқич қийинлашиб бориладиган аниқ,

реал малака талабларини белгилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, кадрлар таркибини қайта кўриб чиқиш орқали масалаларнинг қуйи ва ўрта бўғинлардаёқ ҳал этилишига эришиш лозим.

Ўтган беш йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига қарийб 6 миллионга муурожаат келиб тушганлиги [3], тузилган ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш натижасида ҳам миллионлаб турли муаммолар аниқланганлиги жойларда ечимини кутаётган масалалар ҳали кўплигини, дастурлар, йўл хариталари асосида уларнинг тизимли ҳал этилишини таъминлаш учун кўпроқ ўрта ва қуйи бўғинга масъулият юклаш кераклигини кўрсатмоқда.

Келтирилган сабаблардан кўринадики, муурожаатлар билан ишлашда муаммоларнинг асл илдизи, бизнингча, кўпроқ қуйи ва ўрта бўғинлардаги давлат органлари фаолиятидаги камчиликлар, нуқсонлар билан боғлиқ, шу сабабли, аниқ таҳлиллар асосида тегишли соҳаларда чуқур маъмурий ислоҳотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Амалий ижобий натижаларга эришиш учун давлат органида муурожаатлар билан ишлашни биринчи раҳбар шахсан ўз назоратига олиши ва бу борада самарали ҳамда тизимли фаолиятни йўлга қўйиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлиллар давлат органлари ва ташкилотларида муурожаатлар билан ишлаш учун ҳар доим ҳам тажрибали, масъулиятли, малакали, аҳоли билан ишлаш, мулоқот қилиш учун етарли билим ва кўникмага, ишчанлик обрўсига эга бўлган кадрлар жалб қилинмаётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, муурожаатлар билан қуйи бўғинда, айниқса, муурожаатлар ҳажми нисбатан кўп бўлган туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарув ходими бўлмаган техник ходимлар ёки иш ҳажми кўплиги сабабли у ёхуд бу ташкилотлардан жалб этилган оператор ва мутахассислар иш олиб бормоқда, ушбу ҳолат ҳам сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилмоқда. Ваҳоланки, ушбу масалага юқорида айтилган сифатларга жавоб берадиган “ўз ишининг устаси” бўлган кадрларнинг топиб қўйилиши муурожаатлар билан ишлашдаги мавжуд масалаларнинг аксарият қисми ҳал этилишини билдиради.

Муурожаатлар билан ишлашга масъул этиб тайинланишни ходимлар ўзларига берилган “жазо” сифатида қабул қилмасликлари, аксинча, халқ билан мулоқот қилиш, муурожаатлар билан ишлаш натижасида орттирилган билим, тажриба ходим учун келгусида улкан ютуқлар учун замин яратишини ҳис қилиши лозим.

Шундай экан, назаримизда, зиммасига муурожаатлар билан ишлаш вазифаси юклатилган лавозимларнинг жозибадорлигини ошириш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари, малака талабларини белгилаш, уларни мунтазам стажировкадан ўтказиб, малакасини ошириш, ҳар уч йилда бир марта аттестация қилиш механизмларини амалда жорий қилиш ҳақида ўйлаш керак. Шу ўринда айтиш лозимки, аҳоли муурожаатлари билан ишловчи мутахассислар ва масъул шахсларнинг таҳлил қилиш кўникмаларини мунтазам ошириб бориш, бунда уларга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдалана олиш талабларини қатъий қўйиш ва бажарилишини назорат қилиш лозим.

Ушбу масалалар ҳақида ўйланмаса, кейинчалик (*жумладан, хусусий меҳнат бозорида ҳам иш ўринлари кўпайиши, давлат органлари фаолиятининг очиқ бўлиб боравериши натижасида*) соҳада ишлаш учун салоҳиятли ва талабларга мос кадр топиш қийин кечиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, халқ билан мулоқот қилиш ва аҳоли муурожаатлари билан ишлаш – зиммасига бундай функциялар юклатилган ҳар бир давлат хизматчиси, ташкилот ходимлари учун мураккаб иш ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг айнан ҳозирги ривожланиш босқичида, шахсий кузатувларимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, аҳоли муурожаатлари билан иш олиб бориш, айниқса, сўз эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш, очиқлик сиёсати амалга оширилаётган даврда оғир ва ўта масъулиятли иш эканлиги сабабли, ушбу йўналишга кадр танлаб қўйиш мушкул бўлиб қолмоқда.

Муурожаатлар билан ишлаш бўйича тўпланган тажриба кўрсатмоқдаки, давлат органи ва

ташкilotига, мансабдор шахс қабулига, асосан, муаммоси мавжуд, ижтимоий ҳимояга мухтож, ўзини адолатсизликка учраган, деб ҳисобловчи фуқаролар келмоқда, шу боис уларнинг салбий кайфиятда бўлиши эҳтимоли даражаси юқори бўлади.

Шу сабабли фуқароларни биринчи бўлиб давлат органининг “остонасидаёқ” қабул қиладиган давлат хизматчилари уларнинг “дард”ини эшитиб, “малҳам” бўла оладиган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш билан бирга, кўпгина, жумладан, психология, юриспруденция, тиббиёт, иқтисодиёт каби соҳаларда етарли билим ва тажрибага эга бўлиши керак бўлади.

Ушбу ҳолатлар таҳлили мамлакатимизда мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини мутахассис талаб этиладиган даражага кўтариш, унга мос бўлган малака талабларини ишлаб чиқиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича махсус фанни жорий этиб, уни ижтимоий (социология, психология каби) ва юридик соҳада мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқув дастурларига мажбурий фан сифатида киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида назарда тутилган ҳолатлар ва масалалардан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинмалар фаолиятини жонлантириш мақсадида улар зиммасига қуйидаги қўшимча вазифаларни юклатиш лозим:

- давлат органи ва ташкilotининг тезкор йиғилишлари ҳамда Ҳайъат мажлислари кун тартибига киритиш учун тизимда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати, мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш, самарали ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

- тегишли қонунчилик ҳужжатлари нормалари бўйича норозилик баён этилган мурожаатларнинг чуқур ўрганилишини, зарур ҳолларда, улар асосида қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қайта кўриб чиқилишини ташкил этиш;

- келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиш ва келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган мурожаатлар кўлами ва муаммоларни прогноз қилиш (*масалан, биргина мактабгача таълим ташкilotларига фарзандини жойлаштириши бўйича келиб тушаётган мурожаатлар асосида қайси ҳудудда қанча бола тугилаяпти, қаерда боғча, қаердадир мактаб қуриши ёки қандай бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш керак ва ҳ.к. Бу каби таҳлиллар келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг, мурожаатларнинг олдини олади, ривожланишига кўмак беради*);

- давлат органи ва ташкilotининг матбуот хизмати билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар орқали қилинаётган мурожаатлар, чиқишлар, мақолалар ва бошқа материалларни ўрганиш ҳамда таклиф ва тавсиялар киритишда иштирок этиш.

Айтиш жоизки, юқоридаги таҳлиллар, сабаблар, асослар, шунингдек мурожаатлар сони ортиб бораётганлиги (*биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2021 йилнинг 6 ойида жами 858 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 71 фоизга ошган* [3]) давлат органлари ва ташкilotларининг мурожаатлар билан ишловчи таркибий бўлинмаларини ташкил этишнинг минимал нормативлари ва мезонлари ишлаб чиқилишини, ҳар бир ходим учун белгиланган кунлик ва ойлик меҳнат нормасининг вақт меъёрлари аниқланишини тақозо этади. Бунда давлат органлари ва ташкilotларида минимал штат бирлиги бир нафар этиб белгиланиши зарур. Ушбу чоралар ҳам ишларнинг тенг ва реал тақсимланишига, ушбу йўналишда кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашади.

Мурожаатлар сони кўп бўлишининг ўзи улар билан ишлаш сифатига салбий таъсир қилиши қонун бузилиши учун реал шарт-шароит яратиши мумкинлигини инобатга олсак, ходимларнинг қонунчилик ҳужжатлари талабларидан (*масалан, мурожаатнинг белгиланган муддатда кўриб чиқилишини таъминлашда*) четга чиқишига шароит яратади.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда, зиммасига юклатилган вазифалар кўлами турлича бўлса-да, штат бирликларининг ажратилишида давлат органларида – вазирликда ҳам, қўмитада ҳам, бошқа органларда ҳам мурожаатлар билан ишлаш бўйича таркибий бўлинмани ташкил қилишда ўзига хосликлар, хусусан, мурожаатлар сони, ҳал қилиш энг кўп сўралаётган

масалалар эътиборга олинганлиги сезилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш амалиётида ҳам ушбу масала юзасидан фикр билдирилмай, штатлар ажратиш борасида кўпроқ молия органлари фикрига таяниб қолинади.

Шунга кўра, халқ билан мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш масаласига бундан кейин ҳам аҳамиятли масалалардан бири сифатида қаралар экан, барча давлат органлари тизими – юқори, ўрта ва қуйи бўғинларида мавжуд штат бирликлари доирасида бевосита биринчи раҳбарга бўйсунувчи мурожаатлар билан ишлаш бўйича мустақил ва алоҳида бўлинмалар ташкил этиш масаласи ҳал этилиши ҳамда бу қоида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга киритилиб, қатъий амал қилинадиган принципиал масала сифатида белгиланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахснинг ваколатли давлат органларига қилган мурожаатларига малакали ва батафсил жавоб олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан давлат хизматчилари билимига, компетентлигига ва салоҳиятига бевосита боғлиқ, яъни, бунда давлат хизматини ўташ, давлат хизматчиларига юкланган вазифалар ва уларнинг амалга ошириш даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосан, республика бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишловчи, хусусан, уларни кўриб чиқиш учун қабул қилувчи, масъулларни белгиловчи ходимларининг эгаллаб турган лавозимига мослигини танқидий қайта ўрганиш, бундай лавозимларга муносиб номзодларни тайинлаш, уларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини янада ошириш бўйича тезкор, аниқ амалий чоралар кўришни кечиктирмаслик таклиф этилади.

Шунга кўра, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш жараёнларини тезлаштириш, унда давлатнинг халқ иродасини ифода этишини, унинг манфаатларига хизмат қилишини, халқ билан доимий, самарали мулоқот олиб боришни бош ғоя сифатида белгилаш зарур. Мазкур Қонунда давлат хизматчиларининг халқ билан мулоқот қилиш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашдаги аниқ вазифаларини белгилаш, халқ манфаатларини ифода этиш, жумладан, аҳоли муаммолари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги даражасига кўра давлат органлари ва мансабдор шахсларни, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мурожаатлар билан ишловчи ходимларнинг давлат органлари ва ташкилотлар раҳбари олдида аҳоли муаммолари ва мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни кўндаланг қўйишини, шу сабабли раҳбар ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг тақиб қилинмаслиги, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари бузилмаслигини, фаолияти мустақиллигини, бошқа таркибий бўлинмалар томонидан мурожаатлар тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқилишини сўзсиз таъминлаши учун муайян қонуний асослар яратилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сонли “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори [7] билан давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалаларини мажбурий тартибда адлия органлари билан келишиш амалиёти жорий этилди ва бу ўзининг муайян самарасини берганлигини айтиб ўтиш зарур.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, айнан ҳозирги мавжуд шароитда, барча масалалар кўшимча назоратсиз ҳам самарали ҳал этилгунга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишловчи ходимларини лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш масалаларини тегишли равишда Президент Администрацияси (республика аҳамиятига молик давлат органлари ва ташкилотлари бўйича), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари (вилоят ва туман (шаҳар) аҳамиятига молик давлат органлари ва ташкилотлари бўйича) билан келишиш механизмларини жорий этиш ўзининг самарали натижасини беради, деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тартиб-таомиллар амалда ўзининг самарасини бераётганлиги сабабли, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Президент Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши механизми ҳам жорий этилди [8], яъни амалиёт давом этмоқда. Шу билан бирга, мазкур механизм асосида иш ташкил қилишда юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, кўпгина давлат органлари ва ташкилотларида масъул бўлинмалар раҳбарлари зиммасига мурожаатлар билан ишлаш вазифаси ҳам юклатилганлигини инобатга олиш лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатлар билан самарали иш ташкил этиш, аҳоли розилигига эришиш кўп жиҳатдан ходимларнинг тажрибаси ва малакасига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу боис, ушбу таркибий тузилмалар ишини янада яхшилаш чоралари кўрилиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. ВМҚ 341-сон. 07.05.2018 // <https://lex.uz/docs/3730228>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қонуни. ЎРҚ-445-сон. 11.09.2017 // <https://lex.uz/docs/3336169>
3. https://pm.gov.uz/uz/#/appeal_app_root
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. ПҚ-3913-сон 20.08.2018// <https://lex.uz/docs/4213627>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. ПҚ-2847-сон 18.03.2017// <https://lex.uz/docs/3145558>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. ПҚ-5102-сон 04.05.2021// <https://lex.uz/docs/5408686>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори// <https://lex.uz/docs/3098964>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони. ПФ-6166-сон 10.02.2021// <https://lex.uz/docs/5279413>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХИМОВ Дилмуроджон Гуломжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти
E-mail: drakhimov95@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ Д.Ф. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини бошқариш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 25-33.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-3>

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикаси давлат хизматини бошқариш тизимининг ташкилий-институционал ва норматив-ҳуқуқий базасини тадқиқ этишни мақсад қилган. Мазкур масала бўйича тегишли давлат органлари ва институтлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Парламенти, ҳукумати, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг функциялари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-назарий манбалар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотдан келиб чиқиб, давлат органлари ва институтларининг давлат хизматини бошқариш ваколатлари бўйича айрим хулосаларга келинган. Ўзбекистон Республикаси давлат хизматини бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, давлат хизмати тизимини тартибга солувчи соҳавий Қонун, давлат хизматига кадрларни очик танлов асосида қабул қилиш тўғрисида Низом қабул қилиниши, давлат хизмати вакант лавозимлари учун очик танловларни давлат органларининг барчасида ўтказиш лозимлиги каби таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат хизматчиси, давлат фуқаролик хизмати, махсус хизмат, давлат хизматини бошқариш, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги.

РАХИМОВ Дилмуроджон Гуломжон угли
Базовый докторант Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан
E-mail: drakhimov95@gmail.com

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖБ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

Статья направлена на изучение организационной, институциональной и нормативной базы системы управления государственной службой Республики Узбекистан. На основе нормативных правовых актов и научно-теоретических источников проанализированы функции соответствующих государственных органов и учреждений, в частности Президента, Парламента, Правительства, Агентства развития государственной службы Республики Узбекистан. На анализе исследования сделаны выводы о полномочиях государственных органов и учреждений по управлению государственной службой. Разработан ряд предложений и рекомендаций по совершенствованию системы управления государственной службой Республики Узбекистан. В частности, принятие специального Закона, регулирующего государственную службу и Положения об открытом приеме на государственную службу, мер по проведению открытых конкурсов на замещение вакансий на государственную службу во всех уровнях государственных органах.

Ключевые слова: государственная служба, государственный служащий, государственная гражданская служба, специальная служба, управление государственной службой, Олий Мажлис, Президент, Кабинет Министров, Агентство развития государственной службы.

RAKHIMOV Dilmurodjon

The Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD candidate
E-mail: drakhimov95@gmail.com

ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS OF THE CIVIL SERVICE MANAGEMENT SYSTEM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**ANNOTATION**

This article aims to research the organizational, institutional and regulatory basis of the civil service management system of the Republic of Uzbekistan. The functions of relevant government bodies and institutions, particularly, the President, Parliament, Government, the Public Service Development Agency of the Republic of Uzbekistan, have been researched on the basis of normative legal acts and scientific-theoretical sources. Based on the study, some conclusions were drawn on the powers of public authorities and institutions to manage the civil service. A number of proposals and recommendations have been developed to improve the civil service management system of the Republic of Uzbekistan. In particular, the adoption of the sectoral law regulating the civil service, the Regulation on open recruitment to the civil service, the need to hold open competitions for vacancies in the civil service in all government agencies.

Keywords: civil service, civil servant, state civil service, special service, civil service management, Oliy Majlis, President, Cabinet of Ministers, Public Service Development Agency.

Маъмурий ҳуқуқ институтининг муҳим тармоқларидан бири давлат хизмати ҳисобланади. Шунингдек, давлат хизмати давлат бошқарувининг энг муҳим элементи, яъни давлат бошқарувини амалга ошириш меҳанизми ҳамдир. Аксарият олимлар давлат хизматини давлатдан олинадиган маош эвазига давлатга хизмат кўрсатиш эканлигини таъкидлайди. Хусусан, профессор Б.М.Лазарев “давлат хизмати” тушунчасини куйидагича таърифлайди: “Давлат хизмати – бу давлатга хизматдир, яъни давлат органларида, давлатнинг функция ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган, давлатдан олинган кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ҳамда тўланадиган маош учун бажариладиган фаолият” [1, Б.5-6].

Рус олими Ю.М.Буравлев давлат хизматини юридик жиҳатдан изоҳлаган: “Давлат хизмати – давлат аппаратининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ташкилий-таркибий тузилиши ва мазкур аппарат ходимларининг (давлат хизматчиларининг) жамият эҳтиёжларини қондириш, шахс

хуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида давлат бошқаруви вазифаларини бажариш борасидаги фаолиятидир” [2, Б.13].

Республикада олиб борилган тадқиқотлар ҳам давлат хизмати тушунчаси моҳиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, ҳуқуқшунос Н.Ш.Саид-Газиеванинг фикрича, “Давлат хизмати – кўпдан-кўп таркибий қисмлар бирлигидир. Бу ташкилий-ҳуқуқий институтлар (тузилмалар) тизими ва ишлаб чиқариш – меҳнат муносабатларининг комплекси, давлат аппаратида ишлашга тайёрланган одамлар мажмуи ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тизимидир” [3, Б.49].

Н.Ш.Саид-Газиева таърифида бир неча жиҳатларга эътибор қаратилганлигини, айтиш мумкин.

Биринчидан, давлат хизмати ташкилий-ҳуқуқий институтлар (тузилмалар) тизими сифатида таърифланиб, бунда давлат хизматини ташкил этиш ва бошқариш тизими, жумладан, тузилма ва идоралар назарда тутилади.

Иккинчидан, давлат хизмати давлат аппаратида ишлашга тайёрланган одамлармажмуидан иборат бўлиб, улар давлат хизматчиларини ташкил этади.

Учинчидан, давлат хизмати ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тизимидир.

Бир қанча хорижий тадқиқотчилар давлат хизмати моҳият сифатида давлатлар вужудга келгандан бери мавжудлигини таъкидлашади. Таҳлилчилар Итжек Галнур ва Женнифер Осер фикрича, давлат хизмати Қадимги Хитой ва Мисрнинг Қадимги подшолик даврлари (мил.авв. 3 минглик йилларнинг иккинчи ярми)да бошланган. Улар замонавий даврдаги давлат хизмати эса XVIII асрда Пруссия ва Францияда ривожланганлигини, ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида XIX асрда Буюк Британияда вужудга келганлигини таъкидлашади [4].

Тадқиқотчи Энн Палудан эса меритократик тамойилга асосланган давлат хизмати Қадимги Хитойда бошланганлиги таҳлил қилади. Хитой империяси давлат хизматининг муҳим жиҳати энг яхши маъмурий амалдорларни танлаш учун ишлаб чиқилган имтиҳондан иборат эди. Ушбу тизим оилавий насл-насаби (ижтимоий келиб чиқиши)дан қатъи назар ҳар қандай хитойликнинг йирик давлат амалдорига айлана олишини назарда тутарди. Мазкур тизим Хитойда Син (мил.авв.246 – 206 йиллар), Хан (мил.авв.206 – милодий 220 йиллар), Суй (589-618 йиллар) ва Тан (618-907 йиллар) сулолалари даврида ҳам амалда бўлган [5].

Давлат хизмати тизимида уни бошқариш тизими алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистонда давлат хизматини бошқариш тизими оптималлашиб бормоқда. Бугунги кунда давлат хизматини бошқариш тизимида Ўзбекистон Республикаси Парламенти, Президенти, ҳукумати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ваколатлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Конституция ва қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан бир қаторда давлат раҳбарининг давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги фармон ва қарорларини тасдиқлаш орқали Олий Мажлис палаталари ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини, хусусан, давлат хизматини бошқариш тизимидаги ваколатларни белгилашда иштирок этади [6, Б.27-30]. Профессор О.Т.Хусанов давлат органларининг мансабдор шахслари, аъзоларини тайинлаш, сайлашда иштирок этиш Парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлайди [7, Б.354].

Ўзбекистон Республикаси Парламентининг ҳар икки палатаси биргаликда ва ҳар бири алоҳида давлат хизматчиларини лавозимларига сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш бўйича айрим ваколатларига эгадирлар.

Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва ўринбосарини сайлаш ваколатларига эга. Одатда, бундай масалалар аввал куйи палатада, кейин юқори палатада кўриб чиқилади.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳам, Сенати ҳам ўзларининг Спикери ва раиси, уларнинг ўринбосарларини, ўз кўмиталарининг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш каби ваколатларга ҳам эга. Таъкидлаш жоизки, мазкур масалалар ҳар икки палатанинг фақатгина ўзига тааллуқли бўлиб, биргаликда амалга ошириладиган ваколатларга кирмайди.

Олий Мажлис палаталарининг ҳар иккиси алоҳида олганда ҳам давлат хизматини амалга ошириш жараёнида қатнашиши қонунчиликда белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра, Олий Мажлиси Сенати давлат раҳбарининг тақдимиغا биноан, Конституциявий суд, Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг раисларини сайлаш, шунингдек, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси, Давлат хавфсизлик хизмати ва Марказий банки раисларини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлашни амалга оширади [6, Б.30-32].

2019 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга киритилган ўзгартиришга кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари Бош вазирнинг тақдимиغا биноан ҳукумат аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколатига эга бўлди. Янги тартибга биноан номзодлар депутатлар томонидан маъқуллангандан сўнггина давлат раҳбари томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун юборилади.

Парламентнинг давлат хизматини амалга оширувчи ижро ва суд ҳокимиятининг шаклланишида муҳим ролни ўйнаши “ҳокимиятлар бўлиниш ва ўзаро тийиб туриш” принциpidан келиб чиқади, дейиш мумкин. Р.Р.Ҳақимов таъкидлаганидек, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этиши, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунувини англатмасдан, балки ҳокимиятлар ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ўзига хос воситаларидан бири бўлиб қолади [8, Б.79].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳам давлат хизматини ташкил этиш ва бошқариш борасида бир қанча муҳим ваколатларга эга. Ўзбекистонлик олимлар Президент дискрецион ваколатларга эгаллиги унга давлат хизматини бошқаришда кенг имкониятлар беришини таъкидлашади [9, Б. 61-62]. Конституцияда Президентнинг давлат хизмати лавозимларига номзодларни тақдим этиш, тайинлаш ва озод этиш бўйича ваколатлари санаб ўтилган.

Жумладан, давлатимиз раҳбари энг юқори мансабдор давлат хизматчилари, жумладан, ҳукумат аъзолари, Қуролли Кучларнинг олий кўмондонлари, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда судлар раислари ва раис ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этиш вазифаларини бажаради. Шунингдек, Президентнинг Сенат раиси, Бош вазир, Конституциявий суд ва Олий суд таркиблари, Судьялар олий кенгашининг раиси, Марказий банк Бошқарувининг раисига номзодларни Парламентга тақдим этиш этиш ваколатлари ҳам мавжуд [6, Б. 44-50].

Умуман олганда, давлат хизматининг асосини ижро ҳокимияти ташкил этади. Ижро ҳокимиятида эса Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари, уларнинг ваколат доирасини аниқ ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур масалани ўраниш жараёнида Б.Б.Алимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро ҳокимиятидаги раҳбарлик ҳолатини қуйидагилар билан асослайди: “биринчидан, Президент Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантиришда ва унинг истеъфосида хал қилувчи роль ўйнайди; иккинчидан, давлат бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида раислик қилиш ваколатига эга; учинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида, шу жумладан, Президент олдида жавобгардир; тўртинчидан, Бош вазир ҳукуматнинг иши тўғрисида давлат бошлиғига доимий равишда ахборот киритиб боради; бешинчидан, Президент ҳукумат ваколатига кирувчи масалалар ва йўналишлар бўйича қарор ва фармойишлар қабул қилиш ҳуқуқига эга; олтинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор муҳим масалалар бўйича қабул қиладиган ҳужжатлари мажбурий тартибда Президент билан келишилиши лозим; еттинчидан, Президент ҳукумат қарор ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга” [10, Б. 352].

Давлат хизматини ташкил этиш ва бошқариш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрацияси ҳам айрим ваколатларга эга.

Б.Б.Алимов Президент ва Бош вазир муносабатларини ўрганар экан, “давлат ҳокимиятининг

ушбу икки субъекти ижро ҳокимияти тизимидаги мансабдор шахсларни лавозимига тайинлаш ва озод этиш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлашда ўзаро муносабатга киришиши”ни таъкидлайди [10, Б. 260].

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 93-моддаси 15-банди [6, Б.47] ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси 8-қисми ва 39-моддаси 4-қисмига мувофиқ [11], Бош вазир Президентга вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ўз тизимидаги давлат органларига бошчилик қилади. Мазкур Қонунга мувофиқ, Президент давлат бошқарув органлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколатига эга. Қўйи бўғиндаги давлат хизматчиларини лавозимларга тайинлаш ва уларни озод этиш муайян идоранинг Низомига мувофиқ, идора раҳбари томонидан амалга оширилади.

2018 йил 26 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида”ги 5519-сонли Президент Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати ва кадрлар захираси масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилган бўлиб, бугунги кунда мазкур лавозим “Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси” деб номланади [12]. Президент Администрациясининг айнан мана шу бўлими давлат хизматини тартибга солиш бўйича асосий функцияларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси олдинроқ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони сифатида фаолият юритган бўлиб, 2017 йил 28 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 3161-сонли Президент Қарорининг 10-боби “Кадрлар масалаларини кўриб чиқиш тартиби” деб номланган. Кадрлар масалалари бўйича эса Девоннинг Ташкилий-кадрлар хизмати шуғулланган [13].

Янги Ўзбекистонда давлат хизматини тизимли равишда такомиллаштириш масаласига урғу қаратилмоқда. 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” бу борадаги амалий жараёнларнинг бошланишини белгилаб берди [14].

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга биноан “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси” ишлаб чиқилди ва 2017 йил 8 сентябрда 5185-сонли Президент Фармони билан тасдиқланди. Давлат хизматининг профессионал тизимини шакллантириш концепциянинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кадрлар сиёсати учун масъул давлат ташкилотини ташкил этиш концепциянинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди [15].

Таъкидлаш жоизки, кўпгина ривожланган давлатларда давлат хизматини амалга ошириш муайян идора зиммасига юклатилган. Жумладан, Корея Республикасида Кадрлар бошқаруви вазирлиги [16], Малайзияда Давлат хизмати департаменти [17], Сингапурда Бош вазир идораси давлат хизмати бўлими [18] давлат хизмати соҳасидаги ваколатли органлар ҳисобланади. Айнан Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур каби мамлакатлар бугунги кунда инсон капитали, давлат бошқаруви ва давлат хизматчиларининг фаолияти самарадорлиги бўйича ютуқларга эришган. Ютуқларнинг сабабларидан бири сифатида давлат хизмати бўйича муайян идоралар мавжудлигини айтиш мумкин. Сабаби бундай давлат органининг мавжуд бўлиши далаат хизматида оид барча ташкилий жараёнларни самарали бошқарилишига олиб келади. Бу борада давлат хизматида малакали кадрлар, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни жалб этиш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, давлат хизмати учун кадрлар захирасини шакллантириш, давлат хизматида инсон ресурсларини ривожлантириш, давлат хизматчиларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг иш фаолиятини баҳолаш орқали самарадорликка эришиш каби қатор масалаларнинг ягона давлат органи томонидан бошқарилиши муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу мақсадда

2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5843-сонли Президент Фармони [19] қабул қилинди. Мазкур Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4472-сонли Президент Қарори [20] билан мамлакатимизда илк бор давлат хизмати бўйича масъул давлат органи тузилди. Агентлик бевосита давлат раҳбарига бўйсуниб, унга ҳисоб бериб боради. Президент Қарорига биноан, давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича Президент маслаҳатчиси Агентлик директори ҳам ҳисобланади. Мазкур қарор билан Агентлик Низоми тасдиқланган бўлиб, унда Агентлик тузилмаси, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, Агентлик вазифа ва функцияларини белгилашда бир қанча назарий таклифлар ҳам инобатга олинган. Бу борада ўзбек олимларининг қуйидаги фикрлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг фикрича, давлат хизматчиларини бугунги талаблар асосида бошқариш бир қанча долзарб масалалар ечимига янгича ёндашувни талаб қилади. Мазкур масалалар доирасида давлат хизмати кадрларини тайёрлашни режалаштириш, уларни касбий малака жиҳатидан танлаш ва уларга баҳо бериш, кадрлар заҳирасини шакллантириш ва истиқболли лавозимларни режалаштириш, давлат хизматчиларини бошқаришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, давлат бошқарув органлари раҳбарлари меҳнатини оптималлаштириш; давлат хизматчиларини бошқариш тизимида назорат муаммолари; давлат хизматига оид муносабатларнинг ахлоқий ва маънавий жиҳатлари; давлат хизматида соғлом маънавий-психологик муҳитни шакллантириш кабилар таъкидланган [21]. Шу каби назарий қарашлар инобатга олиниб, Агентликнинг асосий вазифалари белгиланди.

Ўтган давр мобайнида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди:

“Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплекси ишга туширилди. Унда давлат фуқаролик хизматчилари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади;

давлат хизматига муносиб кадрларни очик мустақил танлов асосида саралаб олиш тизими жорий қилинди. Танловларнинг очик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очик портали” (vacancy.argos.uz) ахборот тизими ишга туширилди;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда секторлар раҳбарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизими йўлга қўйилди;

давлат фуқаролик хизматчиларининг билимларини аниқлайдиган ҳамда уларнинг психологик портретини яратиш учун хизмат қиладиган “Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули” (test.argos.uz) электрон ахборот тизими ишга туширилди. Синов натижаларидан келиб чиқиб малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тизими жорий этилди;

давлат фуқаролик хизматига иқтидорли ёшларни кенг жалб этиш мақсадида, илм-фан, спорт, ахборот технологиялар ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришаётган, фаол ва ташаббускор ёшлар орасидан “Келажак лидерлари” клублари ва ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилди.

Юқоридаги тадқиқотдан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, давлат хизматини бошқариш тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлиси муайян ваколатларга эга ҳисобланади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятидаги давлат фуқаролик хизматининг энг юқори бўғини хизматчиларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш Конституцияга мувофиқ, “ҳокимиятлар бўлиниш ва ўзаро тийиб туриш” принциpidан келиб чиқади;

учинчидан, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб кадрлар масаласи бўйича алоҳида давлат органи Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этили. Агентликка давлат

хизматини такомиллаштириш бўйича қатор функциялар берилди.

Давлат хизмати тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, давлат хизматининг ҳуқуқий асосларини фундаментал жиҳатдан мустаҳкамлаш лозим. Бу борада давлат хизмати тизимини тартибга солувчи соҳавий қонун қабул қилиш лозим. Шу пайтгача беш марта “Давлат хизмати тўғрисида” ва бир марта марта “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Лекин уларнинг ҳеч бири қабул қилинмади. 5843-сонли Президент Фармони давлат хизмати функционал жиҳатдан давлатнинг махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизматиға бўлинди [19]. Давлатнинг махсус хизмати (Қуролли кучлардаги хизмат, ички ишлар, прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати кабилар)нинг ҳар бири муайян қонунлар билан тартибга солиганлиги эътиборға олиниб, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан 2020 йилда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди [22]. Мазкур қонун лойиҳаси бир қанча муҳокамаларға сабаб бўлди. Бугунги кунда олимлар ва фаол жамоатчилик қатлами томонидан қабул қилинадиган қонун фақатгина давлат фуқаролик хизматини ёки давлат хизматини қамраб олиши масаласида баҳслар учрамоқда. Фикримизча, ҳар икки лойиҳадан бирини бўлса-да, тезроқ қабул қилиш мақсадға мувофиқ. Сабаби ҳар иккиси ҳам ҳуқуқлари қонун билан тартибга солинмаган давлат хизматчиларининг фаолиятини назарда тутди. Давлат бошқрув самарадорлигини такомиллаштириш шароитида мазкур қонунни қабул қилиш долзарбдир. Қонуннинг қабул қилиниши юқори компетенцияли кадрларни давлат хизматиға жалб қилиш орқали унинг жозибадорлигини оширишға хизмат қилади. Зеро давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми таъминланмас, уларнинг лавозим, мартаба ва малака категориялари ҳамда ҳуқуқ ва мажрубиятлар доираси аниқ белгиланмас экан давлат хизмати самардорлигини максимал даражаға олиб чиқиб бўлмайди. Бундай ҳолатда давлат хизматиға нафақат малакали кадрларни жалб қилиш, балки фаолият юритаётган давлат хизматчилари сақлаб қолиш ёки уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мураккаблашиб бориши мумкин;

иккинчидан, давлат фуқаролик хизмати ва давлатнинг махсус хизматиға кирувчи идораларни реестрини шакллантириш ҳамда давлат муассаларида хизмат қилувчи ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг давлат хизматидаги ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш лозим. Аксарият мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқилса, уларға ҳам давлат фуқаролик хизматчиға берилиши назарда тутилаётган унвон ва мартабаларни жорий қилиш мақсадға мувофиқдир. Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда давлатнинг махсус хизматиға тааллуқли айрим таълим муассалари профессор-ўқитувчиларига мартаба даражалар берилиши назарда тутилган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 93-сон қарорида Тошкент давлат юридик университети ва унинг қошидаги академик лицейларинграҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларига мартаба даражалари берилиши белгиланган [23]. Лекин давлатға қарашли халқ, ўрта, ўрта-махсус ва олий таълим тизимларидаги педагогларнинг давлат хизматидаги ўрни сўроқ остида бўлиб, мазкур масалани аниқ белгилаш лозим;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони билан кадрларни давлат фуқаролик хизматиға меритократия тамойили орқали очик танлов асосида қабул қилиш белгиланди. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба тартибида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Халқ банки” АЖ, шунингдек, 16 та шаҳар ва туман ҳокимликларида давлат фуқаролик хизматиға қабул қилиш очик мустақил танлов асосида (сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимлар бундан мустасно) амалға оширилиши, 2021 йил 1 январдан бошлаб мазкур тизим давлат фуқаролик хизмати назарда тутилган республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида жорий қилиниши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияға қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишға доир кўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон қарорида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда 2021 йил 1 сентябрдан очиқ танлов асосида кадрлар қабул қилиш белгиланган [24]. Лекин очиқ танловларни ўтказишнинг процедураси белгиланмаган. Шу жиҳатдан давлат хизмати вақант лавозимлари учун ўтказилаётган очиқ танловларнинг юридик жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Яъни бу борада Низом қабул қилиниши ва унда очиқ танлов жараёнларига оид барча жиҳатлар, жумладан, очиқ танлов босқичлари ва шартлари, унинг механизмлари қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Бу, бир томондан, номзодлар учун очиклик ва шаффофликни таъминласа, бошқа томондан, коррупцион ҳолатлар учрамаслигига замин яратади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Лазарев Б.М. Государственная служба. – М.: БЕК, 1993.
2. Буравлев Ю.М. Проблемы реформирования и управления системой государственной службы в России // Государство и право. – М., 2003. –
3. Саид-Газиёва Н.Ш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008.
4. Itzhak Galnoor, Jennifer Oser. Civil Service // <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780080970868750033?via%3Dihub>
5. Ann Paludan. Chronicle of the Chinese Emperors: The Reign-by-Reign Record of the Rulers of Imperial China. New York, New York: Thames and Hudson. (1998) // <https://thamesandhudsonusa.com/books/chronicle-of-the-chinese-emperors-the-reign-by-reign-record-of-the-rulers-of-imperial-china-softcover>
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 76 б.
7. Xusanov O.T. O‘zbekiston Respublikasining Konsitutsiyaviy huquqi. Darslik. – Т.: Adolat, 2013. – 552 б.
8. Хақимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016. – 322 б.
9. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма / Азизов Х., Йўлдошев А., Асадов Ш., Хайитов Х., Каримов Д., Бекчанов Д., Атажанова Д., Юлдашева Ф. – Т., 2019 й. – 248 б.
10. Алимов Б.Б. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимият тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари. Монография. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2016. – 368 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида, 10.12.2019. // <https://lex.uz/docs/4636594>
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида, 26.08.2018. // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-administratsi-yasi-ra-bar-kh-28-08-2018>
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида, 28.07.2017. // <https://lex.uz/docs/3291074>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида, 07.02.2017. // <http://lex.uz/docs/3107036>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида, 08.09.2017. // <http://lex.uz/docs/3331174>
16. Сук К.П. Давлат бошқарувида инсон ресурслари 2018 йил нигоҳида. 2018. – 287 б.
17. Official Portal Public Service Department JPA // <https://www.jpa.gov.my/en/corporate-info/jpa-profile>
18. The Public Service Division // <https://www.psd.gov.sg/>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида, 03.10.2019. // <http://lex.uz/docs/4549998>
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида, 03.10.2019. // <https://lex.uz/docs/4552053>

21. Давлат хизмати персоналини бошқариш. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: Азизхўжаев А.А. Т.: Академия, 2002. – 139 б.

22. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, 22.05.2020. // <https://regulation.gov.uz/uz/document/18047>

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида, 29.03.2011. // <https://lex.uz/docs/1761241>

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, 06.07.2021. // <https://lex.uz/docs/5495533>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

РЎЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич

Тошкент давлат юридик университети «Бизнес ҳуқуқи»
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РЎЗИНАЗАРОВ Ш.Н. Рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг электрон дастурий таъминотини интеграция қилиш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №4 (2021). Б. 34-42.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларини электрон дастурий таъминотини интеграция қилиш, қонун ҳужжатларини тизимлаштиришда кодификациялаштириш, ҳуқуқий тартибга солишда янги норматив-ҳуқуқий воситаларни ижтимоий маконда ва виртуал майдонда қўллашнинг долзарб илмий-амалий муаммолари ўрганилиб, соҳани ривожлантириш юзасидан хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик қонун ҳужжатлари, виртуал ҳуқуқий майдон, унификация, рақамли ҳуқуқ, рақамли бизнес, электрон дастурий таъминот, қонун ҳужжатларининг электрон тўплами, рақамли норматив-ҳуқуқий маълумотлар базаси.

РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич

Профессор кафедры «Бизнес право» Ташкентского государственного
юридического университета, доктор юридических наук, профессор

ПЕРСПЕКТИВЫ ИНТЕГРАЦИИ ЭЛЕКТРОННОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ ДОКУМЕНТОВ В КОНТЕКСТЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются актуальные научные и практические проблемы интеграции электронного программного обеспечения законодательств в предпринимательской сфере в условиях цифровой трансформации, кодификации при систематизации документов, применение

новых нормативно-правовых инструментов в социальной среде и виртуальном пространстве, даются заключения и предложения по развитию этой сферы.

Ключевые слова: предпринимательское законодательство, виртуальное правовое пространство, унификация, цифровое право, цифровой бизнес, электронное программное обеспечение, электронный сборник законодательства, цифровая нормативно-правовая база данных.

RUZINAZAROV Shukhrat

Professor of the Department Business law
at Tashkent State University of Law, Doctor of law Sciences

PROSPECTS FOR INTEGRATION OF ELECTRONIC SOFTWARE OF BUSINESS LEGISLATION DOCUMENTS IN THE CONTEXT OF DIGITAL TRANSFORMATION

ANNOTATION

The article examines current scientific and practical problems of integrating legislation on electronic business in the context of digital transformation, codification of new regulatory documents in the social environment and the virtual world, proposals and proposals for the development of the sphere.

Keywords: business legislation documents, virtual legal space, unification, digital law, digital business, electronic software, electronic collection of legislation, digital regulatory legal database.

Бугунги кунда мамлакатимизда рақамли қисодиёт тобора ривожланиб бормоқда. Бу соҳани янада такомиллаштириш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилиб, таклифлар илгари сурилмоқда [1]. Рақамли трансформациялашув шароитида тадбиркорлик қонун ҳужжатларини электрон дастурий таъминотини интеграция қилиш долзарб илмий-амалий муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик қонунчилигининг электрон дастурий таъминот маълумотлари базасини интеграция қилиш, энг аввало, уни ягона тизимга солинган ҳолда қўллашни осонлаштиради. Энг муҳими, тадбиркорлик қонун ҳужжатларига оид норма ижодкорлиги ва амалиётда қўллаш сифатини оширишда вақт ва ресурсларни тежаш имконини беради. Қонун ҳужжатларининг унификациялаштирилган электрон тўпламларини яратиш ва унинг электрон дастурий таъминотининг рақамли интеграцияси ўз истиқболига эга.

Дарҳақиқат, электрон дастурий маълумотлар базаси билан таъминланган қонун ҳужжатлари норма ижодкорлиги фаолиятида, илмий фаолиятда, ўқув жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда электрон версиядаги ҳуқуқий ахборотлаштириш расмий тус олиб жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Қонун ҳужжатларини ривожлантиришда электрон ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, ундан фойдаланиш бўйича ахборот ҳуқуқий тизим билан шуғулланадиган хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Қонун ҳужжатларидан электрон ресурс марказлари ва рақамли кутубхоналардан фойдаланиш имконияти тобора кенгаймоқда. Электрон-маълумот-ҳуқуқий тизимнинг давлат-хусусий шериклик концепциясини яратиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишни талаб этмоқда. Интернетнинг ҳуқуқий ахборот манбаси сифатида роли ортиб бормоқда. IT-ҳуқуқ соҳасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий, методологик асосларини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтирмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарбиянинг инновацион усулларини жорий қилиш ғоятда муҳим вазифа қилиб белгиланган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг миллий-ҳуқуқий интернет портали ўз ичига қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси барча миллий ҳуқуқий сайтлар, юридик луғат ва ҳуқуқий электрон кутубхона, мақсадли аудиториялар (давлат хизматлари, педагоглар ва бошқалар) учун мажбурий курслар (mandatory courses) қамраб олади. Шунингдек турли ҳаётий ҳолатлар бўйича ҳуқуқий ечим талаб этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими “advice.uz” ҳуқуқий ахборот тизимини яратиш ва ишга тушуриш; фуқароларнинг ўз ҳуқуқий билим даражасини синаш мақсадида интернет тизимида турли босқичларга эга бўлган “Ҳуқуқий тест” лойиҳасини яратиш; Ижтимоий тармоқларда (Facebook, Телеграм, Твиттер, Youtube, Mytube.uz, lex.uz) давлат органлари ва ташкилотларнинг каналларини ташкил қилиш ва ушбу каналларда веб технологияларда кенг фойдаланган ҳолда соҳа фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғибот материалларини шарҳлаб бориш ва ш.к. назарда тутилган. Қайд этилган чора-тадбирлар норматив-ҳуқуқий базани электрон шаклда фойдаланишнинг амалиётини янада кенгайтиради. Илғор хорижий тажрибаларга асосланиб норматив-ҳуқуқий базага аҳоли ва ижрочиларнинг фойдаланиш қулайлигини ошириш учун қонунчиликнинг барча соҳалари бўйича электрон тизимлаштиришнинг барча шакл ва усуллари тadbiq этиш самарадорлигини янада оширишни тақозо этмоқда [3]. Қолаверса, нормография соҳасидаги йўналишда ҳуқуқшуносликка асос солиш фурсати етди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг иқтисодий негизларининг тамал тоши сифатида мулкчилик, иқтисодий фаолият ва тadbirkorлик эркинлигини назарда тутди. Бозор муносабатларини эркин тadbirkorлик фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тadbirkorлик эркинлиги конституциявий категория бўлиб унинг ҳуқуқий асосларини тизимлаштиришда ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик умумҳуқуқий классификаторида 09.00 00 00 рақам билан тadbirkorлик ва хўжалик фаолияти ҳам ўзининг ифодасини топган [4]. Бу соҳага 20 та турдош соҳага оид қонунчилик йўналишлари киритилган. Хусусан, тadbirkorлик тўғрисидаги қонунчилик, умумий масалалар, тadbirkorлик субъектлари, тadbirkorлик субъектларини рўйхатга олиш, яқка тартибдаги тadbirkorлик, кичик ва хусусий тadbirkorлик, оилавий тadbirkorлик, давлат-хусусий шериклик ва х.к шулар жумласидандир.

Фикримизча, қайд этилган юқоридаги тadbirkorлик ва хўжалик фаолияти рўйхати тўлиқ эмас. Умумҳуқуқий классификаторда белгиланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик; банкротлик ва санация; аудиторлик фаолияти; баҳолаш фаолияти; сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва метрология; реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва х.к. унинг таркибига киради. Умумҳуқуқий классификаторда тadbirkorлик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ягона тизимга келтирилмаган. Шу боис, бундай умумҳуқуқий классификаторни илмий-методологик асосларсиз амалга оширишда ҳуқуқ соҳалари бўйича қонунчиликнинг анъанавий ва янги йўналишлари эътиборга олинмаган. Қолаверса, рақамли ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда уни тизимлашга эришилмаган. Илмий-назарий жиҳатдан қонунчилик соҳаларининг умумҳуқуқий классификаторини ишлаб чиқишнинг методларини яратиш норма ижодкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имкониятини яратади.

Тadbirkorлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришда кодификациялаштириш асосида амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Кодификациялаштирилган ҳужжатларнинг бир қанча турлари мавжуд. Булар жумласига асослар, кодекслар, уставлар, низомлар кабиларни киритиш мумкин. Қонун ҳужжатларини тизимлаштириш шаклларига инкорпорация ва консолидация киради. Тadbirkorлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг инкорпорация шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хронологик ва мавзулар жиҳатидан бирлаштириш ахборотнома ёки тўплам сифатида амалга оширилиши мумкин [5].

МДХда тadbirkorлик ва савдо кодексларини қабул қилиш бўйича турли нуқтаи назарлар ва илмий мунозаралар билдириб келинмоқда. Тadbirkorлик ҳуқуқи тарафдорлари ягона соҳавий Тadbirkorлик кодекси ишлаб чиқиш заруриятини асослаб беришмоқда [6. Б.9]. Бугунги кунда Рақамли кодекс яратиш ғояси ҳам илгари сурилмоқда.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш шакли бўйича ягона фикр йўқ. Яъни 1-ҳисобга олиш, 2-инкорпорация, 3-консолидация, 4-кодификация ва бошқалар. Қонун ҳужжатлари тўпламининг энг кўп тарқалган тизимлаштириш шакли бўлиб, кодификация

ҳисобланади. Унинг афзаллиги шундаки, қонунчиликсоҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужат тўплами қайта ишланади ва барқарорлаштирилади, ҳуқуқ нормалари сезиларли ўзгартирилади ва унинг мазмуни янгиланади, эски қоидалар бекор қилинади ва кодификациялаштирилган ҳужжат қабул қилинишига эришилади [7, Б.119]. Фикримизча, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни электрон дастурий таъминотининг устивор махсус ҳуқуқий асосларини яратиш ғоятда долзарб ва истиқболли йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда янги норматив ҳуқуқий воситаларни ижтимоий маконда ва вертуал майдонда қўллашни тақозо этади. Тадбиркорлик муносабатларига рақамли технологияларни қўллаш, янги методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш; тадбиркорлик соҳасида рақамли фуқаролик муомаласи тартибга солишни унификация қилиш, айниқса, электрон тижоратда тадбиркорлик шартномаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш; юридик шахсларни масофавий бошқариш тизимининг этиш, рақамли офис, Фуқаролик кодексининг юридик шахснинг жойлашган ерига оид нормаларни такомиллаштириш; ҳуқуқий муносабат субъектлари идентификация ва аутентификациясини оқилона ҳуқуқий тартибга солиш; роботнинг ҳуқуқий мақоми, сунъий интеллектнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирокини таъминлаш; тадбиркорлик соҳасида рақамли шаклдаги маълумотларни тўплаш; саралаш ва уни қайта ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, рақамли технологиялар, катта массивдаги маълумотлар, интернет сайт, интеллектуал фаолият натижаларининг муомаласини рағбатлантиришга оид нормаларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шунингдек, рақамли монополистик фаолиятини тартибга солиш, товар ва молия бозорларида рақамли технологияларни тартибга солиш, ҳуқуқларни реестрини юритиш вагувоҳлантиришда рақамли технологиялардан фойдаланишни ҳуқуқий таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини турли хил ҳисобга олиш ва ҳисоботларини тўлдиришни электронлаштиришни тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни ривожлантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”нинг 4-банди 1-хатбошида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, хусусан, крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш, шахси кўрсатилмаган маълумотларнинг сезиларли массивларини (“big data”) йиғиш ва қайта ишлашни ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратдан фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтириш назарда тутилган [8].

Рақамли технологияларнинг фуқаролик муносабатларига кириб келиши ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда янги ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишни ва мутаносиб равишда фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилигини тизимлаштиришда инобатга олишни тақозо этади. Рақамли тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва унификация қилиш норма ижодкорлиги фаолиятининг янги истиқболли йўналиши бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини рақамли технологиялар ёрдамида такомиллаштириш уни кодификациялаштиришнинг асосий ва муҳим шартидир. Фурсати келганда айтиш жоизки, тадбиркорлик қонун ҳужжатларини рақамли кодификациялаштириш уни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг тадрижий йўлидир. Бошқача айтганда, рақамли норма “норматив ҳуқуқий маёқ” бўлиб хизмат қилиши лозим.

Рақамли бизнесни тизимли, бир-бири билан ўзаро мувофиқлаштирилган, такрорланмайдиган, тўғридан-тўғри қўлланиладиган, ҳаволаки нормалардан имкон даражасида воз кечилган, ўзида оммавий-хусусий ҳуқуқни тартибга солишни мужассамлаштирган, соҳавий қонунчиликнинг энг илғор ва замонавий тенденцияларини акс эттира олган, янги рақамли реаллик шароитида унинг нормаларининг барқарорлигини белгилашга хизмат қиладиган, зиддиятли нормалардан ҳоли бўлган, концепциявий асоси бўлган, рақамли қонунчилик техникасини янги шакл ва усулларини

монанд тарзда ўзлаштирган ягона, комплекс тусдаги норматив-ҳуқуқий база вазифасини бажарадиган Тадбиркорлик кодексини қабул қилишга қаратилган эҳтиёж ва объектив зарурият вужудга келган десак, муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сонли фармони билан тасдиқланган “Норма ижодкорлигини такомиллаштириш Концепцияси” қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштиришга қаратилган[9]. Қонун ижодкорлиги фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш норма ижодкорлиги фаолиятини асосий йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда “Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими порталининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими таркибий қисми сирасига унга интеграция қилиш” бу борадаги асосий вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, норма ижодкорлиги фаолиятида қонун ҳужжатларини тизимлаштиришга таъсир кўрсатувчи энг муҳим восита келгусида қабул қилиниши бўйича ташаббус кўрсатилган ва ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг оқибатларини эрта башорат қилишни тартибга солувчи комплекс тизимни жорий қилишнинг аҳамияти ортмоқда [10]. Бундай тизимнинг жорий этилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат ташаббускорлари ва уни ишлаб чиққан субъектлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шунингдек, тартибга солувчи чораларнинг таъсири барча манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазаларини тўлиқ инобатга олиш учун шароит яратади. Жамоатчилик томонидан қонун лойиҳалари бўйича билдирилган таклифларга юзаки муносабат билдиришнинг олди олинади. Энг муҳими, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фактик таъсирини ўтказиш мақсадида энг муҳим восита унинг самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ва комплекс назорат ишини таъминлаш этишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида тартибга солувчи таъсирни баҳолашни амалга оширадиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларининг зарур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишини тақозо этади [11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [12] фармонига мувофиқ 2020-2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Ушбу концепцияда ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг комплекс ёндашувини жорий этиш; қонунчилик мажмуасини тизимлаштириш, «тартибга солувчи гильотина» усулини қўллаган ҳолда ҳуқуқий тартибга солишни соддалаштириш ҳамда қонуности ҳужжатларини қисқартириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишни синчков, кенг қамровли ва танқидий таҳлил асосида амалга ошириш; қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эх-post (кейинги) таҳлилинини ўз ичига олган қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини ўрнатиш; илмий лингвистик экспертиза механизмларини шакллантириш ва изчил такомиллаштириш; қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг ортиқча юқини бартараф этиш орқали «ақлли тартибга солиш» моделини ва стандартлаштирилган таҳлил методологиясини жорий этиш ва бошқа бир қатор йўналишлар белгиланди.

Шунингдек унда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш — корхонани рўйхатдан ўтказишдан тортиб уни тугатишгача бўлган барча зарур маълумотларни тақдим этувчи махсус интерфаол «Advice for business» юридик портални яратиш; фуқаролик қонунчилиги нормаларини энг илғор хорижий амалиётлар билан уйғунлаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро стандартларни жорий этиш; фуқаролик қонунчилиги институтларини ривожлантириш ва тенг ҳуқуқли субъектлар ўртасидаги хусусий-ҳуқуқий муносабатларга тартибга солишнинг аралашувини минималлаштириш мақсадида тартибга солувчи ва диспозитив нормаларнинг ўзаро ҳуқуқий экспертизасини йўлга қўйиш каби янгича ёндашувлар ўзининг ифодасини топган. Ушбу концепциянинг қайд этилган истиқболли йўналишлари ягона давлат ҳуқуқий сиёсати сифатини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Илмий ва тизимли таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони жуда кўпайиб бормоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳам норма ижодкорлигининг ва уни ижро мониторингининг барча босқичларини тугал ва комплекс тартибга солмайди. Шу боис, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги базани кодификациялаштириш [13] ва унинг электрон маълумотлар базасини интеграциялаштиришни янги босқичга кўтариш фурсати етди десак, асло муболаға бўлмайди. Албатта, бу вазибалар норма ижодкорлиги фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқиш, уни амалиётда қўллаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ижро мониторингини ташкил этишнинг барча босқичларида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва уни ўзаро интеграциялашувининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, “рақамли қонунчилик соҳасига асос солиш фурсати келди” дейиш мумкин.

Тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришда Бизнес омбудсман, тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси ахборот тизими “business.gov.uz”, ягона интерактив портал, тадбиркорлик фаолиятида коррупцияга қарши кураш, тадбиркорлик фаолияти ҳисоб ва ҳисобот, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш, тадбиркорлик фаолиятини моддий-техник таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятида IT технологияларидан фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини суғурта, тадбиркорлик субъектлари кооперациялари, тадбиркорлик бирлашмалари, кичик ва ўрта бизнес тўғрисидаги қонунчиликни тизимлаштириш ва уни соҳага оид кодификациялашган ҳужжат билан мақбуллаштириш, тадбиркорлик фаолиятида рақобат муҳитини яратишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектининг ер учаскасига оид маълумотларини “E-ijro aukcion”, “Ver elektron” тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий фаолияти, тадбиркорлик субъектларининг савдо фаолияти (Савдо тўғрисидаги қонунчилик билан унификация қилиш), тадбиркорлик фаолиятини халқаро молиявий институтлар томонидан молиялаштириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти, эркин ва кичик саноат зоналарида тадбиркорлик инновацион (рақамли) фаолияти, тадбиркорлик фаолиятида стандартлаштириш ҳамда мувофиқлигини баҳолашни унификация қилиш, тадбиркорлик фаолияти кичик соҳалари нормалари билан (масалан, келгусида қишлоқ хўжалиги кодекси ёки аграр кодекс қабул қилиниши мумкин), ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини илмий-инновацион таъминлаш, хусусий энергетика, тадбиркорлик фаолияти ва давлат-хусусий шериклик, стартап тадбиркорлик фаолияти (венчур молиялаштириш, IT компаниялар), рақамли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш фаолияти, ризлторлик, баҳолаш фаолияти, ижтимоий тадбиркорлик фаолияти, хусусий тиббиёт фаолияти (тиббиёт соҳасидаги қонун ҳужжатларини бирлаштириш мақсадида тиббиёт кодексини ишлаб чиқиш) билан ўзаро уйғунлаштириш, экологик тадбиркорлик (экология кодекси билан ўзаро уйғунлаштириш) фаолияти, қурилиш, спорт, сайёҳлик ва бошқа соҳалардан қонун ҳужжатларини унификация қилишда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишда янги рақамли технологик ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳаётий заруриятга айланиб бораётганлиги барчага аён.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборот тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги [14] Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг ҳамда зарур бўлган тақдирда, тегишли ахборот-таҳлилий материалларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органларига ва ташкилотларга электрон шаклда юборилишини таъминлайди; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ишларини амалга оширади.

Рақамли реаллик шароитида ҳуқуқий ахборотлаштиришнинг роли ортиб бормоқда. Норма ижодкорлигининг барча босқичларида ахборот коммуникация технологиядан самарали

фойдаланиш унинг сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Сўнги йилларда қонунчиликнинг электрон тўпламини тузиш масаласи қизгин муҳокама этилмоқда [15].

Ҳуқуқий адабиётларда қонунларнинг тўпламларини тузиш масалалари муҳокама мавзуси бўлиб ҳисобланади [16, 17, 18, 19.Б.31-35]. Ҳозирги вақтда рақамли реаллик шароитида ҳуқуқий ахборотлаштириш ҳуқуқининг трансформациялашуви объектив реалликка айланмоқда. Бунда энг асосий масалалардан бири бўлиб қонунларнинг электрон шаклларини тузиш ҳисобланади. Шу мақсадда тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг электрон тўпламларини тузиш масаласиғоятда муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда норматив-ҳуқуқий манбаларга АҚШ Конституцияси, федерал статут ҳуқуқи, асосан кодекс ва қонунлардан (United States Code) ҳуқуқий ҳужжатлардан, федерал ижро органи қарорлари, федерал норматив-ҳужжатлар кодексига киритилган (Code of Federal Regulations). Энг муҳим томони шундаки, ҳозирги шароитда қонунларнинг тўлик тўплами Рим қонун ости ҳужжатлар тўплами амалий жиҳатдан шакллантирилган [20, Б.7-9]. АҚШ қонунлари кодекси (United States Code) соддалаштирилган предмет асосида федерал қонун ҳужжатлари ва унинг алоҳида тузилиши бирликларини ўзида мужассамлаштирган. Бу тўпламнинг ярми инкорпорация шаклида ва ярми эса, кодификациялаштирилган ҳисобланади. Унга қонун ҳужжатларининг шакли сифатида консолидация хос эмас [21, Б.116].

Россияда 2007 йил 21 август кунини 1035-сонли “Қонун ҳужжатларини архивлаштириш тўғрисида”ги қонун қонунҳужжатларининграсмий электрон манбаларини архивлаштирди. Италияда қонунчиликни тартибга солишниқисқартириш (Taglia-leggi) 200 минг ҳуқуқий ҳужжат бекор қилиниб, қонун ҳужжатларининг 14 минги кучда қолдирилган. Маъмурий тартиб таомиллар қисқартирилган (taglia amministrativa) ва “fact-track” режимида тезкор амалда бўлиш жорий этилган. Польшада 2002 йил 20 майдан “Қонунчилик техникаси принциплари тўғрисида”ги Қонун, Чехия Республикасида “Қонун кодекси”ва Халқаро шартномалар кодекси тўғрисидаги қонун (1999 йил 309-сон), АҚШ “Ихчамлаштирилган тартибга солиш тўғрисида”ги қонун(Regulatory Flexibility Act of 1980)нинг асосий мақсади кичик бизнес фаолиятини норматив тартибга солишни оғирлаштирмасликдир. Қонунда назарда тутилганидек, давлат органлари янги қоидаларни қабул қилишдан кичик корхоналар учун унинг оқибатларини ва тартибга солишнинг содда, қулай воситаларини таъминлашнинг ўзига хос мониторингини ўтказди. Шунингдек, АҚШда қонунларни тайёрлаш, келишиш, қабул қилиш барча жараёнлари муайян қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Аргентинада Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжат рўйхатдан ўтказилгандан кейин махсус электрон сайтга жойлаштириш учун юборади. Аргентина Президентининг 207/16-сон декретига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон нусхаси расмий мақомга эга [21, Б.42-141].

Илмий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва уни электрон дастурий таъминлаш объектив ва тадрижий жараёндир. Айниқса, электрон рақамли қонун ҳужжатлари тизими шаклланиб амалиётда кенг қўлланилаётганлиги ақлли тартибга солишда янги ҳуқуқий механизмларни қўллашни, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонунчилик соҳасида ижтимоий макондава вертуал ҳуқуқий майдонда фаоллигини янада оширишни тақозо этмоқда. Айрим давлатларда фуқаролар ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Австрияда масалан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи парламентнинг қуйи палатаси (Миллий Кенгаш) 100 минг сайловчилар ёки овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган учта ернинг яшовчиларининг 1/6 қисми қонун лойиҳаларини киритиши мумкин. Бошқа давлатларда бундай ҳуқуқ муайян жамоат ташкилотларига берилган. Бундан ташқари, норма ижодкорлигининг янги босқичи электрон форматда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, махсус ташкил этилган муассасаларда қонун ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳаларини архивлаштириш, электрон ҳуқуқий ахборотлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, рақамли реаллик шароитида норма ижодкорлиги шаклларининг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг дастурий таъминотини тўлик яратиш, қоғозбозликдан воз кечиш, меҳнат ва ресурсларнинг тежамкорлигига эришиш, норма ижодкорлигининг шаффофлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати

ва самарадорлигини таъминлаш, тадбиркорлик қонунчилигини тизимлаштиришда интернет имкониятларидан кенг ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги электрон версияларини, уни қўллашдаги ягона тизимлаштириш усули деб бўлмайди. Рақамли реаллик шароитида ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимининг жуда тез суръатлар билан жадал ривожланиши тадбиркорликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумҳуқуқий классификатор талабларидан келиб чиқиб соҳавий, кичик соҳавий норма ва институтларни қамраб олган ҳолда ўзида гипер ҳаволаларни мужассамлаштирган тўпламларни шакллантиришга эришиш лозим. Бундай тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг электрон тўпламлари соҳага оид норматив базани тўлиқ қамраб олиб унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам мунтазам киритиб борилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни предметли хронологик, соҳалар, соҳалараро, кичик соҳалар, юридик кучи ва устуворлиги, норматив-ҳуқуқий тизимда тутган ўрни ва тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доираси, ижрочи, аҳоли айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланганлиги каби меъзонлардан келиб чиқиб уларнинг махсус электрон дастурий таъминоти билан интеграциялаштирилган маълумотлар базасини яратиш устувор ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг “ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган электрон ҳужжат” сифатида унинг “рақамли унификациялаштирилган назорат матнларини” яратиш, сақлаш, тарқатиш, ижроси электрон мониторинги, электрон жамоатчилик фикри ва муҳокамаси, фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси каби яхлит тизимни ўз ичига олган “Электрон ҳуқуқий ахборотлар базаси” тўпламини интеграциялаштирилган тарзда унификация қилиш лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон ҳуқуқий ахборотлар маълумотлар базаси билан ўзаро интеграциялаштирилган тўплами давлат ҳокимияти органлари (қонунчилик, ижро) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг инкорпорациялаштирилган электрон версияси, расмий эълон қилинган манбаси ва ҳеч бир истисносиз амалдаги барча қонун ҳужжатларининг яхлит ва тизимли рақамли тўпламдир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солувчи таъсирини баҳолашни таҳлил қилиш нуктаи назаридан тадбиркорлик қонун ҳужжатларини умумҳуқуқий электрон классификаторининг замонавий талаблари асосида интеграциясини амалга ошириш ўз истиқболига эга.

Шубҳасиз, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг электрон дастурий таъминот маълумотлар базасини интеграция қилишни монанд тарзда такомиллаштириш, унинг ақлли тартибга солиш модулли элементлари самарадорлигига эришиш, рақамли алгоритминини ўзида мужассамлаштирган ижро механизмининг мувофиқлаштирилган ҳолда таъминлаш, айниқса, ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланган ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифатини ошириш ўз навбатида, ижтимоий маконда ва виртуал майдонда қонун устуворлигига эришишнинг ғоятда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Людмила Ю., Гаджиев Х. Использование цифровой экспертизы при доказывании факта распространения ложной информации в интернете // Юрист Ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 208-218. // URL: <https://juristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/179>
2. Сборник статей международной научно-практической конференции. Санкт-Петербург, ФГБУ «Президентская библиотека имени Б.Н.Ельцина. 2011. URL: <https://www.prilib.ru/item/686148>
3. Нормография теория и технология нормотворчества, Учебник, для вузов, 2-е издание, исправление и дополнение. Под.ред. Ю.Г.Арзамасова, -М: Юрайт 2020
4. Общеправовой классификатор отраслей законодательства Республики Узбекистан. // URL: <https://lex.uz/klassifikator>.
5. Эталонные контрольные нормативные правовые акты Республики Казахстан. // URL: zan.gov.kz/ru.
6. Лаптев В.В. Проблемы совершенствование предпринимательское законодательство // Правовое регулирование предпринимательской деятельности, -М.: 1995

7. Предпринимательское право России: итоги, тенденции и пути развития. Е.П.Губин, -М.: Юстицинформ 2019.
8. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5464-сонли фармойиши (05.04.2019) // URL: <https://Lex.uz/docs/4272621>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сонли фармони (08.08.2018) // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3858817?twolang=true>
10. «О проведении обучения субъектов предпринимательства, осуществляющих производство нормативных правовых актов (Постановление Республики Кыргызстан №559 от 30 сентября 2014 года). // URL: cbd.minjust.gov.kg.
11. Иванова М. Модели и методы оценки регулирующего воздействия в государственном управлении России и зарубежных стран, Санкт-Петербург, изд-во Санкт Петербургского университета 2018.
12. 12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли фармони (19.05.2020) // URL: <https://lex.uz/docs/4820060>
13. Закон Чукотского автономного округа от 24 апреля 2009 года №25-03 «Кодекс о нормативно-правовых актах Чукотского автономного округа» // docs.cutd.ru.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-443-сонли қонуни (07.09.2017) // <https://lex.uz/docs/3329163>
15. Вершинин А.П. Электронный свод законов и правовая информатизация в России // <http://pravo.gov.ru/articles/elektronnyy-svod-zakonov-i-pravovaya-informatizatsiya-v-rossii/>
16. Морозов Антон Андреевич К вопросу о создании Свода законов Российской Федерации // Правовая информатика. 2014. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-sozdanii-svoda-zakonov-rossiyskoy-federatsii> (дата обращения: 26.09.2021).
17. Информационные технологии в юридической деятельности : учебник для академического бакалавриата / П. У. Кузнецов [и др.] ; под общей редакцией П. У. Кузнецова. — 3-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 325 с. — (Бакалавр. Академический курс). — ISBN 978-5-534-02598-9. — Текст : электронный // Образовательная платформа Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/431836> (дата обращения: 26.09.2021).
18. Киселев Б.В. формирование свода законов Российской федерации с использованием вычислительных системы сетей. автореф. дисс.. уч.степ .кандидат технических наук -М.: 1996
19. Липень С. В. Законы о нормативных правовых актах стран СНГ - индикаторы процессов информатизации и цифровизации системы законодательства // Актуальные проблемы российского права. 2019. №8 (105). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zakony-o-normativnyh-pravovyh-aktah-stran-sng-indikator-protsesov-informatizatsii-i-tsifrovizatsii-sistemy-zakonodatelstva> (дата обращения: 26.09.2021).
20. Петрова Е.А. Зарубежный опыт информатизации и особенности его реализации в россии // Фундаментальные исследования. – 2007. – № 11. – С. 31-35; URL: <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=3673> (дата обращения: 26.09.2021).
21. Ваньков А.В. Статутное право и нормативные правовые акты исполнительной ветви власти США: юридическая природа систематизации: дисс. к.ю.н. Пермь-2018 // <https://izak.ru/upload/iblock/0cf/0cf9c1e458b3f3134e8d30a54a1711a9.pdf>
22. Обзор законодательного процесса в зарубежных странах. Министерство экономического развития Российской Федерации. - М: 2017

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САДУЛЛАЕВ Қудрат Юсуббаевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи

E-mail: kudratsadullayev@mail.ru

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): САДУЛЛАЕВ Қ.Ю. Халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийликнинг белгиланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 43-48.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийликнинг белгиланиши бўйича илмий-назарий ҳолатлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: шахсий қонун, мутлок, нисбий, қонунга зид, мулк, низоларни тартибга солиш, васийлик, ҳомийлик, халқаро хусусий ҳуқуқ, жисмоний шахс.

САДУЛЛАЕВ Қудрат Юсуббаевич

Начальник отдела Академии государственного управления

при Президенте Республики Узбекистан

E-mail: kudratsadullayev@mail.ru

УСТАНОВЛЕНИЕ ОПЕКИ И ПОПЕЧИТЕЛЬСТВА В ЗАЩИТЕ ПРАВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются научно-теоретические аспекты установления опеки и попечительства при защите прав личности в международном частном праве. На основе анализа опыта зарубежных стран даны предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: субъективное право, абсолютное, относительное, коллизия права, имущество, коллизионное регулирование, опека, попечительство, международное частное право, физическое лицо.

SADULLAEV Kudrat Yusubbaevich

The head of Department Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

E-mail: kudratsadullayev@mail.ru

**DEFINITION OF GUARDIANSHIP AND TRUSTEESHIP IN PROTECTION OF THE RIGHTS
OF A PHYSICAL PERSON IN INTERNATIONAL PRIVATE LAW****ANNOTATION**

The article analyzes the scientific and theoretical aspects of the establishment of guardianship and trusteeship in the protection of the rights of the physical person in private international law.

Keywords: subjective law, absolute, relative, conflict of law, property, conflict regulation, guardianship, trusteeship, international private law, individual.

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган вояга етмаганлар болалар ҳамда жисмоний ва руҳий нуқсонли сабабли ўз ҳаракатини ўзи амалга ошира олмайдиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда васийлик ва ҳомийлик институти алоҳида ўрин тутди. Ҳар бир мамлакатнинг миллий қонунчилигида васийлик ва ҳомийлик бевосита вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсизлар ва муомала лаёқати чекланганларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, уларга тегишли мол-мулкни кўриқлаш, асраб-авайлаш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида белгиланиши қонунчилик даражасида мустҳамкамланган. Масалан, Ўзбекистонда 2014 йил 2 январь куни Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини тартибга солишга бағишланган махсус Қонун қабул қилинган [1].

Халқаро хусусий ҳуқуқда васийлик ва ҳомийлик масалаларида асосий коллизион боғловчи – бу ваколатли муассаса қонуни ҳисобланади (масалан, Румыниянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонуни 38-моддаси) [2]. Шу билан бирга яна бир кенг тарқалган коллизион боғловчи сифатида – вояга етмаганнинг шахсий қонуни ҳам амал қилади: вояга етмаганлар устидан назорат ва вояга етмаганларга нисбатан васийлик назорат ва васийлик белгиланган шахс домицилия ҳуқуқи билан тартибга солинади (Квебек ГКнинг 3085-моддаси) [3]. Истисно ҳолатларда, агар бу вояга етмаганнинг манфаатлари талаб қилса ёки унинг мол-мулкни муҳофаза қилиш учун зарур бўлса, васийлик узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади (Чехия халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг 65-§) [4]. Ҳар қандай вазиятда судлар бола учун қулай бўлган қонунни қўллашлари талаб этилади.

Хитойда вояга етмаганларга васийлик тайинлашда томонлар васийликка нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлашлари мумкин. Ҳуқуқни танлаш мавжуд бўлмаганда васийликдаги шахс мол-мулки жойлашган жой ёки васийлик муносабати юзага келган жой қонуни қўлланилади (халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг 17-§). Бироқ вояга етмаганларга нисбатан васийлик тайинлашда васийликдаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай бўлган ҳуқуқ, яъни унинг бўлиб турган одатдаги жойи ёки у фуқароси бўлган давлат ҳуқуқи қўлланилади. (30-§) [5].

Вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийликнинг алоҳида масалалари Вояга етмаганларга нисбатан васийликни тартибга солиш тўғрисидаги Гаага конвенциси (1902-йил) ва Вояга етмаганларнинг муомала лаёқатини таъминлаш ва уларга нисбатан ҳомийлик тўғрисидаги Гаага конвенцияси (1905-йил) билан ҳал этилади [6]. Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда васийлик ва ҳомийлик масалаларини тартибга солишга оид унификациялашган коллизион нормалар белгиланган. Васийлик ва ҳомийликни тайинлаш одатда васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг миллий қонуни билан белгиланади. Муайян давлат ҳудудида бўлган чет элликка нисбатан васийлик ёки ҳомийлик, агар вояга етмаган чет эллик фуқароси бўлган мамлакат қонуни ўз фуқароларига нисбатан васийлик ва ҳомийликни тайинлаш бўйича истисно ҳуқуқни ўзида сақлаб қолмаган бўлса тайинланиши мумкин. Васий ва васийликдаги шахс ўртасидаги ҳуқуқий

муносабатлар васийликдаги шахсининг шахсий қонуни билан белгиланади [6].

Бугунги кунда Вояга етмаганларнинг ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ва ваколатли органлар тўғрисидаги Гаага конвенцияси (1961-йил) амал қилмоқда. Вояга етмаганларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик масалаларида ваколатли бўлиб вояга етмаганнинг одатдаги яшаш жойи бўлган давлат органлари ҳисобланади ва улар ушбу соҳага оид низоларни ҳал қилишда ўзларининг ҳуқуқларини қўллашади. Италия, Нидерландия ва Литванинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида белгиланишича, барча ҳолатларда вояга етмаганларни ҳимоя қилиш 1961-йилдаги Гаага конвенцияси билан тартибга солинади [7].

Швейцарияда Конвенция қоидалари фақат ўзларининг миллий қонунига мувофиқ вояга етмаган деб ҳисобланадиган шахсларга ҳамда одатдаги яшаш жойи шартнома тузаётган давлатлар ҳудудидан ташқарида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Швейцария суд ва маъмурий органларининг ваколатлари, қўлланиладиган ҳуқуқ, чет эл қарорларини тан олиш масалалари 1961-йилдаги Гаага конвенцияси билан тартибга солинади. Конвенция аналогия бўйича вояга етмаганларга нисбатан фақат Швейцария ҳуқуқи бўйича ва Конвенция иштирокчиси бўлган давлатларнинг бирортасида ҳам одатдаги яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади (Швейцария халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг 85-моддаси) [7].

Европада Болаларга нисбатан васийлик ва васийлик тиклашга оид қарорларни тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1980-йил) амал қилади. Ушбу ҳужжатга ҳавола халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги замонавий миллий қонунчиликда мустаҳкамланган бўлиб, унда белгиланишича, болаларни халқаро ўғирлашга нисбатан Болаларга нисбатан васийлик ва васийлик тиклашга оид қарорларни тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Европа конвенциясиси (1980-йил) қўлланилади (Нидерландия ГКнинг 10-китоби 114-моддаси) [8].

Россия ҳуқуқида ушбу муаммо фуқаролик-ҳуқуқий тартибда коллизия нормалар “занжири” ёрдамида ҳал этилади (РФ ГКнинг 1199-моддаси) [9]. Асосий коллизия боғловчи – васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий қонуни ҳисобланади. Россия қонун чиқарувчиси бир нечта коллизия боғловчиларнинг уйғунлигини назарда тутган:

- ваколатли муассаса мамлақати қонуни;
- васий (ҳомий)нинг шахсий қонуни;
- ҳужжат рўйхатга олинган мамлакат қонуни;
- васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс учун қулай бўлса Россия ҳуқуқи.

Ўзбекистон ФКнинг 1174-моддаси васийлик ва ҳомийликка нисбатан қуйидаги коллизия боғловчиларни ифодалайди:

- суд мамлақати ҳуқуқи;
- васий (ҳомий)нинг шахсий қонуни;
- ваколатли муассаса мамлақати қонуни;

Васийлик ва ҳомийлик институти муомала лаёқати категорияси билан боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 1 январдаги “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунида эга белгиланишича, васийлик кичик ёшдаги болалар ва муомалага лаёқатсизларга (қонуннинг 3-моддаси) нисбатан, ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар ва муомала лаёқати чекланганларга нисбатан (3-моддаси) белгиланади. Одатда ҳомийликни белгилашдан мақсад ўзининг жисмоний нуқсонини (кўзи кўрмаслиги, қулоғи эшитмаслиги) сабабли муомала лаёқатини мустақил амалга ошира олмайдиган, шунингдек суиистеъмолликка (исрофгарчиликка) йўқ қўядиган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Кўп ҳолларда вояга етган муомала лаёқати чекланган шахсга нисбатан эса ҳомийлик тайинланади [1].

Васийлик ва ҳомийликнинг асосий фарқи шу билан белгиланадики, ҳомий ҳомийлик остидаги шахс номидан битимларни шахсан ўзи тузмайди, балки бунинг учун розилик беради, холос. Васий эса васийлик остидаги шахс номидан битимларни ўзи тузади. Ҳомийликни тайинлаш одатда васийликни тайинлаш билан айний ҳисобланади. Васий ва ҳомийлар фаолиятини назорат қилиш тегишли ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Васийлик ва ҳомийлик институти фуқаролик ва оила ҳуқуқида амал қилади. Кўплаб

мамлакатларда васийлик ва ҳомийлик фуқаролик қонунчилиги доирасида тартибга солинади. Муайян маънода бу деярли барча юрисдикцияларда оила ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи таркибида бўлганлиги билан изоҳланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг кўплаб миллий кодификацияларида васийлик ва ҳомийликни тартибга солишга оид қоидалар белгиланган. Бу масалалар ўз навбатида “шахслар ҳуқуқи” тааллуқлидир. Васийлик ва ҳомийлик масалаларида қуйидаги саволлар юзага келади: чет эллик ёки чет элда яшаётган шахсга нисбатан ҳам васийлик (ҳомийлик) тайинлаш мумкинми; чет эллик васий (ҳомий) сифатида тайинланиши мумкинми; қайси давлатнинг қонуни васийлик ва ҳомийлик бўйича барча комплекс муносабатларни, шунингдек унинг алоҳида жиҳатларини тартибга солади.

Бу саволларнинг аксарияти бўйича бир қатор давлатлар қонунчилигида жавоблар мавжуд. Масалан, айрим давлатлар қонунчилигида васийлик (ҳомийлик)нинг барча жиҳатлари ягона коллизион боғловчига бўйсундирилган:

- васийликдаги шахснинг домицилия қонун бўйича: васийлик ва муомалага лаёқатсиз шахсни ҳимоя қилиш бўйича бошқа институтлар муомалага лаёқатсиз шахснинг яшаш жойи қонуни бўйича белгиланади;

- васийликдаги шахснинг фуқаролик қонуни бўйича: Васийлик, шунингдек ғамхўрлик исталган бошқа шакли унга алоқадор бўлган шахс фуқароси бўлган давлат ҳуқуқи бўйича белгиланади (Греция ГКнинг 24-моддаси) [10].

- суд мамлақати қонуни бўйича: Васийлик, ҳомийлик, ғамхўрлик масалалари ва вояга етмаганлар, ақли норасолар ва бедарак йўқолганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўрнатиладиган институтлар билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солиш Яман қонуни билан белгиланади (1992 йилдаги Яман ГКнинг 27-моддаси) [11].

Буюк Британияда ҳал қилувчи коллизион боғловчи бўлиб Англия ҳуқуқи (суд мамлақати қонун) ҳисобланади. Ўз ҳуқуқини қўллар экан инглиз суди чет элда домицилия қилинган вояга етмаган британия фуқаросига нисбатан ва Буюк Британия ҳудудида домицияланган ёки вақтинча бўлиб турган чет элликка нисбатан ҳам васий тайинлаши мумкин. Англия ҳуқуқига мувофиқ тайинланган васий ваколатларининг чегараси васийликни тайинлаш жойи (кўчмар мол-мулкка нисбатан) қонуни бўйича белгиланади.

Германияда чет эллик шахсга васийлик фақатгина агар у Германия ҳудудида яшаш жойига эга бўлса ёки бўлиб туриш жойига эга бўлса ва агар чет эллик шахс фуқароси бўлган давлат, гарчи ушбу давлат қонунига мувофиқ бундай шахсга нисбатан васийлик тайинланиши лозимлигига қарамасдан унга ғамхўрликни зиммасига олмаса тайинланиши мумкин (Германия ГТга кириш тўғрисидаги қонуннинг 24-моддаси) [12].

Швейцария қонун чиқарувчиси васийлик (ҳомийлик) масалаларини мустақил ҳал этишдан воз кечган ва Вояга етмаганларни ҳимоя қилишга нисбатан қўлланиладиган юрисдикция ва ҳуқуқ тўғрисидаги Гаага конвенциясига (1961 йил) ҳаволани мустаҳкамлаган бўлиб, унинг нормалари аналогия бўйича вояга етганларга нисбатан ҳам васийликка (ҳомийликка) нисбатан қўлланилади (Швейцариянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуни 85-моддаси). Айнан шундай ёндашувни Литва қонунчилиги ҳам танлаган (Литва ГКнинг 1.34-моддаси) [13].

Коллизион тартибга солиш нуктаи назаридан васийлик (ҳомийлик) муносабатларини бир нечта мустақил сататуларга ажратиш мумкин:

1) васийлик (ҳомийлик)ни тайинлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари васийликдаги (ҳомийликдаги) шахснинг шахсий қонуни билан белгиланади (Руминия, Украина, Австрия);

2) васийлик (ҳомийлик)нинг оқибатлари васийликдаги (ҳомийликдаги) шахснинг шахсий қонун билан (Австрия) ёки суд мамлақати қонуни (Таиланд) билан белгиланади;

3) ғамхўрлик остидаги шахсга нисбатан вақтинчалик ва тезликда ҳимоя чораларини белгилаш унинг яшаш жойи қонунига (Испания) ёки суд мамлақати қонунига (Италия, Перу, Тунис) бўйсундирилади;

4) васий (ҳомий)нинг васийлик (ҳомийлик)ни қабул қилиш мажбурияти васий (ҳомий)нинг шахсий қонуни билан тартибга солинади (Украина, Руминия);

5) васий (ҳомий) ва васийлик (ҳомийлик)даги шахснинг ўзаро муносабатлар васийлик (ҳомийлик)ни органлари тайинлаган давлат қонуни – “ваколатли муассаса қонуни” (Украина) билан белгиланади. Агар васийлик (ҳомийлик)даги шахснинг яшаш жойи ҳуқуқи унинг учун янада мақбулроқ бўлса васийлик (ҳомийлик)даги шахснинг яшаш жойи қонуни қўлланилади;

б) васий (ҳомий)нинг вакиллик ҳуқуқлари ваколатли муассаса қонуни билан тартибга солинади ва органлари васийликни тайинлаган давлат ҳудудидан ташқарида ҳам татбиқ этилади (Украина).

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг янги кодификацияларида хорижий ҳуқуқий тартибот билан боғлиқ муносабатларнинг барча доирасига нисбатан тарафларнинг эрк мухторияти институтини қўллашни кенгайтириш анъанаси кузатилмоқда. Масалан, Хитой халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг 17-§га кўра, агар тарафлар қўлланиладиган ҳуқуқни танлашмаган бўлса, васийлик (ҳомийлик) вужудга келишга асос бўлган васийлик (ҳомийлик)даги шахс мол-мулки жойлашган жой ҳуқуқи қўлланилади.

Васийлик ва ҳомийликни коллизия тартибга солиш ФКнинг 1174-моддасида назарда тутилган. Унга кўра васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва бекор қилиш суд мамлакати ҳуқуқи бўйича тартибга солинади. Мутахассисларнинг фикрича, Мазкур ёндашув ушбу масалаларнинг Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларида тартибга солинишига тўлиқ мос келмасда, умуман олганда ўхшашдир. Бундан фарқли равишда васийлик ва ҳомийликни васийлик ва ҳомийликдаги шахснинг шахсий қонуни бўйича белгилаш умумий икки томонлама коллизия норма сифатида баҳоланади. Индивиднинг шахсий мақоми масаласини ҳал қилиш учун шахсий қонунни қўллаш шахс ва тегишли ҳуқуқий тизим ўртасидаги узвий алоқа мезонига асосланади [14].

Бугунги кунда халқаро хусусий ҳуқуқда қатъий ва императив ҳуқуқий тартибга солишга қараганда эгилувчан ёндашув устуворлик касб этиб бормоқда ва бу “ҳуқуқий мақомларнинг ўзаро рақобатида” яққол ифодаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида, жисмоний шахснинг шахсий қонунини аниқлаш ҳамда ҳуқуқларни ҳимоя қилишда энг мақбул шарт-шароитларни танлаш эгилувчан коллизия тартибга солувчи кенг қўлланилиши учун асос ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида энг мақбул шарт-шароит мезонининг қўлланилиш соҳалари ва кўлами кенгайишига олиб келмоқда.

Агар ўзининг миллий ҳуқуқи бўйича муомалага лаёқатсиз бўлган чет эллик Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий оқибат вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида битим тузган бўлса, унинг бу борадаги муомала лаёқати инсофли ҳаракат қилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи билан белгиланади. Ушбу қоидалар оилавий ва васийлик ҳуқуқи, шунингдек мерос ҳуқуқи бўйича муносабатлардаги юридик ҳаракатларга нисбатан қўлланилмайди.

ФКни 1174-моддасини қуйидаги мазмунда бешинчи қисм билан тўлдириш лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган шахс ёки унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулкига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик манфаатлари учун зарур бўлган ҳолларда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва мол-мулкни муҳофаза қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига мувофиқ чоралар кўрилиши мумкин. Бу ҳақда тегишли шахс фуқароси бўлган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси кечиктирмасдан хабардор қилишини лозим.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги алимент муносабатлари билан боғлиқ нормалар ва қоидаларни қўллашга оид умумий тавсиявий тусга эга бўлган алоҳида ҳужжат мавжуд эмас. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги алимент муносабатлари билан боғлиқ нормаларни қўллаш бўйича Қарорини қабул қилиш ва унда тавсиявий тусга эга бўлган қоидаларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Васийлик ва хомийлик тўғрисидаги Қонуни. ЎРҚ-364-сон 02.01.2014 // URL: <https://lex.uz/docs/2307826>
2. Закон Румынской Республики 1992 г. № 105 применительно к регулированию отношений международного частного права - URL: <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/041301>
3. Гражданский кодекс Квебека 1991 г // URL: <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/0202>
4. Закон Чехии 1963 г. о Международном частном праве и процессе - URL: <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/041501>
5. Гетьман-Павлова, И.В. Международное частное право: учебник / И.В. Гетьман-Павлова. – М.: Юрайт, 2014. – 637 с. - URL: http://urss.ru/PDF/add_ru/169400-1.pdf
6. КОНВЕНЦИЯ о гражданско-правовых аспектах международного похищения детей (Гаага, 25 октября 1980 года) - URL: <https://docs.cntd.ru/document/1902309>
7. КОНВЕНЦИЯ отменяющая требование легализации иностранных официальных документов Гаага, 5 октября 1961 года - URL: <https://lex.uz/docs/2683554>
8. *Гражданский кодекс Нидерландов*. 2011 г - URL: <https://docplayer.com/35836664-Grazhdanskiy-kodeks-niderlandov-2011-g-kniga-10-mezhdunarodnoe-chastnoe-pravo.html>
9. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части третьей / под ред. Т. Е. Абовой, М. М. Богуславского, А. Г. Светланова. М., 2004. - URL: <https://megaobuchalka.ru/8/41145.html>
10. Гражданский кодекс Греции 1940 г. - URL: <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/040501>
11. Гражданский кодекс Йемена 1992 г. - URL: <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/070201>
12. Савельев В.А. Гражданский кодекс Германии. История, система, институты. -Москва, 1994.-96 с. - URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01001695445>
13. Гражданский кодекс Швейцарии от 10.12.1907 г. (по состоянию на 01.01.2016 г.) - URL: <https://wipo.lex.wipo.int/ru/legislation/details/19185>
14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 3-жилд / <https://www.osce.org/uz/uzbekistan/106233>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХИМОВ Бахром Рустамович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчи
E-mail: rakhimov.bakhrom@gmail.com

ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОСИНИ БОШЛАШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ Б.Р. Инвестиция низосини бошлашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 49-54.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада инвестиция низосини бошлашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқий асослари бўйича инвестиция соҳасидаги қонун ҳужжатларини кенг қўламли ислоҳ қилиш учун қонунчилик ташаббусинининг асосланганлиги ўрганилган. 2020 йил 26 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонуни асосида инвестициявий низоларини ҳал этишнинг янгилашган ҳуқуқий тартиби ва бошқа қонун ҳужжатлари кўриб чиқилган. Ушбу қонунда инвестициявий низоларини ҳал қилишнинг янги Қонунчилик нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратига сабаб бўлган асосий омиллар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан бу соҳага киритилаётган асосий янгиликлари ўрганилган. Алоҳида эътибор халқаро шартномалар асосида инвестициявий арбитраж учун ҳуқуқий асосларга, шунингдек инвестиция низоларини кўп босқичли ҳал этиш процедураларига қаратилган. Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича ушбу қонунчилик ёндашувининг халқаро тажриба билан қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги янги Қонунининг инвестиция низоларини ҳал этиш қоидалари ва нормалари бўйича аниқ нормалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислоҳот, инвестиция низолари, низоларни ҳал қилиш, низоларни муқобил ҳал қилиш, инвестиция ҳуқуқи, медиация.

РАХИМОВ Бахром Рустамович,

Независимый соискатель Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: rakhimov.bakhrom@gmail.com

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ДЛЯ ИНИЦИИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО СПОРА СОГЛАСНО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрена обоснованность законодательной инициативы для проведения реформы инвестиционного законодательства в части правовых основ для инициирования инвестиционного спора согласно законодательству Республики Узбекистан. Проведен обзор правового регулирования разрешения инвестиционных споров на основании Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности», который вступил в силу 26 января 2020 года и других актов законодательства. Изучены основные факторы, обусловившие необходимость разработки и принятия в указанном Законе нововведений по разрешению инвестиционных споров, а также новшества, вводимые международным сообществом в этой области. Особое внимание уделено правовым основам по инвестиционному арбитражу на основании международных договоров, а также многоуровневой процедуры разрешения инвестиционных споров. Проведен сравнительный анализ законодательного подхода по разрешению инвестиционных споров с международным опытом.

Кроме того, анализированы некоторые положения Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» в части, касательно норм разрешения инвестиционных споров.

Ключевые слова: реформа, инвестиционные споры, разрешение споров, альтернативное урегулирование споров, инвестиционное право, медиация.

RAKHIMOV Bakhrom

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: rakhimov.bakhrom@gmail.com

LEGAL BASIS FOR INITIATING AN INVESTMENT DISPUTE IN ACCORDANCE WITH THE LEGISLATION OF THE COUNTRY OF UZBEKISTAN**ANNOTATION**

The article examines the justified bases for a large-scale reform of the legislation for legal basis for initiating an investment dispute in accordance with the legislation of the country of Uzbekistan. A review of the updated legal regulation of the resolution of investment disputes is being carried out on the basis of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Investments and Investment Activities”, which entered into force on January 26, 2020 and other legislative acts. The main factors that led to the need to develop and adopt in the above mentioned Law new legislative norms for resolving investment disputes, as well as its main novelties on the part of the international community are studied. Particular attention is paid to the legal framework for investment arbitration based on international treaties, as well as a multi-level procedure for resolving investment disputes. A comparative analysis of this legislative approach to resolving investment disputes is carried out with international experience.

In addition, the specific provisions of the new Law of the Republic of Uzbekistan “On Investments and Investment Activity” in terms of norms for resolving investment disputes are analyzed.

Keywords: reform, investment disputes, dispute resolution, alternative dispute resolution, investment law, mediation.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу инвестиция муносабатларини янада ривожлантириш бўлиб, унинг доирасида инвестиция фаолиятини тарбтибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Чунки мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири бу халқаро инвестиция ҳуқуқи нормаларига асосланган миллий қонунчилик базасининг мавжудлигидир.

Таъкидлаш лозимки, 2020 йил бошида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди, бу инвестиция фаолияти соҳасидаги ягона ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ва “Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги қонунларининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган.

Мулк ҳуқуқи кафолатланадиган қулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, инвесторларнинг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари ва ҳолис институтлари, шу жумладан инвесторнинг мулк ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали тизими қулай инвестиция муҳитини яратишнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни инвестиция фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларда бирон-бир ноаниқликни истисно этувчи қонунчиликни тўғри тушунишларини таъминлаш орқали хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган. Бундан ташқари, ушбунорматив-ҳуқуқий ҳужжат хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг фундаментал стандартларига мос келади.

Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг инвестициялар ҳимояси тўрт устунга асосан қурилган: адолатли ва тенг мақомли тартибни таъминлаш; ҳаракат эркинлиги; ноқонуний экспроприациядан ҳимоя; ва хорижий инвесторларнинг халқаро арбитраж механизмларига мурожаат қилиш имконияти. Мисол учун, хорижий инвесторларнинг халқаро арбитражга мурожаат қилиш имкониятлари уларнинг бошқа давлатга қарши даъволарининг ланишини ва халқаро мажбуриятларини бажармаган инвестиция олувчи давлатга нисбатан халқаро арбитраж трибунали томонидан чора кўрилиши имкониятларини беради.

Бу меъёрларнинг барчаси кўпгина замонавий халқаро инвестиция битимлари ва уларнинг лойиҳаларида белгиланган бўлиб, уларга риоя қилиш қўшимча равишда бир қанча халқаро конвенциялар билан кафолатланади [6].

Келажакда инвестицияларни жалб қилмоқчи бўлган, инвестицияларни қабул қилувчи давлатлар, кўпинча хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва шу билан бир қаторда низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида халқаро арбитражга мурожаат қилишга интилишади [6].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича 55 тага яқин икки томонлама давлатлараро шартномалар тузилган бўлиб, инвестиция фаолияти соҳасидаги қоидаларни ўз ичига олган бир қатор кўп томонлама халқаро ҳужжатлар ратификация қилинган. Бундан ташқари, бу ҳужжатларда инвестиция низоларни ҳал қилиш тартибини ўз ичига олган қоидалар, яъни “арбитраж шarti” мавжуд [3, Б.52-57].

Ўзбекистон Республикаси инвестициявий низоларини халқаро арбитражга тақдим этиш, шунингдек унинг қарорларини тан олиш ва ижро этишни назарда тутувчи қатор халқаро ҳужжатларнинг имзолаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан бери Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасида инвестиция низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги Конвенция (1965 йил 18 март, Вашингтон) (бундан буён матнда Вашингтон Конвенцияси деб аталади) ва 1996 йилдан бери, Хорижий арбитраж ҳуқуқларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Конвенция (10 июнь 1958, Нью-Йорк) аъзоси ҳисобланади.

Бундан ташқари, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Энергетика Хартияси (17 декабр 1994, Лиссабон) шартномасига аъзо бўлган. Хартиянинг 26 моддаси инвестор ва Шартнома тузувчи томон ўртасидаги низоларни ҳал этишни тартибга солади.

Бошқа томондан, хорижий инвестицияларнинг кўпайиши инвестиция шартномаларининг ва халқаро инвестиция битимларининг кўпайиши эса хорижий инвесторлар ҳамда давлатлар ўртасида кўплаб низоларга олиб келди.

2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1987 йилдан 2019 йилгача инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш бўйича оммавий суд даъволарининг умумий сони 1023 тага етди, бу ерда инвестиция бўйича низоларнинг аксарияти ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан ривожланиётган мамлакатларга ва ўтиш иқтисодиёти бўлган мамлакатларга қарши бошланган [7].

Сўнгги пайтларда хорижий инвесторлар ва давлат ўртасидаги инвестициявий низолар янада

қўзга ташланиб, уларнинг ўсиши ҳукуматлар учун, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда алоҳида муаммолар туғдирмоқда. Шундай қилиб, инвестиция низолари, одатда, давлат ва хорижий инвестор учун ҳам катта молиявий ресурсларни талаб қилади, улар халқаро юридик фирмалар хизматлари учун харажатлар, ҳакамлик ва экспертлар учун тўловлар, шунингдек, бошқа арбитраж харажатлар сифатида қабул қилинади. Одатда, бу низолар бир неча йил давом этади [6].

Қоида тариқасида, инвестиция фаолияти доирасидаги инвестициялар билан боғлиқ бўлган давлат ва хорижий инвестор ўртасидаги инвестиция низолари, одатда томонлар ўртасида қабул қилувчи мамлакат судларида иш юритиш орқали келишувга эришилган бўлса, томонлар ўртасидаги музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ёки халқаро арбитражда ҳал этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, инвестиция низосини арбитраж суди орқали ҳал қилишнинг муҳим шарти ҳар иккала томоннинг бундай низони арбитраж судига юбориш учун мажбурий ёзма розилиги бўлиши ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат томонидан низони халқаро арбитражда кўриб чиқишга ва/ёки муайян низони арбитраж судига ўтказишга унинг тегишли розилиги халқаро шартномада, инвестиция шартномасида ва/ёки қонунчиликда берилиши мумкин.

Вашингтон Конвенциясининг 25-моддасига асосан Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказининг ваколати доирасида (кейинги ўринларда - Марказ) инвестиция билан боғлиқ Аҳдлашувчи давлат (ёки Аҳдлашувчи давлат томонидан Марказга хабар берилган Аҳдлашувчи давлатнинг ваколатли органи) ва бошқа Аҳдлашувчи давлатнинг шахси ўртасидаги бевосита муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқий низоларни ҳал этиш киради. Бундай тартиб томонларнинг ушбу низони Марказга ҳал этишга беришга ёзма розилиги олингандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Мазкур келишувга эришган томонлар ундан бир томонлама воз кечишга ҳақли эмас.

Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган қатор битимлар инвестиция билан боғлиқ низоларни Инвестициявий низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (Вашингтон), Халқаро арбитраж суди қоидаларига биноан арбитраж судига ўтказиш имкониятини назарда тутди. Халқаро савдо палатаси (Париж) ёки вақтинчалик арбитраж (муайян низони ҳал қилиш учун махсус яратилган арбитраж).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва хорижий инвестор ўртасидаги тегишли инвестиция шартномаларида Лондон халқаро арбитраж суди, Гонконг халқаро арбитраж маркази ва бошқалар қоидаларга биноан инвестиция бўйича низоларни арбитраж судига ўтказишга оид нормалар ҳам бўлиши мумкин.

Илгари “Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида чет эл инвестициялари (инвестициявий низо) билан бевосита ёки билвосита боғлиқ низо томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилиши мумкинлиги назарда тутилган эди. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар, бундай низо инвестиция бўйича низоларни ҳал қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар (битимлар ва конвенциялар) шартлари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди томонидан ёки арбитраж суди томонидан ҳал қилиниши керак эди.

Инвестиция билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган вариантларини аниқлаш мақсадида ушбу қоида назарда тутилганига қарамай, айрим чет эл инвесторлари томонидан ушбу соҳани тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини нотўғри талқин қилиш ҳоллари бўлган ва номлари кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг қонунининг моддаси, ҳар қандай инвестиция низосини халқаро арбитраж судида ўтказилишида розилик сифатида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорига биноан ушбу меъёрни бир хил тушунишни таъминлаш мақсадида 2006 йилда “Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кафолатлар ва чоралар тўғрисида” ги Қонунининг 10-моддаси биринчи қисмининг расмий талқини тақдим этилди, унда ушбу модда Ўзбекистон Республикасининг маълум бир инвестициявий низони арбитраж судига ошириши учун розилиги ифодаси эмаслигини билдирилди [1].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Вашингтон Конвенциясининг 26-моддасига биноан ҳар қандай Аҳдлашувчи Давлат низоларни арбитраж судида кўриб чиқилиши шарти сифатида миллий маъмурий судга ёки суд низоларини ҳал қилиш учун дастлабки мурожаат қилишни талаб қилиши мумкин.

Бу, ўз навбатида, давлатга хорижий инвестордан, инвестициявий низонинг томони сифатида, низоларни ҳал этишнинг халқаро воситаларига мурожаат қилишдан олдин ички қонунчилик воситаларига мурожаат қилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради, агарда халқаро шартномада ёки давлат ва инвестор ўртасида бошқа шартлар кўзда тутилмаган бўлса. Кальво доктринасининг ва давлат суверенитети принципининг [5] моҳияти шундадир.

Бирок, аксарият халқаро даъволар комиссиялари ва бошқа халқаро трибуналлар, яъни ихтисослашган (ad hoc), институционал ёки доимий арбитраж бўладими, томонидан кўриб чиқилмаган инвестициявий низоларда, ички ҳимоя воситаларини қўлланиши жиддий муаммога айланмади, чунки низоларни ҳал этиш механизмлари халқаро шартномалар ва инвестиция шартномалари ёки низо томонлар ўртасида шартномалар асосида кўриб чиқди ва ушбу ҳужжатларда низони арбитраж судига оширишдан олдин ички ҳимоя воситаларидан фойдаланиш кераклиги кўрсатилмаган [5].

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, судларда ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш, шунингдек, холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилишга ҳисса қўшишда, томонларнинг тенглиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш механизмларини амалда кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги №ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида биноан Олий суд таркибида инвестиция эквиваленти 20 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган йирик инвесторлар ва давлат органлари ўртасида келиб чиқадиган инвестициявий низоларини кўриб чиқиш бўйича суд тузилмаси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция қонунчилиги имкон қадар шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаш, шунингдек, хорижий инвестор учун ҳам, давлат учун ҳам ўзаро мақбул ечим топиш асосида инвестиция низоларини самарали ҳал этиш ва инвестиция арбитражининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида халқаро инвестиция ҳуқуқи ва инвестиция низоларини самарали ҳал этишда глобал тенденцияларга асосланган тегишли нормалар киритилган.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддаси инвестиция низоларни ҳал қилиш учун умумий механизмни ўз ичига олади ва инвесторлар ва давлат ўртасида инвестициявий низоларни ҳал қилиш учун бир нечта босқичдан иборат тартибни ўз ичига олади:

1. Музокаралар олиб бориш, бунда томонлар низони ҳал қилиш учун ҳаракат қилишлари керак;

2. Медиация йўли, чунки Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида” ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, давлат органи жалб қилинган низо юзага келганда, давлат органи медиация чораларини кўриши кўрсатилган;

3. Агар низо музокаралар ва медиация йўли билан ҳал этилмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал этилиши лозим;

4. Юқорида айтиб ўтилган босқичларда низоларни ҳал қилиш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома ва агар (ёки) инвестор ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган шартномада арбитраж бандда кўрсатилган бўлса, бу низо халқаро арбитраж суди орқали ҳал қилиниши мумкин.

Фақат Ўзбекистон Республикасининг имзоланган ва амалдаги халқаро шартномалари ва (ёки) инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасида халқаро арбитражга мурожаат қилиш пайтида тузилган шартнома доирасидаги ёзма розилик Ўзбекистон Республикасининг инвестициявий низони арбитраж йўли билан ҳал этишга бўлган розилиги ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонунининг ушбу моддаси халқаро инвестиция низосини ҳал қилиш учун халқаро арбитражга юборишга мамлакатнинг розилиги ифодасини билдирмайди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонуни халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини тан олади ва Ўзбекистонда ҳеч қандай инвестициявий низо халқаро арбитражда кўриб чиқилмаслигини назарда

тутмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида инвестор ва ҳукумат ўртасидаги низоларни бошқача тарзда, жумладан, халқаро арбитражда ҳал қилиш назарда тутилса, бундай келишув устун бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бу мақоланинг мақсади илгари мавжуд қонун маъносини ўзгартириш ёки хорижий инвесторлар ҳуқуқларини чеклаш эмас, балки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро арбитражга розилиги масаласига оидлик киритиш учун, ҳар бир муайян ҳолатда аниқ кўриб чиқилиши керак ва халқаро арбитражга бундай розилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқ ёзма акс эттирилиши лозим.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш лозимки, инвестициявий низо тушунчаси умумқабул қилинган тушунча бўлиб, асосан давлат ва инвестор ўртасидаги инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни назарда тутати [2, Б.577-590].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига кўра, “инвестиция низоси” Чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо), яъни, бу инвестор ва давлат ўртасида келиб чиқадиган низо ҳисобланади.

Бироқ, одатда, инвестициявий низо хусусиятига эга бўлмаган икки юридик шахс ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар– тижорат низоларидир [2, Б.577-590].

Халқаро инвестиция арбитражи чет эл инвесторининг ўз ҳуқуқларини инвестиция қабул қилувчи давлатнинг миллий судларидан ташқарида ҳимоя қилишига кафолат беради. Айтиш жоизки, танқидчилар баъзи шартномаларнинг чет эллик инвесторларга берадиган махсус ҳуқуқлари кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин, шу жумладан чет эллик инвесторларга имтиёзли режим беришини ва умумий белгиланган давлат регламентининг чекланишини таъкидлайдилар, чунки хорижий инвесторнинг давлатга нисбатан халқаро битимлар ва/ёки шартномаларга мувофиқ унинг ҳуқуқларини бузилиши нуқтаи назаридан юзага келиши мумкин бўлган даъволари маълум даражада унинг сиёсати таъсир қилиши мумкин [4].

Юқоридагиларга асосланиб, низоларни ҳал қилиш бўйича “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидалари миллий Қонунчилик нормаларини аниқ ва тўғри тушунишга ёрдам беради ва энг муҳими, инвестиция низоларини ҳал қилишнинг муқобил механизмларини қўллаш орқали ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Решение Конституционного суда Республики Узбекистан «О толковании части первой статьи 10 Закона «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», <https://www.lex.uz/ru/docs/1267669>
2. Commercial and Investment Arbitration: How Different are they Today?: The Lalive Lecture 2012*, Karl-Heinz Böckstiegel Arbitration International, Volume 28, Issue 4, 1 December 2012, Pages 577–590, <https://doi.org/10.1093/arbitration/28.4.577>
3. Islambek Rustambekov & Abduaziz Isakulov. (2021); Uzbekistan in 2020: Foreign Direct Investment and Investor-State Dispute Resolution. *Int Aca. J Law*; 2(1), 2021: 52-57
4. James M. Claxton, Compelling Parties to Mediate Investor-State Disputes: No Pressure, No Diamonds?, 20 *Pepp. Disp. Resol. L.J.* 78 (2020) Available at: <https://digitalcommons.pepperdine.edu/drlj/vol20/iss1/4>
5. Surya P. Subedi. *International Investment Law: Reconciling Policy and Principle*. Oxford and Portland, Oregon: Hart Publishing, 2008.
6. United Nations Conference On Trade And Development, *Investor–State Disputes: Prevention and Alternatives to Arbitration*, UNCTAD Series on International Investment Policies for Development, New York and Geneva, 2010, <https://unctad.org/system/files/official-document/diaeia200911en.pdf>
7. <https://unctad.org/system/files/official-document/diaepcbinf2020d6.pdf>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖОЛДАСОВА Шахноза Батировна

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: sh.joldasova@gmail.com

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛЛАШНИ РАД ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЖОЛДАСОВА Ш.Б. Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этишнинг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 54-62.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-7>

АННОТАЦИЯ

Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллаш масаласи долзарб аҳамиятли ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланиши муаммоли бўлган масалалардан ҳисобланади. Шу ўринда судлар томонидан чет эл ҳуқуқини қўллаш ҳамда уни қўллашни рад этиш масаласини тўғри ҳал этиш чет эл элементи билан мураккаблашган ҳуқуқий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Мақолада мазкур масалалар таҳлил этилиб, қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: чет эл ҳуқуқи, чет эл ҳуқуқига ҳавола, коллизия, чет эл ҳуқуқини қўллаш.

ЖОЛДАСОВА Шахноза Батировна

Независимый соискатель Ташкентского
государственного юридического университета

E-mail: sh.joldasova@gmail.com

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОТКАЗА В ПРИМЕНЕНИИ ИНОСТРАННОГО ПРАВА В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ

АННОТАЦИЯ

Вопрос о применении иностранного права в международном частном праве является одним из важнейших и проблемных вопросов правоприменительной практики. В этой связи решение судами вопроса о применении и отказе иностранного права служит обеспечению защиты прав и законных интересов сторон в правоотношениях, осложненных иностранным элементом. В статье анализируются указанные проблемы и выдвигаются предложения по совершенствованию законодательства и правоприменительной практики.

Ключевые слова: иностранное право, отсылка к иностранному праву, коллизия, применение иностранного права.

JOLDASOVA Shahnoza,

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: sh.joldasova@gmail.com

LEGAL BASIS FOR REFUSALING FOREIGN LAW IN INTERNATIONAL PRIVATE LAW**ANNOTATION**

The question of the application of foreign law in private international law is one of the most important and problematic issues of law enforcement practice. In this regard, the correct decision by the courts of the issue of the application and refusal to apply foreign law serves to ensure the protection of the rights and legitimate interests of the parties in legal relations complicated by a foreign element. The article analyzes these issues and puts forward proposals for improving legislation and law enforcement practice.

Keywords: foreign law, reference to foreign law, conflict of laws, application of foreign law.

Жаҳон амалиётида судлар томонидан чет эл ҳуқуқини қўллаш ёки тегишли тартибда қўллашни рад этиш муаммоси мавжуд бўлиб, бу хорижий юридик адабиётларида маълум танқидий таҳлилларга сабаб бўлган. Масалан, айрим Германия муаллифлари таъкидлашича, суд процессида қўлланилиши керак бўлган чет эл ҳуқуқи ўрнига немис ҳуқуқига мурожаат қилиш янглиш суд қарорига олиб келиши мумкин [16, Б.307]. Бундан ташқари, кўпинча амалиётда чет эл ҳуқуқи мураккабликлари эътиборсиз қолдирилади, яъни у оддий, муҳим деталлар ва нюансларсиз талқин қилинади ва қўлланилади.

Ҳозирги замон аксарият давлатларининг қонунчилиги қуйидаги иккита институтдан фойдаланиш йўли билан чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш имкониятини кўзда тутди: «оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ» ва «ўта императив (қатъий) нормалар».

Коллизион нормага эга бўлган деярли барча ҳуқуқ тизимларида оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ мавжуд. Бундай изоҳлашдан асосий мақсад судлов мамлакатининг (масалан, Ўзбекистоннинг, жумладан, Ўзбекистон судига тааллуқли бўлса) оммавий тартибига тўғри келмайдиган чет эл қонунини тадбиқ қилишни ушбу мамлакат (Ўзбекистоннинг) коллизион нормаси билан чеклаб қўйишдан иборат. Бундай изоҳлаш йўли билан қонуннинг чекланиши олдиндан огоҳлантириб қўйилиши коллизион нормалар воситасида қўллаш учун ҳавола қилинадиган қонунлар доираси ноаниқ эканлиги билан боғлиқ [18, Б.65].

Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1164-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади. Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Демак, чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш оқибатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот асосларини бузилишини йўл қўймаслик учун Фуқаролик кодекси «оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ» (*ordre public*) деб номланган махсус институтини назарда тутди. Ушбу институт нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида, балки дунёнинг аксарият мамлакатларининг ҳуқуқ тизимида ҳам қўлланади [17, Б.640].

Аммо миллий суд амалиётида кўрсатилган норманинг муайян низоларни кўриб чиқишда қўлланилиши мисоллари мавжуд эмас. Айни вақтда суд амалиёти судлар чет эл ҳуқуқини қўллашдан бошқа сабабларга кўра ўзини олиб қочаётганлигининг бир қанча мисолларини ўз ичига олган.

Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ барча давлатларнинг ҳуқуқида мавжуд ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципини акс эттиради: агарда мазкур давлатнинг оммавий тартибига зид бўлса, миллий коллизион норма асосида танланган чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди ва унинг асосида юзага келган субъектив ҳуқуқлар тан олинмайди. Миллий қонунчилик ягона

ёндашувни ўз ичига олган: агарда қўлланилиши оқибатлари мазкур давлатнинг оммавий тартибига тўғри келмайдиган бўлса, чет эл ҳуқуқи нормасининг қўлланилиши рад этилиши мумкин [1, Б.123].

Оммавий тартиб муаммоси (ordre public) халқаро хусусий ҳуқуқнинг энг мураккаб ҳуқуқий механизмлари билан боғлиқ. Бу оммавий ва хусусий манфаатлар муносабати, давлат ва унинг суд тизимининг хусусий шахслар ўртасидаги муносабатларга аралашиб чегаралари, томонларнинг ихтиёр эркинлиги ва миллий қонунларнинг императив нормалари бириктириш эҳтимоли, чет эл қонунининг бошқа давлат ҳудудида қўлланилиши жоизлиги масалаларидир [2, Б.51].

Инглиз доктринасида ўта императив нормаларга ва оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга нисбатан умумлаштирувчи тушунча “қутқарувчи изоҳлар” (escape clauses) [12, Б.30] асосида ёндашади.

Юқорида айтилган институтлар чет эл ҳуқуқи ҳуқуқий вакумда эмас, балки, ўзига хос принципларга асосланган ва муайян давлатга хос маданий, диний, сиёсий, ғоявий, ахлоқ-кадрият йўналиши ва ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ўзининг ҳуқуқий тартибига эга давлатда қўлланилиши туфайли мавжуд. Чет эл нормаси қўлланилиши давлат ҳуқуқий тартибига мос келмайдиган натижани юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатда, ёки давлатда тегишли ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун алоҳида аҳамиятга эга нормалар аввалдан мавжуд бўлган ҳолатда, чет эл нормасинининг ҳаракатини чекловчи институтларни қўллаш имконияти тўғрисида савол юзага келади.

Масалан, судлар чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашни рад этиши учун мавжуд сабаблардан бири бўлиб, бундай нормаларни қўллаш оқибатлари тегишли давлат ҳуқуқий тартиби (оммавий тартиби) асосларига бевосита зид келиши ҳисобланади.

Оммавий тартиб бузилишига ҳавола қилиб чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашдан бош тортишга мисол сифатида АҚШ судининг куйидаги қарори хизмат қилиши мумкин. Иллинойс штати суди йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жисмоний шахсга зарар етказилганлигидан келиб чиққан низони кўриб чиққан. Мазкур ишда коллизия тартибга солиш асосида Мозамбик давлатининг ҳуқуқи қўлланилиши лозим бўлган. Аммо суд, зарар етказувчининг жавобгарлик миқдорини жиддий равишда чеклаган деган фикрга бориб, уни қўллашдан бош тортган. Суд чет эл ҳуқуқи мазкур ҳолатда адолатли эмас ва унинг қўлланилиши Иллинойс штатининг оммавий тартибига зид келган бўларди деб ҳулоса қилган [19, Б.9-15].

Қонун ҳужжатларида, қоида тариқасида, “оммавий тартиб” ибораси қонун чиқарувчилар томонидан бирон-бир тушунтиришларсиз қўлланилади, ёки ҳуқуқнинг асос солувчи принципларига, ҳуқуқий тартибга, оммавий манфаатларга (Туркия, Украина, Хитой) кўрсатма сифатида энг умумий йўналишларни беради. “Оммавий тартиб” тушунчаси асосан суд амалиётида, анча камроқ – қонунчиликда маъно жиҳатдан очиб берилади. Бунда, ҳар қандай давлат қонунчилигида, амал қилиши чет эл ҳуқуқи билан бекор қилинмайдиган қонунлар тоифаси – “оммавий тартиб қонунлари” тоифаси мавжуд. Бундай қонунларни қўллаш муаммоси шундаки, ҳеч бир қонун чиқарувчи уларнинг тўла-тўқис рўйхатини белгиламаган. Қонунчиликлар ушбу ҳужжатларнинг қонунлар сифатида давлат учун “энг муҳим аҳамиятга эга” қонунлар, “давлатнинг бутун ижтимоий тузилмаси негизида бўлган барпо этувчи”, “алоҳида муҳим” каби қонунларнинг фақат умумий тавсифларини ўз ичига олади. Кўрсатилганлар доирасида энг мақбул бўлиб Белгия қонун чиқарувчисининг “Агарда чет эл ҳуқуқи қоидалари қўлланилмайди деган бўлса, ушбу ҳуқуқнинг бошқа мос келувчи қоидалари ёки, зарур бўлса, Белгия ҳуқуқи қўлланилади” (Бельгия Халқаро хусусий ҳуқуқ Кодексининг 21-моддаси) қоидаси мақбул ҳисобланади [1, Б.125].

Ҳозирги вақтда оммавий ҳуқуқ тушунчасининг қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги миллий ва чет эл ҳуқуқи ўртасидаги потенциал коллизияларнинг барча вариантларини назарда тутишнинг имкони йўқлиги туфайли юзага келган [11, Б.67]. Кўпинча юридик эмас, балки ахлоқий-маънавий маънога эга мужмал тушунчалардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Доктринада ҳар доим ушбу тушунчанинг ноаниқлиги ва ҳаттоки аниқлаб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилади: “Оммавий тартиб тоифасининг ноаниқлиги халқаро хусусий ҳуқуқ принципларининг бирига айлантилган” [7, Б.78].

Ҳар қандай давлат қонунчилигида, амал қилиши чет эл ҳуқуқи билан бекор қилинмайдиган қонунлар тоифаси – “оммавий тартиб қонунлари” тоифаси мавжуд. Бундай қонунларни қўллаш муаммоси – ҳеч бир қонун чиқарувчи уларнинг тўла-тўқис рўйхатини белгиламаган. Қонун ҳужжатлари ушбу ҳужжатларнинг фақат умумий тавсифларини ўз ичига олади – давлат учун “энг муҳим аҳамиятга эга” қонунлар, “алоҳида муҳим” қонунлар, “давлатнинг бутун ижтимоий тузилмаси негизида бўлган барпо этувчи” қонунлар қабилад.

“Оммавий тартиб қонунлари”га оммавий ҳуқуқнинг барча нормалари – конституцион, процессуал, солиқ, валюта, божхона, экология, банк, суғурта қоидалари қиради. Бунда, жамиятнинг ҳуқуқий ва ижтимоий тузилмаси учун асос солувчи бўлган принципларнинг бутун бир тизими қонуний тартибга солиш доирасидан ташқарида қолиб кетмоқда. Бундай принциплар жамият учун шунчалик табиийки, улар жамиятда шаклланган ва мавжуд, уларни қонунчиликда тартибга олиш зарур эмас [11].

Ҳуқуқнинг умумий принциплари (“*pacta sunt servanda*”, эзгу виждон принципи, жазонинг мақбуллиги ва мутаносиблиги принципи) – оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ элементидир. Хусусан, Париж шаҳри Апелляцион суди маълум қилдики, халқаро оммавий тартиб принципи бўлиб шартномаларни бажаришда виждонлилик ҳисобланади [15].

Шундай қилиб, доктринада қонунчиликда оммавий тартиб ва унинг қўлланилиши тўғрисидаги қоидаларни аниқлаштириш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинади.

Кўриб чиқилганлардан ва оммавий тартиб тўғрисида изоҳнинг тўғри қўлланилиши заруриятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1164-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш зарур:

“1164-модда. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ.

Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқи нормаси, уни қўллаш оқибати Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) очиқ-ойдин зид келган ҳолларда, истисно ҳолати сифатида қўлланилмайди. Бу ҳолларда ушбу ҳуқуқнинг бошқа мувофиқ келувчи қоидаси, ёки зарурият бўлганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси оммавий тартиби деганда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тузуми асослари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган асосий принциплари тушунилади.

Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.”

Таъкидлаш лозимки, одатда нормалар томонлар ўзаро муносабатларини тартибга солиш тартибини мустақил аниқлаш (белгилаш) ҳуқуқига эга ёки йўқлигидан келиб чиқиб императив ва диспозитив турларга бўлинади. Аммо халқаро хусусий ҳуқуққа нисбатан “императив нормалар” тушунчасига бирмунча бошқа маъно киритилади, чунончи: қўлланиладиган ҳуқуққа қарамасдан эътиборга олинмайдиган нормалар императив ҳисобланади [6, Б.42-43].

Айтилган институтга нисбатан терминологик умумийлик мавжуд эмас. Масалан, назарияда бундай нормалар ўта императив, экстерриториал тавсифдаги нормалар, халқаро хусусий ҳуқуқнинг алоҳида аҳамиятга эга императив нормалари, тўғридан-тўғри таъсир қилувчи императив нормалар ва ҳ.к. деб аталади [3, 4].

Халқаро тижорат шартномаларида ҳуқуқни танлаш тўғрисидаги Гаага принципларида [20] қўлланиладиган терминологияга эътибор қаратиш мумкин, уларда халқаро тижорат муносабатларида “*overriding mandatory rules*” атамаси қўлланилган бўлиб, у доктринада қўлланиладиган “ўта императив (қатъий, бевосита) нормалар” терминига мос келади.

Мазкур институтнинг ўзига хос хусусиятини тавсифлаб туриб, таъкидлаш лозимки, ўта императив нормаларнинг таъсир механизми чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларни коллизия тартибга солишда муайян истисно ҳисобланиб, унинг натижаси коллизия нормалар ҳавола қилган ҳуқуқнинг, ёки томонлар ихтиёри эркинлиги принципи туфайли танланган

ҳуқуқнинг қўлланилмаслиги бўлиши мумкин [6, Б.43].

Мазкур институниги мавжудлиги, хусусан, турли давлатлар қонунчилигининг нафақат томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқни танлашга нисбатан томонлар ихтиёри эркинлиги принципини фаол амалга оширишга интилиши билан эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга императив нормаларни айланиб ўтишни истисно қилувчи халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг барқарор тизимини яратишга бўлган интилиши билан боғлиқ [9].

Ўта императив нормалар институниги юзага келиши ва такомиллашиши 1980 йилги шартномавий мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги Рим конвенциясидан тортиб то Европа Парламентининг 593/2008 Регламенти ва 2008 йил 17 июндаги “Шартномавий мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Кенгаши (Рим I Регламенти) [13] ва 2008 йил 11 июлдаги “Шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги 864/2007 Регламенти (Рим II Регламенти)гача [14] бўлган йўлни босиб ўтган Европа ҳуқуқининг ривожланиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўта императив нормаларни қўллаш масаласи Ўзбекистон Республикаси 1165-моддасида тартибга солинган бўлиб, унда қуйидаги қоидалар мавжуд:

1) “Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш” VI-бўлим қоидалари қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъий назар, тегишли муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг қатъий (императив) нормалари амал қилишига дахлдор эмас.

2) Мазкур бўлим қоидаларига кўра бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқи ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилганда, агар ана шу мамлакатнинг ҳуқуқига кўра бундай нормалар қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлса, суд бошқа мамлакатнинг ана шу муносабатлар билан узвий алоқада бўлган қатъий ҳуқуқ нормаларини қўллаши мумкин. Бунда суд бундай нормаларнинг вазифасини ва хусусиятини, шунингдек уларни қўллаш оқибатларини эътиборга олиши лозим.

Мазкур норманиги асосий мазмуни қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқида муҳим нормаларнинг борлигини тан олади ва судга тегишли ишларни кўриб чиқишда уларни қўллаш мажбуриятини юклайди. Назарий жиҳатдан ушбу концепция алоҳида қийинчилик туғдирмасда, амалий жиҳатдан суд ҳар қандай муайян ҳолатда юз бериши мумкин бўлган кўпгина қийинчиликларга олиб келади. Асосий қийинчилик бундай нормаларни қатъий нормалар мажмуаси ичидан излашда намоён бўлади [17, Б.644].

Фуқаролик кодексининг қатъий нормалари қўлланивчи чет эл ҳуқуқи қоидаларидан устун туради, уларни ниҳоятда кенг изоҳлаш мумкин. Назаримизда бунинг аҳамиятли томони шундаки, фуқаролик қонунчилигининг асосий негизларини мустаҳкамловчи нормалар эгадирлар. Шунингдек, мулкнинг дахлсизлиги тамойиллари, шартноманиги эркинлиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашининг йўл қўйилмаслиги, товарлар, хизматлар ва молиявий воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаласини ҳам киритиш мумкин (ФКнинг 1-моддаси). Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида бундай нормага ФКнинг «Битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик» деб номланган 115-моддаси мисол бўлиши мумкин. Унга кўра, қонунда битим шаклига риоя этмаслик, шу қаторда васиятнома (ФКнинг 1130-м.), ташқи иқтисодий битим (ФКнинг 1181-м.) шаклига риоя этмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Хозирда кенг амалиёт Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг мазкур қатъий нормаси тарафларнинг ҳеч қандай келишуви билан, шу қаторда қўлланивчи ҳуқуқ тўғрисидаги келишув билан ҳам ўзгариши мумкин эмаслигидан далолат беради. Бу ҳолат, қўлланивчи ҳуқуқ тарафлар томонидан танланган ёки суд томонидан белгиланганлигига қарамадан битим шакли тўғрисидаги қоида ҳар доим қўлланилишини билдиради. Яна бир мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон ҳудудида никоҳ тузишларига моънелик қилувчи ҳолатларни белгиланган Оила кодексининг 16-моддасини кўриб чиқиш мумкин. Модданиги ўзида унинг алоҳида характериға кўрсатма бўлмаса ҳам, модданиги

мазмуни аниқ бир никоҳни тузиш шартларини қайси чет мамлакат ҳуқуқи тартибга солишидан қатъи назар, ушбу модданинг қўлланилиши мажбурийлигини тўғридан-тўғри кўрсатади. Маълум ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни нормалари ўта қатъий нормалар деб ҳисоблаш мумкин. Унинг айрим нормалари, хусусан акционерларнинг умумий йиғилишида акционерларнинг қатнашиш ҳуқуқлари, акцияларни бегоналаштириш, дивидент олиш, жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш тўғрисидаги 27–28-моддалари ҳаракатига маълум ҳолатларда аниқ ҳолатда қўлланувчи чет эл ҳуқуқи билан дахл қилинмайдиган ўта қатъий нормалар деб ҳисоблаш мумкин. Кўпдан бери ўта қатъий нормалар концепциясини қўллайдиган чет эл амалиёти, бундай нормаларга истеъмолчилар ҳуқуқларини, юк ташувчининг мажбуриятларини (транспорт ташкилотларининг йўловчилар ва юк эгалари билан юк ташувчининг жавобгарлигини чеклаш ва бекор қилиш тўғрисидаги келишувлари ҳақиқий эмас), болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тартибга солувчи нормаларни киритади [17, Б.645-646].

Қонун чиқарувчи, шарҳланаётган модданинг биринчи қисмидаги каби, иккинчи саволга жавоб беришда судга кўмак бериши мумкин бўлган айрим талабларни тавсия этади, бундай нормаларнинг мақсад ва характерини, уларни қўллаш ёки қўлламаслик оқибатларини инобатга олиш зарур. Бунинг устига, қонун чиқарувчи энг умумий шакллар билан кифояланган ҳолда, ўта қатъий нормалар тахминий рўйхатини белгиламаган. Ушбу норманинг эгилувчан характери, унинг қўлланиши аниқ вазиятлар ва суд томонидан ҳар бир ҳолатни баҳолашга боғлиқлигини назарда тутаяди. Ушбу қонуннинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи учун янгилик эканлиги судларга мустақил равишда қўшимча талабларни, қўллаш учун тестларни ишлаб чиқиш заруратини юклайди [17, Б.647].

Таъкидлаш лозимки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг 1996 йил 17 февралдаги намунавий Фуқаролик кодексининг 1201-моддасида ўхшаш қоида мавжуд.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1165-моддасини муваффақиятли деб айтиб бўлмайди, бу унга тегишли ўзгартиришлар киритиш заруриятини келтириб чиқаради.

Модда номланишида “ўта императив нормалар” ёки қонунчиликда ва турли давлатлар доктринасида қўлланиладиган “бевосита қўлланиладиган нормалар” тушунчасидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз, бу айтилган нормаларнинг алоҳида характерини кўрсатиш, шунингдек, гап барчаси эмас, балки ўзгача императив нормалар ҳақида кетаётганлигини белгилаш ҳамда чет эл фуқаролари учун ҳам тушунарли мазмунда ифодалаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1165-моддаси 1-бандида ўта императив нормалар доирасини аниқлаш учун мезонлар мавжуд эмаслигини таъкидлаш жоиз, бу миллий қонунчиликда кўрилатган институтга янада кўпроқ ноаниқлик тусини беради.

Хориж тажрибасида, масалан, Швейцариянинг 1987 йил 18 декабр “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Федерал қонунининг 18-моддасига кўра “мазкур Қонун билан аниқланадиган ҳуқуққа қарамасдан алоҳида мақсадларда қўлланилиши лозим бўлган швейцария ҳуқуқининг қоидалари ўз таъсирини сақлаб қолади” [10, Б.11]. Квебек (Канада) нинг 1991 йилги Фуқаролик кодекси 3079-моддасида қонуний ва яққол устун бўлган манфаатлар шунини талаб қилган ҳолда чет эл императив нормаларининг қўлланилишига йўл қўйилади, бунда норма мақсади ва уни қўллаш оқибатлари эътиборга олинади.

Болгариянинг Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида кодексининг 46-моддасида белгиланганки, агарда ушбу нормалар уларни яратган давлат ҳуқуқига кўра мазкур кодекснинг коллизия нормаси билан қандай ҳуқуқ қўлланилиши белгиланганлигига қарамасдан қўлланилиш лозим бўлса, суд муносабат яқин боғлиқликда бўлган бошқа давлатнинг алоҳида императив нормаларини қўллаши мумкин [1, Б.127].

Фикримизча, А.Л.Маковский тўғри таъкидлайдики, қонун чиқарувчи нормага бириктирган императив характер эмас, балки тегишли нормалар қўлланилмаган ҳолатда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар энг муҳим мезонлардан бўлиб ҳисобланади [8, Б.16-40].

Энг кўп мунозара қилинадиган саволлардан бири бу ўта императив нормалар доираси тўғрисидаги саволдир: ҳуқуқнинг (оммавий бўлгани каби хусусий ҳуқуқ ҳам) ҳар қандай императив нормалари қўлланилиши лозимми?

Бизнингча, ўта императив нормалар мазмуни нимадан иборатлигини аниқлашда, энг аввало оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий нормаларни аниқ ажратиб олиш керак. Масалан, миллий оммавий нормаларнинг таъсири оммавий нормалар ҳар доим устунликка эга бўлгани учун қўлланиладиган чет эл ҳуқуқи томонидан бартараф қилина олмайди. Шунингдек, мазкур институт хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига тааллуқли бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1165-моддаси 1-бандидан фойдаланиб, уларнинг қўлланилишини асослашнинг имкони йўқ.

Нормаларнинг ўта императивлигини аниқлаш (унинг ўта императивлигига тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлмаган ҳолда) суд томонидан ҳамда қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши лозим:

1) фуқаролик муоамаласи иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини таъминлаш учун норманинг ўзига хос аҳамияти;

2) тегишли нормани қўллашдан бош тортганда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўта императив нормаларни қўллаш масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1165-моддасига қуйидаги ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ:

1) модданинг номланишини “Бевосита қўлланиладиган нормалар” деб ўзгартириш;

2) модданинг матнини қуйидаги таҳрирда ифодалаш:

“Ушбу бўлим қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тўғридан тўғри чет эл элементига эга хусусий-ҳуқуқий муносабатларни, қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тартибга солувчи қатъий моддий нормалари (бевосита қўлланиладиган нормалар) амал қилишига дахлдор эмас.

Бирон-бир мамлакатнинг ҳуқуқи ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ қўлланилганда, агар ана шу мамлакатнинг ҳуқуқига кўра бундай нормалар қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқдан қатъи назар, тегишли муносабатларни тартибга солиши лозим бўлса, суд бошқа мамлакатнинг ана шу муносабатлар билан узвий алоқада бўлган қатъий ҳуқуқ нормаларини қўллаши мумкин. Бунда суд бундай нормаларнинг вазифасини ва хусусиятини, шунингдек уларни қўллаш оқибатларини эътиборга олиши лозим.”.

Ўта императив нормаларнинг аниқ рўйхати йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми даражасида ўта императив нормалар доирасини, уларни аниқлашнинг қуйидаги мезонларини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаб ёки белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

– фуқаролик муоамаласи иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун норманинг ўзига хос аҳамияти;

– тегишли нормани қўллашдан бош тортганда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг суд кўрсатмаларига амал қилиши лозим бўлган ҳуқуқий тизимнинг виждонлилик ва адолатлилик тасавурлари нуктаи назардан таҳлили.

Ўта императив нормаларнинг мазмунини аниқлашда, энг аввало оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий нормаларни аниқ ажратиб олиш зарур. Миллий оммавий нормаларнинг амал қилиши оммавий нормалар ҳар доим устун бўлганлиги сабабли қўлланиладиган чет эл ҳуқуқи томонидан бартараф қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, мазкур институт хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига тааллуқлилиги туфайли уларнинг асосланишини Фуқаролик кодекси 1165-моддаси 1-бандидан фойдаланиб амалга оширишнинг имкони йўқ.

Ўта императив нормаларнинг асосланмаган кенг талқин қилинишига йўл қўймаслик керак, сабаби бу ўта императив нормаларнинг муаммоси коллизия тартибга солиш концепциясига хилоф равишда ҳал қилинишига олиб келиши мумкин.

Бизнингча, миллий қонунчиликка нисбатан ўта императив нормалар сифатида шартнома

эркинлигини, ташқи иқтисодий битим шаклини, никоҳ тузишга тўсиқлар масалалари ва шу кабиларни тартибга солувчи нормаларни кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, гап фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлашда ўзига хос аҳамиятга эга нормаларни белгилашдан иборат.

Хулоса қилиш мумкинки, чет эл ҳуқуқи қўлланилишини чекловчи институтларга “ўта императив нормалар” институти тааллуқлидир. Турли давлатларнинг қонунчилигида мазкур институтга ягона ёндашув мавжуд эмас. Бунда энг мунозарали бўлиб ўта императив нормалар доираси ҳақидаги масалалар ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право. Учебник. –М., 2020.
2. Карабельников Б.Р. Признание и приведение в исполнение иностранных арбитражных решений: научно-практический комментарий к Нью-Йоркской Конвенции 1958 г. –М., 2001.
3. Корочкин А.Ю. Защита публичных интересов государства при рассмотрении хозяйственных (экономических) споров с участием иностранного элемента / Беларусь.– Минск, 2014.
4. Кудашкин, В.В. Правовое регулирование международных частных отношений. – СПб.:Юрид. центр Пресс, 2004.
5. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан (часть вторая). Профессиональные комментарии. Том 3. –Т., 2011.
6. Леанович Е.Б. Международное частное право: учеб. пособие. – Минск: ИВЦ Минфина, 2008.
7. Лунц Л. А. Курс международного частного права: в 3 т. –М., 2002.
8. Маковский А.Л. Арбитрабельность споров: российский подход / Междунар. коммерч. арбитраж. 2004. – №3.
9. Мартынюк С.В. Институт оговорки о публичном порядке в международном авторском праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2012.
10. Международное частное право. Сборник нормативных актов / сост. Г.К. Дмитриева, М.В. Филимонова. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.
11. Морозова Ю.Г. Оговорка о публичном порядке в международном частном праве: понятие и современный порядок применения: автореф. дис. ... к.ю.н., –М., 2001.
12. Новикова О.В. Оговорки о публичном порядке и сверхимперативных нормах в английской доктрине международного частного права: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. – М., 2011.
13. Регламент (ЕС) № 593/2008 Европейского парламента и Совета от 17 июня 2008 г. о праве, подлежащем применению к договорным обязательствам («Рим I»). // <http://docs.pravo.ru/document/view/19810233>
14. Регламент (ЕС) № 864/2007 о праве, подлежащем применению к внедоговорным обязательствам («Рим II») // <https://pravo.hse.ru/intprilaw/doc/040002>
15. Траспов Р.А. Международный коммерческий арбитраж: понятие и критерии применения оговорки о публичном порядке. URL: <http://www.roche-duffay.ru/articles/disputes.htm>
16. ШакХ. Международное гражданское процессуальное право. –М., 2001.
17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар (иккинчи қисм). 3-жилд. –Т., 2011.
18. Халқаро хусусуий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Ҳ.Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
19. Lawrence W. Newman, Michael Burrows. The Practice of International Litigation. Ch. 9.
20. The Hague Principles on Choice of Law in International Commercial Contracts. URL:<http://www.hcch.net>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Тошкент давлат юридик университети

Ихтисослаштирилган филиали доценти, юридик фанлар номзоди

E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХУДАЙБЕРДИЕВА Г.А. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 63-68.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада собиқ шўро замонида муаллифлик ҳуқуқининг қонунчилик асослари, республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид миллий қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинган. Соҳавий қонунларнинг тизимлаштирилиши хусусиятлари, Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши жараёнлари, ундаги нормаларнинг ўрни, муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг шахсий ҳуқуқларини кучайтириш билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар ёритилган. Келгусида “Интеллектуал мулк кодекси”ни қабул қилишнинг истиқболлари ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: муаллиф, турдош ҳуқуқлар субъекти, кодекс, қонун, қоида, кодификация, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, интеллектуал мулк ҳуқуқи.

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Доцент Специализированного филиала

Ташкентского государственного юридического

Университета, кандидат юридических наук

E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ОБ АВТОРСКОМ ПРАВЕ И СМЕЖНЫХ ПРАВАХ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются законодательные основы авторского права тоталитарной системы, формирование и развитие национального законодательства об авторских правах и смежных

правах после независимости республики. Освещаются научно-теоретические взгляды, связанные с особенностями систематизации отраслевых законов, процессами принятия Гражданского кодекса, ролью норм в нем, усилением личных прав авторов и других правообладателей. Высказаны соображения относительно перспектив дальнейшего принятия “Кодекса об интеллектуальной собственности”.

Ключевые слова: автор, субъект смежных прав, кодекс, закон, правило, кодификация, авторское право, смежные права, право интеллектуальной собственности.

KHUDAIBERDIEVA Gulnora Amanmurodovna

Associate professor of the Specialized Branch
Tashkent State Law University, Candidate of legal sciences
E-mail: gulnoraxudoyberdiyeva@mail.ru

FEATURES OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF LEGISLATION ON COPYRIGHT AND RELATED RIGHTS DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article considers the legislative bases of copyright of the totalitarian system, the formation and development of national legislation on copyright and related rights after the independence of the republic. The article highlights scientific and theoretical views related to the peculiarities of systematization of sectoral laws, the processes of adoption of the Civil Code, the role of norms in it, the strengthening of the personal rights of authors and other copyright holders. The views on the prospects for further adoption of the “Code of Intellectual Property” are expressed.

Keywords: author, subject of related rights, code, law, rule, codification, copyright, related rights, intellectual property law.

Мафкуралашган ҳуқуқ тизимидан миллий ҳуқуқ тизими сари. Собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши ва социалистик тузумнинг емирилиши қатор давлатларнинг мустақилигини қўлга киритиши билан яқунланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 август кундаги “Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни республикамизда мавжуд бўлган “социалистик мафкурага” асосланган қонунчилик тизимини парчалаб ташлади, янги, миллий давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсоннинг энг муҳим ва асосий ҳуқуқлари қаторида муаллифлик ҳуқуқининг ҳам ҳуқуқий асосини белгилаб берди. Конституциянинг 29 ва 42-моддаларида фуқароларга бевосита муаллифлик ҳуқуқи, ижод эркинлиги, илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш каби қафолатлар берилди. Агарда, Конституциянинг 29-моддасида “ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” эkanлиги мустаҳкамланган бўлса, 42-моддасида ҳар бир инсоннинг ижод билан шуғулланиш, илмий-техникавий фаолият натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланди [1].

Конституцияда бундай ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши ҳар қандай шахсга ижод билан эркин шуғулланиш ва ўз тафаккур маҳсулотларини ҳеч бир тўсиқсиз тарқатиш имкониятини беради. Ижод эркинлиги илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий ихтиролар қилиш, фан, адабиёт ва санъат йўлида янги асарлар яратиш асосида амалга оширилиши натижасида таъминланади. Давлат эса муаллифларнинг бош хомийси, жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Тарихга назар соланадиган бўлсак Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи ибалн боғлиқ қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ўзбекистон ҳудудида

муаллифлик ҳуқуқининг ҳимояга олиниши 1917 йилда шўролар давлатининг ташкил топиши билан боғлиқ. Лекин, Ўзбекистонда собиқ иттифоқ таркибида бўлгани учун марказда қабул қилинган қонун ҳужжатлари амалда бўлган. 1961 йил декабр ойида қабул қилинган СССР Иттифоқи Фуқаролик қонунчилиги асослари умумиттифоқ қонунчилиги сифатида юзага келди. Бу Асослар 11 моддадан иборат бўлиб, муаллифлик ҳуқуқига оид алоҳида муносабатларни ҳам тартибга солишни кўзда тутган эди. Асосларга кўра Ўзбекистонда 1963 йил 23 март куни Ўзбекистон ССР қонун билан Фуқаролик кодекси тасдиқланди. Кодекс 1964 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилди. Кодекснинг тўртинчи бўлими муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унга кўра яратилган асарлар фақат Ўзбекистон ҳудудида ҳимоя қилинади. Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг айрим моддаларида муаллифлик ҳуқуқига оид нормалар белгиланган бўлса ҳам, унинг амалда қўлланишида давлат манфаатлари устунлиги кўриниб турар эди.

Собиқ иттифоқнинг 1973 йил 27 май куни “Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи конвенцияси” (Женева)га аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси нормаларига қатор ўзгартириш киритилишига сабаб бўлди. Конвенциянинг халқаро нормаларини миллий қонунчиликка яқинлаштириш мақсадида Конвенциянинг халқаро нормаларини миллий қонунчиликка яқинлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 30 май фармонида кўра Фуқаролик кодексининг 521-563-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Фуқаролик қонунчилиги Асослари ва Фуқаролик кодексида белгиланган нормаларни амалда ижросини таъминлаш мақсадида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1979 йил 13 декабр кунидаги “Адабиёт ва санъат асарларини оммавий ижро этганлик учун муаллифлик ҳақи миқдорлари тўғрисида”ги 832-сонли ва 1988 йил 16 ноябрь 428-сонли қарорлари мамлакатимиз мустақиллигига қадар амалда бўлди [2].

Тоталитар тузумда муаллифлик ҳуқуқи мафқуралашган, давлат манфаатларига бўйсундирилган ва доимо давлат назоратида бўлган, муаллифлар эса асарларларини давлат буюртмаси асосида яратган, турдош ҳуқуқлар ҳимояси тўғрисида қонунчилик мавжуд эмас эди. В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М.Денисовларнинг фикрига кўра “муаллифлик ҳуқуқининг асосий мақсади давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, ижодий фаолият натижаларини эса яратишда “ижтимоий фойдалиги” асосий кртерий бўлган [3-Б.32]. Чунки, шўролар тузуми шароитида қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликда муаллиф эмас, унинг асарлари биринчи ўринда ҳимоя қилинган, қонунларда эса ижрочилар ва уларга тенглаштирилган субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нормалар мавжуд эмас эди.

Аслида муаллиф эркин, унинг қарашлари асарларида акс этганда ҳақиқий асарлар яратилиши ҳеч кимга сир эмас. Муаллифга тегишли ҳуқуқлар эса бевосита фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши керак. Муаллифлик ҳуқуқи асосан фан, адабиёт, санъат ва бошқа турдаги асарларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ана шу ижтимоий муносабатларда бир томондан муаллиф (жисмоний шахс)лар, иккинчи томондан фойдаланувчи (жисмоний ёки юридик шахс)лар иштирок этади [4-Б.24].

Тизимлашган қонунчиликни яратиш йўлидаги саъий-ҳаракатлар. Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритгандан сўнг бозор қонуниятларини кенг жорий этиш ва янгича хўжалик бошқарувини йўлга қўйиш учун тизимлаштирилган алоҳида қонун, яъни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси лойиҳасини яратиш устида иш бошланди. Фуқаролик кодекси қабул қилингандан сўнг у 1997 йил 1 мартдан кучга киритилди. Кодексда муаллифлик ҳуқуқига оид янги, муҳим қоида ва нормаларлар белгиланди. Бу нормалар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари, муаллифларнинг шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя муддати, муаллифлик шартномаларига бағишланган бўлиб, улар Кодекснинг 59-боб(1031-1040 моддалар)ида, умумий қоидалар 60-боб(1041-1073-моддалар)ида, турдош ҳуқуқларнинг

ҳимояси 61-боб (1074-1081-моддалар)ида ўз аксини топди.

Фуқаролик кодексида айниқса, шахсий номулкий ҳуқуқларга кенг ўрин ажратилгани муҳим иш бўлди. И.Зокиров, О.Окюлов, М.Боротовлар тўғри таъкидлаганидек, шахсий мулкый ҳуқуқлар-шахсдан ажратиб, бегоналаштириб бўлмайдиган, мулкый характерда бўлсаган ҳуқуқлардир [5 Б.87]. Шахсий номулкий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари доктринасида муҳим ва марказий ўрин эгаллайди. Н.Имомов шахсий номулкий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир механизми бўйича доктринал масала қайта кўриб чиқилиши лозимлигини ўз вақтида тўғри таъкидлаган [6 Б.66].

О.Окюловнинг фикрича, ҳар бир ҳуқуқ соҳасида баъзан бир-бирига бутунлай зид келадиган турли ёндашувлар, ғоялар мавжуд. Ҳар қандай фан бусиз мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, муайян даврда доктринада бирон бир ғоялар тизими, қарашлар, ёндашувлар ҳақиқий (албатта, нисбий) ва тўғри доктрина сифатида устун мавқега эга бўлади. Доктрина норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун ўзига хос мўлжал вазифасини ўтайди [7, Б.216].

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бевосита интеллектуал мулк ҳуқуқининг таркибий қисми экан, қонунчиликнинг такомиллашувчи билан шахсий ҳуқуқлар ҳимояси янада кучайтирилди. Қонунга кўра, интеллектуал мулк объектлари дахлсиз бўлиб, мулкый ҳуқуқлар эгасига ана шу мулкдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиши ҳуқуқи тегишлидир [8 Б.36]. Яна бошқа жиҳатдан олганда интеллектуал мулк ҳуқуқида мулкый ва шахсий ҳуқуқлар ўзига хос узвий боғлиқликда мавжуд бўлади. Кўпинча ҳуқуқбузарлик ҳолатида мутлақ ҳуқуқ эгаси – муаллиф ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам шахсий, ҳам мулкый ҳуқуқларни ҳимоя қилишни талаб этади. Бундай ҳолатда қўлланиладиган универсал усуллар ва воситалар тизимини аниқлаш, уларни қонунларда мустаҳкамлаш масалалари ўрганилмаган [9 Б.72].

Бу олимлар тўғри таъкидлаганидек, соҳага оид қонунчиликни келгусида такомиллаштиришда илмий хулосалар ва назарий қарашларга бевосита таяниш талаб этилади.

Муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг шахсий ҳуқуқлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган барча нормалар муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро нормаларга яқинлаштирилганлиги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини халқаро миқёсда ҳимоя қилинишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик даври Фуқаролик кодексидаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид нормалар қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради.

биринчидан, кодексда муаллифлик ҳуқуқи илмий концепциясига эга бўлди ва нормалар изчиллик асосида маълум бир мантиқий тизимда жойлаштирилди;

иккинчидан, биринчи марта муаллифлик ҳуқуқи объектлар таркиби кенгайтирилди ва улар туркумланди;

учинчидан, муаллифлар тоифаси янада кенгайтирилди ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари аниқлаб берилди;

тўртинчидан, муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари кенгайтирилди ва ҳимоя қилиш моддалари узайтирилди;

бешинчидан, бозориктисодиёти қонуниятларига асосланган, эркинижтимоий муносабатларни таъминлашга қаратилган муаллифлик шартномаларининг ҳуқуқий табиати белгилаб берилди;

олтинчидан, кодексдаги барча нормалар муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган қатор конвенция ва шартномаларнинг қоидалари асосида ишлаб чиқилди;

еттинчидан, кодексдаги соҳага оид қоидалар амалда қўлланишига эришиш учун содда ва тушунарли тилда баён этилди [4].

Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари. Интеллект уал мулк ҳуқуқи, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини амалда таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқ эгаларининг хорижий давлатларда ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мумкин бўлади. А.Ғафуров таъкидлаганидек, интеллектуал мулкка оид қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантириш муаммоларининг таҳлили шунини кўрсатади, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк

соҳасини тартибга солиш, уни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш учун етарли миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий асослар мавжуд [10 Б.13].

Б.Тошев тўғри таъкидлаганидек, республикамизда Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалари ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча соҳавий қонунларни жамлаб, алоҳида янги кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг ҳар бир қонунда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, янги кодексда яхлит илмий, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлари янада кенгайди. Фуқаролик кодексда эса интеллектуал мулкка оид муносабатларни мувофиқлаштирувчи умумий нормалар бўлиши, асосий тамойил ва объектлар мақомини берувчи жиҳатлари белгиланса, етарли бўлади. Умуман олганда, бутун дунёда бугунги кунда интеллектуал мулк объектлари таркибини кенгайтириш, объектларга алоҳида ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда бугунги кунда соҳа қонунчилигида кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларининг ўзаро халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДХ аъзо-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДХ аъзо-давлатлари учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Моделли кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк объектларининг мақоми ва ҳуқуқий муҳофазаси бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган [11 Б.23].

Фуқаролик кодекси такомиллаштирилаётган даврда республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар ва соҳага оид ўндан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаб, алоҳида “Интеллектуал мулк кодекси”га бирлаштириш вақти келди. Бу кодексда соҳага оид миллий қонун ҳужжатлари билан бирга, халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ҳам акс этиши ижобий натижалар бериши мумкин. Интеллектуал мулкка оид халқаро нормалар янги кодексда имплементация қилиш, унификация қилиш ва уйғунлаштириш (гармонизация) орқали сингдирилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати-халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан устунлигини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизмларини жорий қилишда катта аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, катта даромад манби бўлган, бутун иқтисодиёни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар кўринишида жиҳозлашга кўмаклашадиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар тарқатишга асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳуқуқларини ягона “Интеллектуал мулк кодекси” орқали муҳофаза қилишга ўтишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Янги доктрина ва илмий усқуртмага эга бўлган тизимлаштирилган қонун-кодекснинг қабул қилиниши мустақиллик йилларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, умуман, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида босиб ўтилган йилларда орттирилган тажриба, миллий ва халқаро амалиёт натижаларига таянишини тақозо қилади. Кундалик ҳаётимизга ахборот технологияларининг изчил тадбиқ этилиши, асарлар ва ижроларнинг бир кўринишда иккинчи бир кўринишга ўтиб бораётгани, дунёда муаллифлик ҳуқуқини назорат қилишнинг таъсирчан тизими яратилмагани соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, асарлар бўйича ягона маълумотлар базасини шаллантириш, руҳсат бериш тизимини мақбуллаштиришни талаб этади. Муаллиф, ижрочи ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқ эгаларининг манфаатлари амалда

таъминланганда, инсоният тафаккурини ўзгартиришга кодир бўлган ўлмас асарлар яратилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Авторское право. Сборнику нормативных актов.- М.:Юридическая литература, 1985. - С.261-266.
3. Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. - М.: Юристь, 2002.
4. Тошев Б.Н.Муаллифлик ҳуқуқи. //Дарслик. -Т.: ЖИДУ, 2011.
5. Зокиров И., Окюлов О., Боротов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Т.: ТДЮИ, 2003.
6. Имомов Н. ва бошқалар. Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллаштириш истикболлари (ахборот-тахлилий материал). –Т.: ТДЮУ, 2016.
7. Окюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. Т.: ТДЮИ, юрид. фан. докт. дисс.
8. Рахимов Ф.Ҳ. Интеллектуал мулк ҳимояси долзарб масала.”Интеллектуал мулк ҳимояси–маънавий тараққиёт кафолати” мавзусидаги 2010 йил 21 апрель кунидаги илмий-назарий семинар материаллари тўплами. –Т.: ЎЗМУ, 2010.
9. Топилдиев В. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида айрим мулоҳазалар.”Интеллектуал мулк ҳимояси–маънавий тараққиёт кафолати” мавзусидаги 2010 йил 21 апрель кунидаги илмий-назарий семинар материаллари тўплами. –Т.: ЎЗМУ, 2010.
10. Ғафуров А.Б. Интеллектуал мулк миллий иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили. “Халқаро интеллектуал мулк куни”га бағишлаб 2016 йил 28 апрель куни ўтказилган “Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолият” мавзусидаги давра суҳбати материаллари. -Т.: ЮМОМ, 2017.
11. Тошев Б.Н. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация қилишнинг назарий ҳамда амалий масалалари. “Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари”. -Т.: ЮМОМ, 2021.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ.

ҲАМРОҚУЛОВ Баҳодир Мамашарифович
Тошкент давлат юридик университети Мехнат ҳуқуқи
кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар доктори
E-mail: info@advocateabf.com

МУДДАТЛИ МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ҲАМРОҚУЛОВ Б.М. Муддатли меҳнат шартномаси: назарий ва амалий муаммолар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 69-74.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муддатли меҳнат шартномасини тузишда юзага келадиган назарий ва амалий муаммолар ўрганилган. Муддатли меҳнат шартномасини имзолашда асосан иш берувчилар манфаатдор эканлиги сабабли, бундай шартномаларни асосиз тузишни олдини олиш чоралари таҳлил қилинган. Мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш натижасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан асосланган фикрлар берилган.

Калит сўзлар: меҳнат кодекси, меҳнат шартномаси, муайян муддат, номуайян муддат, шартнома муддатини узайтириш, шартномани бекор қилиш.

ҲАМРОҚУЛОВ Баҳодир Мамашарифович
Преподаватель кафедры «Трудовое право»
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор юридических наук
E-mail: info@advocateabf.com

ВРЕМЕННЫЙ ТРУДОВОЙ ДОГОВОР: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются теоретические и практические проблемы, возникающие при заключении временного трудового договора. Поскольку работодатели заинтересованы в заключении временного трудового договора, исходя из чего рассмотрены были меры по предотвращению необоснованного заключения таких договоров. Результат анализа существующих проблем позволил дать предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: трудовой кодекс, трудовой договор, временный, бессрочный, продление срока договора, расторжение договора.

KHAMROKULOV Bahodir

Lecture of the Department Labor Law
Tashkent state university of law, Doctor of Law Sciences
E-mail: info@advocateabf.com

FIXED-TERM EMPLOYMENT CONTRACT: THEORETICAL AND PRACTICAL PROBLEMS

ANNOTATION

Theoretical and practical problems with the conclusion of a fixed-term employment contract are learned in this article. Since employers are primarily interested in signing a fixed-term employment contract, measures to prevent unjustified conclusion of such contracts have been analyzed. As a result of the analysis of the existing problems, well-founded opinions on improving the legislation are given.

Keywords: labor code, employment contract, definite term, indefinite term, extension of contract, termination of contract

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига муддатли меҳнат шартномаси тузишни назарда тутилганлиги, бир томондан меҳнат шартномаси тарафлари учун қулайлик яратса, иккинчи томондан маълум бир назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Иш берувчи аксарият ҳолатларда номуайян муддатга тузилиши керак бўлган меҳнат шартномасини, ҳеч қандай асосларсиз муддатли меҳнат шартномасини тузади. Бу ходимлар ҳуқуқлари ҳимояланишини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Иш берувчи, ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш орқали, унинг муддати тугаши билан ўзига номақбул деб ҳисоблаган ходимлардан тезда қутулиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли ҳам ходим, у билан ноқонуний муддатли меҳнат шартномасини имзолашдан чеклайдиган қонуний ҳимояга муҳтож.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимларга меҳнат муносабатларининг барқарор давом этишига ишонч бермайди. Бундай шартномани имзолаш иш берувчи учун фойдалироқ, чунки иш берувчи меҳнат шартномасининг муддати тугаши туфайли ходимни ишдан бўшатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бир томондан ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иккинчи томондан эса ходим ва иш берувчининг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун мўлжалланган. Муддатли меҳнат шартномаларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари меҳнат ҳуқуқи назарияси ва қонунчиликни қўллаш амалиётида энг мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишда муддатли меҳнат шартномаларини тарафлари бўлган, бир бирига зид бўлган ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш керак.

Меҳнат шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини юзага келтирувчи асосий ҳужжатдир. Меҳнат кодекси 72-моддага кўра, меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир. Агар ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш муддати ва сабаби олдиндан маълум бўлса, бу муддатли меҳнат шартномаси деб аталади ва бундай шартноманинг максимал муддати -беш йил. Агар шартномада беш йилдан узоқроқ муддат кўрсатилган бўлса, ходим аслида номуайян муддатга иш билан банд деб тахмин қилинади.

Меҳнат шартномаси ҳуқуқ ва мажбурият юзага келтирувчи юридик битим сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- у юридик факт бўлиб, ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат ҳуқуқий алоқа юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир;
- меҳнат шартномаси тарафлари бир-бирига нисбатан ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга эканликларини тасдиқловчи далилдир;
- меҳнат шартномаси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситасидир [1, Б.138].

Ҳуқуқшунос олим Л.Ю.Бугров меҳнат шартномасининг юридик моҳиятини беш йўналишда тушунтиради: 1) меҳнатга бўлган ҳуқуқни амалга ошириш; 2) давлат томонидан ўрнатилган талаблар доирасида тузилган шартнома; 3) меҳнат ҳуқуқининг бош институти; 4) юридик фактлар йиғиндиси; 5) меҳнат ҳуқуқининг манбаларидан бири [2, С.91].

А.М.Лушников, М.В.Лушниковалар меҳнат шартномасини қуйидаги турларга классификация қилишади: 1) меҳнат ҳуқуқларини амалга ошириш шаклига қўра – якка ва коллегиял; 2) меҳнат шартномасига нисбатан – асосий (меҳнат шартномаси) ва бошқа (меҳнат тўғрисида бошқа келишувлар); 3) муддатига қараб муайян ва номуайян; 4) меҳнат шартномасининг мазмуни ва иш берувчи ҳамда ходимларнинг категориясига қараб (меҳнат фаолияти йўналишига қараб) – педагог, тиббиёт, транспорт ва бошқа соҳалардаги ходимлар билан меҳнат шартномаси; 5) меҳнат шартномани бир томон учун тузиш мажбурийлигига қараб – мажбурий ва тарафлар эркинлигига асосланган [3, С.46].

Муддатли меҳнат шартномаси уни номуайян муддатга тузилган шартномадан ажратиб турадиган хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Меҳнат кодексида муддатли меҳнат шартномаларининг турлари ажратиб кўрсатилмаган. Айрим муаллифлар қонун чиқарувчи томонидан белгиланган чекловларга асосланиб, муддатли меҳнат шартномаларини икки гуруҳга ажратадилар. Биринчи гуруҳга бажариладиган ишнинг характери ёки уни бажариш шартлари асосида муддатсиз меҳнат шартномаси тузиш имконияти бўлмаган тақдирда тузиладиган муддатли меҳнат шартномалари киради. Иккинчи гуруҳга томонларнинг келишувига биноан тузиладиган муддатли меҳнат шартномалари киради [4, С.495].

А.А.Иноятов меҳнат шартномаси муддатларига қараб турларини номуайян ва муайян муддатга ажратади ҳамда муайян муддатга тузиладиган шартномалар тури сифатида конкурс асосида ишга ўтишни, корхона раҳбарини, касаначилар, уй хизматчилари ишга қабул қилишда тузиладиган меҳнат шартномаларини келтиради [5, Б.141-144].

Ҳуқуқшунос олим Й.Турсуновнинг фикрича муддатли меҳнат шартномаси тузиш ходимнинг иш берувчи олдидаги мавқеи пасайтирилишига сабаб бўлиши, унинг иш берувчи эрки-хоҳишига боғлиқ қилиб қўйиши мумкинлигини ва муддатли меҳнат шартномаси тузган ходим доим хавфни ҳис қилиб юриши туфайли амалдаги меҳнат қонунчилиги муддатли меҳнат шартномаси тузиш соҳасида иш берувчи эркини маълум даражада чеклайди ва унга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина муддатли меҳнат шартномаси тузишга рухсат этади [6, Б.209].

Рус ҳуқуқшунос олими В.И.Васильева муддатли меҳнат шартномаси моҳиятини очиб беришда берган фикрлари ўзига хосликка эга, яъни: муддат шартноманинг мажбурий шarti ҳисобланади; муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳолатлари меҳнат қонунчилиги билан чегараланган; муддатни тугаши шартномани бекор қилиш учун умумий асос ҳисобланади; маълум бир сабабларга қўра муддатли меҳнат шартномаси номуайян муддатга ўтиши мумкин; меҳнат қонунчилигида белгиланган барча кафолатларнинг муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларга нисбатан тенг татбиқ этилиши [7, Б.104].

Муддатли меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи томонидан суистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида меҳнат қонунчилигида уни тузиш учун аниқ асослар белгилаб берилган.

Меҳнат кодексининг 76-моддасига қўра муддатли меҳнат шартномаси бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда, корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган

тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солиш ҳақида»ги 12-сон Қарори 5-бандида судлар шуни назарда тутишлари лозимки, муддатли меҳнат шартномалари фақат МКнинг 76-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлганлиги сабабли номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қуйидаги ҳолатлар мавжудлигида йўл қўйилиши мумкин:

- бажариладиган ишнинг тафсилотига кўра бажариш учун ходим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги олдиндан маълум бўлганда, яъни, у муддатли характерга эга бўлади;

- бажариш учун ходим олинган ишни бажариш шартлари. Бунда ишнинг ўзи доимий характерга эга бўлса-да, уни бажаришнинг шартлари ходим билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузишга тўсқинлик қилади (қонунларга мувофиқ ходимнинг иш жойи ва бошқалар сақланадиган меҳнат ва ижтимоий таътилларида бўлган вақтига бошқа ходимни ишга қабул қилиш);

- ходимнинг манфаатлари, яъни, у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатларига асосланган бўлганда.

Назарда тутиш керакки, МКнинг 76-моддасида келтирилган ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузиш тўғрисидаги рўйхат қатъий чегараланган. Агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси МКнинг 76-моддаси талабларини ҳисобга олмаган ҳолда тузилган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.

Хорижий давлатларда ҳам муддатли меҳнат шартномаси имзолаш учун талаблар белгиланган. Масалан, Германия қонунчилигида кўра меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш талаби мавжуд эмас, лекин муддатли меҳнат шартномаси имзоланадиган бўлса албатта ёзма шаклда бўлиши ҳамда унинг муддати кўрсатилиши лозим. Акс ҳолда бундай шартномалар ҳақиқий ҳисобланмайди ҳамда улар номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади [8, С.220].

Фанда номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини муддатли меҳнат шартномасига ўтказиш масаласи юзасидан турли хил қарашлар бор. Амалдаги қонунчилик бу ҳолатга руҳсат бермайди ва шартнома муддатини ўзгариши меҳнат шартларини ўзгариши сифатида қаралмайди. Бунинг сабаби меҳнат шартномасидаги муддат унинг мазмунини эмас, балки турини кўрсатувчи белги ҳисобланади. Меҳнат қонунчилигида муддатни белгилаш фақат ходимни ишга қабул қилишда тартибга солинади. Шу сабабли ҳам бу масалада тадқиқот олиб борган олимлар номуайян муддатга имзоланган меҳнат шартномасини муддатли меҳнат шартномасига ўтказиш мумкин эмас деб ҳисоблашади [9, Б.14-18].

Муддатли меҳнат шартномасини тартибга солишда яна бир концептуал аҳамиятли муаммо бу меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси муддатини узайтириш бўйича умумий қоидаларнинг мавжуд эмаслиги.

Бизни қонунчиликдан фаркли равишда айрим хорижий давлатлар қонунчилигида муддатли меҳнат шартномаси муддатини аниқ ҳолатлар ва муддатларга узайтиришни назарда тутди. Бундай амалиёт Германия ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари қонунчилигида учрайди [10, Б.45], [11, Б.56].

Меҳнат кодексига томонларнинг меҳнат шартномаси муддатини узайтиришга имкон берувчи умумий қоидалар мавжуд эмас. Лекин Меҳнат кодекси 105-моддаси талабига кўра, агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Бунда меҳнат шартномаси тури муайян муддатдан номуайян муддатга ўзгаради.

Аксарият ҳолатлар мавжудки, улар илгари тузилган муддатли меҳнат шартномасини узайтириш талабини келтириб чиқаради. Масалан, вақтинча бўлмаган ходимни ўрнига ишлаш вақтига; вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ходим, режалаштирилган муддатда ишга чиқмаслиги, ёки ишга чиқиб кам муддатдан кейин яна вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик таътилига кетиши, шунингдек бундай ҳолат хомиладорлик ва туғиш таътилига кетган ходим билан ҳам юз бериши мумкин.

Қонунчиликда муддатли тузилган меҳнат шартномасини узайтириш имкони бўлмаганлиги кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан, Меҳнат кодексида ўрнатилган талабга кўра, ходим билан муддати тугаганидан кейин меҳнат шартномасини бекор қилиб, уни яна қайтадан ишга олишга тўғри келади.

С.Уткиннинг фикрича муддатли меҳнат шартномаси муддатини узайтириш фақат қонунда белгиланган ҳолатларда йўл қўйилиши керак деб ҳисоблайди. Бундай ҳолатлар ва асосларни қонунларда белгилаб қўйиш лозимлигини таъкидлайди [12, Б.22].

Ҳуқуқшунос амалиётчи А.Рискуллаев муддатли меҳнат шартномаси муддатини беш йилгача муддатга узайтириш имконини берувчи нормани Меҳнат кодексига киритиш лозим деган фикрни илгари суради [13].

Бизнинг назаримизда ҳам муддатли меҳнат шартномасини дастлаб имзолашда белгиланган муддат тугаганидан кейин уни яна узайтириш имконини берувчи норма меҳнат қонунчилигига киритилса, ҳозирги кунда амалда дуч келинаётган муаммолар бартараф этилган бўларди. Бундай нома Меҳнат кодекси 105-моддасига иккинчи бандини ўзгартириш лозим деб ҳисоблаймиз ва уни қуйидаги таҳрирда бериш керак:

“Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, ёки тарафлар шартнома муддатини яна узайтириш тўғрисида келишувга эришмаган бўлсалар, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Муддатли меҳнат шартномасини узайтириш муддати 5 йилдан ошмаслиги керак”.

Назаримизда Меҳнат кодексига таклиф этилган қонун нормаси киритилиши мавжуд доктринал ва ҳуқуқий конструкцияларни ўзгаришига ва мавжуд амалий муаммони ечимини беришга хизмат қилади.

Фикримизча муддатли меҳнат шартномасини имзолашда ходимлар ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоясини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширилиши лозим:

- муддатли меҳнат шартномасини тузиш асосларини камайтириш;
- иш берувчини асоссиз муддатли меҳнат шартномаси имзолаганлиги учун жавобгарликни назарда тутиш;
- муддатли меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви билан муддатини 5 йилгача муддатга узайтириш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, муддатли меҳнат шартномасини тартибга солишдан асосий мақсад меҳнат муносабатларида ҳимояга муҳтож ходимлар манфаатини юқори даражада ифода этишга қаратилган бўлиши керак.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Муаллифлар жамоаси. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. - Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. - Б. 138
2. Бугров Л.Ю. Трудовой договор в России и за рубежом. – Монография. Пермь: Пермский гос. нац. иссл. ун-т, 2013. – С. 91. – URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01007543511>
3. Лушников А.М., Лушникова М.В. Социальные договоры в праве: монография. – М.: Проспект, 2017. – С.46. – URL: <http://www.lib.uniyar.ac.ru/edocs/iuni/20170934.pdf>
4. Оганезов Э. М. Особенности применения срочного трудового договора / Оганезов Э.М., Остапенко А.Г. – Казань: Молодой ученый. – 2016. – №25. – С. 495. – URL: <https://moluch.ru/archive/129/35746/>
5. А.А.Иноятов. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун

дарслик. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002. - Б.141-144. – URL: <https://library-tsul.uz/uzbekiston-respublikasining-me-nat-u-u-i-inoyatov-a-2002/>

6. Й.Турсунов. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига шарҳлар. (Илмий-амалий, моддалар бўйича шарҳлар). – Т.: “Адолат”, 2015 й. - Б.209. – URL: <http://old.adolatnashr.uz/page/uzbekiston-respublikasining-mekhnat-kodeksiga-sharkh>

7. Васильева В.И. Общая характеристика трудового договора по законодательству России, Австрии и Франции: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 104. – URL: <https://search.rsl.ru/ru/record/01003262125>

8. Чиканова Л.А. Срочный трудовой договор в России и Германии / Л.А. Чиканова, О.В. Чесалина, А. Шарпер // Трудовое право в России и за рубежом. – 2015. – N 3. – С. 220. – URL: https://www.researchgate.net/publication/301707229_SROCNYJ_TRUDOVOJ_DOGOVOR_V_GERMANII_I_ROSSII_SRAVNITELNO-PRAVOVOJ_ASPEKT

9. Зарипова З. Н. Увольнение работников по сокращению численности или штата: проблемы правоприменительной практики / Зарипова З.Н., Пронина Е.Н. – Юрист, 2012. – № 13. – С. 14- 18. – URL: <http://lawlibrary.ru/article2233260.html>

10. Чиканова Л. А., Чесалина О. В., Шарпер А. Срочный трудовой договор в России и Германии // Трудовое право в России и за рубежом. – 2015. – № 3. – С. 45.

11. Батусова Е. С. Некоторые вопросы правового регулирования срочных трудовых договоров в странах Ассоциации государств Юго-Восточной Азии (АСЕАН) // Трудовое право в России и за рубежом. –2015. – № 4. – С. 56. – URL: <http://xn----ctbbdccc4eebblpq5kj.xn--p1ai/article/381>

12. Уткин С. Продление срочного трудового договора // Кадровик. Трудовое право для кадровика.– 2016. – № 3. – С. 22. – URL: <https://www.kdelo.ru/-prodlenie-srochnogo-trudovogo-dogovora-19-m6>

13. Муддатли шартнома янги муддатга. –URL: https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text110340_muddatli_shartnoma_-_yangi_muddatga

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАХИМОВ Мирёкуб Актамович

Тошкент давлат юридик университети Мехнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)
E-mail: miryoqub.rahimov@gmail.com

COVID-19GA ҚАРШИ ЭМЛАШ ВА ХОДИМ ҲУҚУҚЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ М.А. COVID-19га қарши эмлаш ва ходим ҳуқуқлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 75-81.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-10>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада COVID-19га қарши эмлашни жорий этишда ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш муаммолари кўриб чиқилиб, миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар, меҳнат қонунчилигини қўллаш тартиби ҳамда хорижий тажриба таҳлил қилинади. Мақолада ходимларни мажбурий эмлашнинг қонунийлиги таҳлил қилиниб, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив базани янада такомиллаштиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, эмлаш, ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эмлашдан бош тортиш, мажбурий эмлаш, пандемия, COVID-19, ишдан четлаштириш, меҳнат шартномасини бекор қилиш.

РАХИМОВ Мирёкуб Актамович

Преподаватель кафедры «Трудовое право»
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии юридических наук (Phd)
E-mail: miryoqub.rahimov@gmail.com

ВАКЦИНАЦИЯ ОТ COVID-19 И ПРАВА РАБОТНИКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены проблемы ограничения прав и свобод работников при введении вакцинации от COVID-19, анализируются изменение национального законодательства, порядок применения трудового законодательства, а также зарубежный опыт. В статье приведен анализ о правомерности обязательной вакцинации работников, затронуты актуальные вопросы дальнейшего совершенствования нормативной базы, регулирующей правоотношения в данной сфере.

Ключевые слова: право на личную неприкосновенность, прививки, права и обязанности работника, отказ от вакцинации, обязательная вакцинация, пандемия, COVID-19, отстранение от работы, прекращение трудового договора.

RAKHIMOV Miryokub

Lecture of the Department Labor Law

Tashkent state university of law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: miryoqub.rahimov@gmail.com

VACCINATION AGAINST COVID-19 AND WORKERS' RIGHTS

ANNOTATION

This article discusses the problems of restricting the rights and freedoms of workers when introducing vaccination against COVID-19, analyzes changes in national legislation, the procedure for applying labor legislation as well as foreign experience. The article provides an analysis of the legality of mandatory vaccination of workers, touches upon topical issues of further improving the regulatory framework governing legal relations in this area.

Keywords: the right to personal integrity, vaccinations, the rights and obligations of an employee, refusal to vaccinate, compulsory vaccination, pandemic, COVID-19, suspension from work, termination of employment contract.

Дунёда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли 5,7 миллиардни ташкил этиб, шундан 3,3 миллиарди бандлиги таъминланганлигининг ўзи бугунги кунда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш глобал муаммо эканлигини кўрсатади. Бинобарин, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХТМ) нинг маълумотларига кўра, жаҳонда ҳозирги кунда 40,3 миллион инсон замонавий қуллик; 24,9 миллион одам мажбурий меҳнат; 152 миллион шахс болалар меҳнати (шундан 73 миллиони хавфли ишларда, яъни 5-11 ёшли болалар) қурбони бўлмоқда. Юз миллионлаб инсонлар меҳнат соҳасидаги камситишлардан азият чекмоқда. Айни бир турдаги иш учун аёлларга эркакларга нисбатан ўртача 23 фоиз камроқ ҳақ тўланмоқда. Дунё аҳолисининг 40 фоизидан ортиғи бирлашмалар эркинлиги ва жамоа музокаралари тўғрисидаги ХМТ конвенциялари ратификация қилинмаган мамлакатларда яшайди [1]. Республикамизда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари конституциявий даражада ҳимоя қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 22, 34, 37, 38, 44, 59-моддаларида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси, касаба уюшмаларига уюшиш, меҳнат қилиш, дам олиш, суд орқали ҳимояланиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Жаҳон тарихидаги йирик инқироз бўлиши COVID - 19 пандемияси натижасида бугунги кунга қадар 4,491,839 нафар шахс вафот этди, сўнгги икки йилда 255 миллион иш ўрни йўқотилди. Касалликка қарши курашиш ва унинг олдини олишдаги асосий восита вакцина бўлиб қолмоқда. Мазкур жараёнда вакцина олиш ҳуқуқ ёки мажбурият эканлиги ҳақида турли ёндашувлар илгари сурилмоқда. Хусусан, меҳнат қонунчилиги ривожланиш тенденциялари Ш.Исмоилов [2], иш берувчининг мажбуриятлари Х.Бурханходжаева [3], меҳнат низолари Л.Раҳимқулова [4], интизомий жавобгарлик М.Каримжонов [5], иш вақти масалалари Н.Юсупов [6] томонидан таҳлил қилинган. Бироқ вакцина ва меҳнат ҳуқуқи масаласи янги муносабат бўлганлиги сабабли тадқиқ этиш лозим бўлган масала саналади.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, ҳуқуқ бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулладиган, ўзида эркинлик, тенглик ва адолат тамойилларини ифодаладиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, бажарилиши умуммажбурий бўлган юриш - туриш қоидалари йиғиндиси. Ҳуқуқий муносабатлар субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар асосида қурилади. Х.Одилқориевнинг фикрича, субъектив ҳуқуқ ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан, унда назарда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканини ёки уларнинг маълум ҳаракатларнинг амалга оширилишини талаб қилиш ваколатини билдиради [7]. Айни шу субъектив ҳуқуқ туфайли меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлган иш берувчи ходимлардан қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган мажбуриятларни талаб қилишга ҳақлидир. 2021 йил 2 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган

ўзгартишлар ва кўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Меҳнат кодексининг 113-моддасига ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли эканига оид кўшимча киритилди.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан, иш берувчининг профилактик эмлашдан ўтишни рад этган ходимни ишдан четлаштириши қонуний хатти-ҳаракат саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқий талаб қонуний бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай қонуний талаб ҳуқуқий бўла олмайди. Зеро Н.Варламова таъкидлаганидек, субъектив ҳуқуқ ҳамиша эркинлик (озодлик) билан узвий боғлиқ. У – эркинлик мезони. Мабодо эркинликнинг бу мезони нолга тенг бўлса, ҳар қандай муносабат ўзининг ҳуқуқий табиатини йўқотади [8]. Амалдаги қонунчиликка кўра ходимнинг эмланмасдан меҳнат қилиш ҳуқуқи нолга тенг дея олмаймиз. Чунки соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлган ходимлар вакцина олишни рад этишга ҳақлидир.

Масаланинг муаммоли жиҳат шундаки, вакцина натижасида ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар бўйича жавобгарлик кимнинг зиммасида бўлади? Бунда иш берувчи жавобгарликка тортиладими ёки соғлиқни сақлаш муассасаси масъул ходимими ёхуд қонун чиқарувчига бирор масъулият белгиланганми?

Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги ходимлар ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоясини таъминлашга [9] қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу ўринда иш берувчининг жавобгарлиги масаласига тўхталар эканмиз, амалдаги Меҳнат кодексининг 189-моддасига кўра, ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт. Шунингдек, кодекснинг 192-моддасида ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиги ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши сабабли вафот этган ҳолларда, иш берувчи марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга зарарни тўлаши шартлиги белгиланган. Профилактик эмлашдан ўтиш талаби иш берувчи томонидан эмас, балки қонун чиқарувчи томонидан қўйилганлигини ҳисобга олсак, вакцинация натижасида ходимнинг соғлиғи ёки ҳаётига етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлмайди.

Соҳа олимларидан А.Ҳақберидиев [10] меҳнат низоларини ҳал этиш, М.Хожабеков [11] давлат хизматчилари меҳнати, Б.Ҳамроқулов [12] маънавий зиён, Д.Муродуллаев [13] меҳнат муҳофазаси, Б.Авазов [14] муддатли меҳнат шартномалари, А.Саъдуллаев, Ф.Зайнобиддиновалар [15] ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига оид илмий ишларида иш берувчиларнинг жавобгарлигининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтганлар.

Тиббиёт ходимлари, яъни вакцина инъекция қилувчи шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳам муаммолидир. Тўғри, соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлганлиги била туриб эмлашни амалга оширган ёки эмлаш тартибини бошқача тарзда бузган тиббиёт ходимини амалдаги Жиноят кодексининг 116-моддасига асосан, касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик жинояти ёки бошқа моддалар билан жавобгарликка тортиш мумкин. Бироқ муаммоли жиҳат шундаки, вакцина қабул қилишдан олдин ходимнинг соғлиқ ҳолати белгиланган талабларга жавоб берган, эмлашдан сўнг унинг ҳаёт ёки соғлиғига хавф туғдирувчи ҳолатлар юзага келган бўлса жавобгарлик масаласи қандай ҳал қилиниши очиқ қолмоқда. Гап вакцинанинг ишончлилиги ва турли шахсларга нисбатан бўладиган таъсири ҳақида кетмоқда. Маълумот ўрнида ҳозирги кунга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қуйидаги етти турдаги вакцинани тасдиқлаган. Улар: Pfizer (8 январь 2021 йил), Moderna (25 январь 2021 йил), икки турдаги AstraZeneca (21 апрель 2021 йил), Janssen COVID (17 март 2021 йил), Sinopharm (7 май 2021 йил)

ҳамда Sinovac (24 май 2021 йил) [16]. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари AstraZeneca, Moderna, Спутник-V ёки ZF-UZ-VAC2001 каби вакциналаридан бири билан эмланмоқда.

Амалдаги қонунчиликка асосан, ходим эмланишдан бош тортиши унинг ишдан четлаштирилишига сабаб бўлади. Вакцина олиш ходимга юридик мажбурият сифатида юкланмоқда. Юридик мажбурият бу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларнинг тегишли ҳуқуқий нормага асосан, ўзларнинг бурчи (мажбурияти) бўлган ҳаракатни амалга оширишлари ёки баъзи ҳаракатни содир этишдан ўзларини тийишларидир [17]. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасининг номи «Фуқароларнинг розилигисиз эмлаш, профилактик эмлаш» тарзида ифодаланиб, унга иккинчи қисм сифатида киритилган кўшимчага кўра карантинли ва хавфли юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди бўлганда Бош давлат санитария врачининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши белгиланди. Айти мазкур норма асосида қабул қилинган Бош давлат санитария врачининг қарори ходимга эмланиш зарурлиги билан боғлиқ юридик мажбуриятни юклармоқда.

Ўзбекистон юриспруденция фани намоёндалари юридик фанлар доктори О.Оқюлов ва Ф.Отахоновларнинг фикрича, фуқаронинг вакцина олиши, бу - унинг ҳуқуқи. Ҳақиқатан ҳам фуқаролар ўзларига тегишли бўлган вакцина олиш ҳуқуқини, шу жумладан, уни химоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Аммо, фуқароларнинг вакцина олиш ҳуқуқидан воз кечиши, бу ҳуқуқнинг бекор қилинишига олиб келмайди. Пандемия шароитида бошқа шахсларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган яшаш ҳуқуқи ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқига путур етказилмаслигини таъминлаш мақсадида фуқаронинг вакцина олиш ҳуқуқи бир вақтнинг ўзиде унинг Конституциявий бурчига ҳам айланади. Шу ўринда, ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган хабарларда вакцина олишга мажбурлаш Конституциянинг 26-моддасида белгиланган «Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас» деган нормага хилофлиги тўғрисидаги фикрлари ҳақиқатдан йироқ ва бутунлай асоссиз эканлигини таъкидлаш лозим. Чунки ҳозирги кунда вакцина олиш инсон устидан тиббий тажриба ўтказиш эмас, балки уни ва унинг оила-аъзолари, жамоаси, бошқа инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш борасидаги давлат органларининг қонуний ҳаракатидир [18]. Адлия вазири Р.Давлетовнинг таъкидлашича, агар сиз вакцина олишни рад этсангиз, ҳеч ким мажбурлаб, тиббиёт муассасасига олиб бормайди. Фақат бошқа ҳуқуқларингиз, масалан, меҳнат ҳуқуқларингиз чекланиши мумкин. Иш берувчи эмланмаган ходимни ишдан ҳайдамайди, ишдан четлатади холос. Инсон ҳуқуқлари абсолют ҳуқуқ эмас. Инсон ҳуқуқлари жуда кўп ҳолатда чекланади, Европада юқори стандартда ишлайдиган суд инстанциялар ҳам мажбурий эмлашда давлат тарафдори бўлган. Жамоавий ҳуқуқ индивидуал ҳуқуқдан доимо устун туради [19].

Муаллифларнинг фикрларидан англашилмоқдаки вакцина олиш ҳам ҳуқуқ ҳам мажбурият ҳам бурчдир. Тўғри, пандемия меҳнат муносабатларидаги қонунчиликни такомиллаштириш талабини қўймоқда [20]. Бироқ айти бир тушунча бир вақтнинг ўзиде учта воқеликни намоён қила олмайди. Тасаввур қилайлик ходим вакцина олишни рад этди. У амалдаги Меҳнат кодексининг 113-моддаси 3-қисмига мувофиқ иш берувчи ходимни ишга қўймаслиги мумкин. Яъни ишдан четлатади. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон иш берувчилар конфедерацияси томонидан 2021 йил 23 августда берилган тушунтиришга кўра ишдан четлаштириш бўйича буйруқ чиқаришдан аввал ходимдан эмлашни рад этиш бўйича ёзма ариза олинishi лозим. Ишдан четлаштириш муддати давомийлиги ходимни ишдан четлаштириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгунга қадар, бутун давр мобайнида шу жумладан, ходим эмлаш сертификатини ёки эмлашга қарши тиббий кўрсатмаларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган кунгача амалга оширилади.

Тушунтиришда айтилишича, ишдан четлаштиришнинг максимал муддати меҳнат шартномаси, интизом тўғрисидаги низом ва уставлар, ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, аксарият локал ҳужжатларда ишдан четлаштиришнинг энг кўп муддати кўрсатиб ўтилмайди. Шу билан бир қаторда ишдан четлаштирилган ходимнинг узок вақт

ишга келмаслиги ички меҳнат тартиби коидаларининг қўпол бузилиши ҳисобланиши ёки йўқлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сабаби берилган Тушунтиришда эмланмаган ходимларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган. Интизомий жавобгарликнинг бир тури меҳнат шартномасини бекор қилиш эканлигини ҳисобга олсак, эмлашни рад этган ходим охир оқибатда ишдан бўшатилади. Миллий қонунчилик иш берувчи зиммасига фақат вакцина олган ходимларни ишга қўйиш шартини қўйиб, уларга бошқа танлов тақдим этмаяпти, шунингдек барча тоифадаги ходимларга бу мажбуриятни юкламоқда.

Хориж давлатларида бу тартиб биров бошқачароқ ҳал қилинган. Таҳлиллар асосида ходимларни эмлаш билан боғлиқ чет эл тажрибасини уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ давлатлари ходимлар учун эмлаш билан бир қаторда муқобил танлов жорий қилинган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ходим вирусга қарши эмланиши ёки муайян муддатда мунтазам равишда тест топшириб туриши лозим. Эмланганлик гувоҳномаси ёки вирус мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тест натижаси бўлмаган ходимлар ишга қўйилмайди. Масалан, қўшни мамлакат Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23 июнь куни берган хабарига кўра, 20 дан ортиқ шахс ишлайдиган гуруҳларда одамлар COVID-19га қарши мажбурий эмланиши ёки ҳар ҳафта вирус мавжудлигини аниқловчи тестдан ўтиши талаб этилади. АҚШ тажрибасига эътибор қаратар эканмиз, Нью-Йоркда давлат ходимларидан COVID-19 га қарши эмланиш ёки ҳафталик тест топшириш талаб қилинади. Бу ҳақидаги мажбурий тартибнинг 6 сентябрдан кучга кириши режалаштирилган. Калифорнияда барча давлат хизматчиларига август ойдан бошлаб вакцина олиш ёки ҳафтасига икки ва ундан ортиқ вирусга тест топшириши тўғрисида буйруқ берилди.

Иккинчи гуруҳ мамлакатлари фақатгина айрим тоифадаги ходимларнинг эмланиши учун мажбурий бўлган талаб қўймоқда. Хусусан, июнь ойининг охирида Австралияда соғлиғи юзасидан юқори хавфга эга ёши катта инсонларга қараб турувчи ходимлар шунингдек, карантин-меҳмонхоналарда ишловчи ходимларнинг COVID-19га қарши мажбурий эмланиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Жамоанинг эмланмаган аъзолари соғлиғига хавф туғдиришнинг олдини олиш мақсадида, Токиога борадиган паралимпия спортчилари учун ҳам эмлаш мажбурий этиб белгиланган. Октябрь ойдан бошлаб Англияда қариялар уйлари ходимлари коронавирусга қарши эмланиши талаб қилинади. Канадада жорий йилнинг 20 июлида Канада Ҳазначилик Кенгаши котибияти федерал ҳукуматнинг муайян лавозимларида фаолият юритаётган шахслардан COVID-19га қарши эмлаш зарурий бўлиши кераклиги ҳақида ахборот берди. Грецияда 12 июлда чиққан қарорга асосан, сентябрь ойдан бошлаб, қариялар уйлари ходимлари ва қариялар билан бевосита мулоқот қиладиган соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ходимларининг эмланиши мажбурий этиб белгиланди. Март ойида Италия ҳукумати томонидан тасдиқланган фармонга асосан, тиббиёт ходимлари, шу жумладан фармацевтларнинг мажбурий эмланиши талаб қилинади. Вакцина олишни рад этган ходимлар йилнинг охиригача ишдан четлатилиб, уларга ҳақ тўламайди. Жорий йилнинг 12 июль куни Президент Эммануэл Макрон томонидан эълон қилинган янги қарорга мувофиқ, Франциядаги барча тиббиёт ходимлари COVID-19 инъекциясидан ўтиши лозим.

Учинчи гуруҳ мамлакатлари эса барча тоифадаги ходимларни вирусга қарши эмланишини мажбурий этиб белгилади. Масалан, Индонезияда февраль ойдан бошлаб COVID-19га қарши эмлаш мажбурий бўлди. Пойтахт Жакартада эмлашдан бош торган фуқаролар 5 миллион рупия (357 АҚШ доллари)гача бўлган миқдорда жаримага тортилади. Май ойида Саудия Арабистонида иш жойига келиб ишлашни хоҳлаган барча давлат ва хусусий сектор ходимларининг эмланиши мажбурий этиб белгиланди. Шунингдек, ҳар қандай давлат, хусусий ёки таълим муассасаларига кирувчи ҳамда жамоат транспортдан фойдаланувчилар учун эмланиш жорий йилнинг 1 августидан бошлаб мажбурий саналади. Туркменистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига кўра, 18 ёшга тўлган ва ундан катта барча фуқаролар COVID-19га қарши мажбурий эмланиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 19,277.6 миллионни ташкил этади. Шундан расмий секторда банд бўлганлар 5,706.8 миллион, норасмий секторда бандлар сони 6,101.9 миллионни ташкил этмоқда. Ягона миллий меҳнат тизимига киритилган маълумотларга кўра, бугунги кунда 4,902.59 миллион нафар ходим меҳнат шартномаси асосида ишламоқда.

Амалдаги Меҳнат кодексига киритилган ўзгартишга асосан фақатгина меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқароларнинг эмланиши мажбурий аҳамият касб этмоқда. Бунда давлат 18 ёшдан ошган аҳолининг тахминан 25 фоизга яқинини оммавий эмлашга жалб қилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида ишлаётганлар, норасмий секторда банд бўлганлар, ўзини-ўзи банд қилганлар ва шунга ўхшаш бошқа фаолият орқали бандлиги таъминланган шахсларга вакцина олиш билан боғлиқ чеклов қўйилмаган. Умумий ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бизнинг фикримизча, вакцинация билан боғлиқ бир қатор баҳсли масалаларга аниқлик киритиб ўтиш лозим. *Биринчидан*, вакцинанинг салбий таъсири учун жавобгарлик масаласи кимга юкланишини очиқ қолмоқда. *Иккинчидан*, касаначилик асосида ишлаётган ходимларнинг эмланиши, ишдан четлаштирилиши билан боғлиқ масала тартибга солинмаяпти. *Учинчидан*, иш берувчи жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда улар билан меҳнат шартномаси тузиб ишлаётган ходимларни эмланишини йўлга қўйиш ҳал этилмаган. *Тўртинчидан*, ишдан четлатишнинг энг узоқ муддатини белгилашда ягона ёндашув шакллантирилмаган. *Бешинчидан*, вакцина олмаганлик учун интизомий жазо қўллаш охир оқибатда ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиниши мумкинлиги фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқига даҳл қилмоқда. *Олтинчидан*, ходимга вакцина олганлик тўғрисидаги сертификат ёки унга муқобил равишда вирус мавжуд эмаслигини тасдиқловчи тест натижасини тақдим этиш орқали меҳнат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Fundamental Principles and Rights at Work Branch (Fundamentals) <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/how-the-ilo-works/departments-and-offices/governance/fprw/lang--en/index.htm>
2. Ismoilov S. A. The Last Tendencies of Liberalization of Labor and Employment Legislation of the Republic of Uzbekistan // JournalNX. – С. 539-547. URL: <https://www.neliti.com/publications/335993/the-last-tendencies-of-liberalization-of-labor-and-employment-legislation-of-the#cite> (дата обращения: 27.08.2021).
3. Burkhankhodzhaeva H., Ibratova F. LEGAL ISSUES OF BANKRUPTCY OF A CITY FORMING AND RELATED ENTERPRISES // Norwegian Journal of Development of the International Science. 2021. №63-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/legal-issues-of-bankruptcy-of-a-city-forming-and-related-enterprises> (дата обращения: 27.08.2021)
4. Рахимкулова Лола ПРИНЦИПЫ РАЗРЕШЕНИЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ТРУДОВЫХ СПОРОВ // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/printsiyu-razresheniya-individualnyh-trudovyh-sporov-1> (дата обращения: 27.08.2021)
5. Мухаммадамин Каримжонов ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ДИСЦИПЛИНАРНЫХ ВЗЫСКАНИЙ В ОТНОШЕНИИ ОТДЕЛЬНЫХ КАТЕГОРИЙ РАБОТНИКОВ В УСЛОВИЯХ КАРАНТИНА // Review of law sciences. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-primeneniya-distsiplinarnyh-vzyskaniy-v-otnoshenii-otdelnyh-kategoriy-rabotnikov-v-usloviyah-karantina> (дата обращения: 27.08.2021).
6. Нодирбек Юсупов Рабочее время как элемент индивидуального трудового правоотношения и как институт трудового права // ОИИ. 2021. №2/S. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rabochee-vremya-kak-element-individualnogo-trudovogo-pravootnosheniya-i-kak-institut-trudovogo-prava> (дата обращения: 27.08.2021).
7. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent. «Adolat», 2018. – 302-бет
8. Варламова Н.В. Правоотношения: философский и юридический подходы. – Правоведение. 1991. № 4 – 51-бет.
9. Aktamovich, R. M. (2020). Overview Of Legislation Of Uzbekistan On The Protection Of Employees' Rights. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 2(11), 65-71. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume02Issue11-12>.
10. Азиз Хакбердиев, Раъно Абдуллаева ВОПРОСЫ ДОСУДЕБНОГО УРЕГУЛИРОВАНИЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ТРУДОВЫХ СПОРОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН // Scientific

progress. 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/voprosy-dosudebnogo-uregulirovaniya-individualnyh-trudovyh-sporov-v-respublike-uzbekistan> (дата обращения: 27.08.2021).

11. Хожабеков Муфтулла ПРАВОВОЙ СТАТУС ГОСУДАРСТВЕННОГО СЛУЖАЩЕГО // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoy-status-gosudarstvennogo-sluzhashego> (дата обращения: 27.08.2021).

12. ҲАМРОҚУЛОВ Б. ИТАЛИЯ ВА БЕЛЬГИЯДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА СУД АМАЛИЁТИ // ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 32-38. URL: <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/35>

13. Муродуллаев Достонжон ЗНАЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ СТАНДАРТОВ В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ ТРУДА // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-mezhdunarodno-pravovyh-standartov-v-oblasti-ohrany-truda> (дата обращения: 27.08.2021)

14. Avazov Bobomurod Sultonmurodovich. (2021). THE REGULATION OF FIXED-TERM EMPLOYMENT CONTRACTS IN UZBEKISTAN. JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 573–579. Retrieved from <https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/view/483>

15. САЪДУЛЛАЕВ А., ЗАЙНОБИДДИНОВА Ф. ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР // ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 121-130. URL: <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/240>

16. <https://www.who.int/news/item/07-05-2021-who-lists-additional-covid-19-vaccine-for-emergency-use-and-issues-interim-policy-recommendations>

17. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – Toshkent. «Adolat», 2018. – 303-бет

18. О.Оқюлов, Ф.Отахонов “COVID-19”га қарши эмлаш Конституцияга зидми? <http://uza.uz/posts/288809>

19. «Ҳеч ким оёқ-қўлини боғлаб вакцина юбормайди» – Адлия вазири Русланбек Давлетов мажбурий эмлаш ҳақида. <https://hordiq.uz/2021/07/31>

20. РАХИМОВ М. COVID-19 Пандемияси шароитида ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари // Юрист Ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 4. – С. 117-122. // <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/93>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

ҚАЛАНДАРОВ Мақсуд Махмудович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

E-mail: m.qalandarov@mail.ru

ҚУРОЛ, ЎҚ-ДОРИЛАР, ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР ЁКИ ПОРТЛАТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГЕРМАНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИКЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҚАЛАНДАРОВ М.М. Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик тўғрисидаги Германия ва Ўзбекистон жиноят қонунчиликлариининг қиёсий таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 82-92.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Германия Федератив Республикасининг жиноят қонунчилиги ва хорижий олимларнинг бу борада олиб борган тадқиқот ишлари асосида қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик масалалари ҳамда уларнинг Ўзбекистон қонунлари билан ҳуқуқий жиҳатдан қиёсий таҳлили баён қилинган. Шунингдек, қиёсий таҳлиллар натижасида ушбу мамлакатларнинг бу борадаги масалаларни ҳал этиш бўйича қонуний ечимларининг ўзаро мутаносиблиги юзасидан фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий тизим, қонун, ижтимоий муносабатлар, ғайриқонуний муомала, озодлиқдан маҳрум қилиш.

ҚАЛАНДАРОВ Мақсуд Махмудович

Доцент кафедраси “Уголовное право” Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат

юридических наук, доцент,

E-mail: m.qalandarov@mail.ru

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ГЕРМАНИИ И УЗБЕКИСТАНА ОБ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕЗАКОННЫЙ ОБОРОТ ОРУЖИЯ, БОЕПРИПАСОВ, ВЗРЫВЧАТЫХ ВЕЩЕСТВ ИЛИ ВЗРЫВНЫХ УСТРОЙСТВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается сравнительно-правовой анализ на основе изучения уголовной ответственности за незаконный оборот оружия, боеприпасов, взрывчатых веществ или взрывных устройств предусмотренных в уголовном законодательстве Федеративной Республики Германии и Узбекистана, а также научных исследований зарубежных учёных по этой проблематике. Вместе с этим, излагается авторское мнение по взаимообусловленности законодательных решений по этой проблематике в этих государствах.

Ключевые слова: незаконный оборот, оружие, взрывчатые вещества, взрывное устройство, правовая система, закон, общественные отношения, незаконный оборот, лишение свободы.

KALANDAROV Maksud

Associate Professor of the Department of Criminal Law of
the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor
E-mail: m.qalandarov@mail.ru

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE CRIMINAL LAWS OF GERMANY AND UZBEKISTAN ON LIABILITY FOR ILLEGAL TRAFFICKING OF WEAPONS, AMMUNITION, EXPLOSIVES OR EXPLOSIVE DEVICES

ANNOTATION

The article deals with the comparative legal analysis on the basis of the study of criminal responsibility for illegal traffic king of weapons, ammunition, explosives or explosive devices provided in the criminal laws of the Federal Republic of Germany and Uzbekistan, as well as scientific research of foreign scientists on this issue. Additionally, as a result of comparative analysis, opinions were expressed on the compatibility of legal solutions of these countries to address issues in this area.

Keywords: legal system, law, social relations, illegal trafficking, imprisonment.

Қуролли жиноятчилик ва қуролнинг ғайриқонуний муомаласи дунёнинг деярли барча давлатлари учун одатий жиноий ходиса бўлиб ҳисобланади [1, Б.72]. Шу боисдан ҳам уларнинг ижтимоий хавфлилиги жамият учун ижтимоий жиҳатдан ўта хавфли ва сезиларли оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай экан, қурол билан муомала қилишни тартибга солиш ва уларнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасидаги айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини Ўзбекистон қонунлари билан ҳуқуқий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, деярли барча давлатлар қонунчилигида қурол ёрдамида жиноят содир этиш ёки қуролнинг ғайриқонуний муомаласига қарши курашиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган нормалар мавжуд экани эътиборни ўзига жалб этади.

Шу боисдан қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурималарининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик тўғрисидаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишда хорижий тажриба, жумладан, битта романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган Германия ва Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг қиёсий таҳлил қилиш тадқиқотимиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

1871 йил 15 май куни қабул қилинган Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси [2] (кейинги ўринларда ГФР ЖК деб юритилади) дунёда кодекс шаклида тузилган жиноят қонунлари мажмуаси деб тан олингани билан эътиборга молик. Ушбу қонунда қуролнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар унча ҳам кўп эмас. Чунки, бундай турдаги ҳуқуқий муносабатлар Германияда Франция қонунчилиги каби маъмурий қонунчилик ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади (муҳофаза қилинади) [3,

Б.201]. Ўзбекистонда эса бу муносабатлар фақат жиноят ва маъмурий қонунчиликлар билан тартибга солинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида”ги Қонунининг 43-моддасида “Қурол тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади” деб кўрсатилган. Қонундаги мазкур норма умумий хусусиятга эга бўлиб юридик жавобгарликнинг ҳар қандай тури, яъни жиноят, фуқаровий ва маъмурий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига қараб ҳар қандай жавобгарликка тортиш мумкин эканидан дарак беради.

Таҳлиллар Германияда қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмарининг ғайриқонуний муомаласига нисбатан тақиқлар алоҳида қонунлар билан ўрнатилган бўлиб жиноий жавобгарлик ҳам улар жумласига киради.

Яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, Германияда қурол билан қонуний муомала қилиш “Қурол тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун дастлаб 1891 йилда қабул қилинган бўлиб, унда асосан қурол муомаласи устидан назорат ўрнатишнинг давлат стандарти белгиланган. Аммо, у ўзига хос камчиликларга ҳам эгадир, яъни қуролга эгалик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланмаган [4, Б.96].

Қуролга эгаллик қилишни муайян чеклови тўғрисидаги биринчи қонун 1928 йилда қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ, қурол ва ўқ-дориларни сотиш фақат сотиб олувчи шахсда уларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда амалга ошириш белгиланган. Энг муҳими тегишли рухсатномага эга бўлмаган шахсларга қурол ва ўқ-дориларни сотиш тақиқланганини таъкидлаш ўринлидир.

В.П. Алёхин, Н.Г. Ситько ва В.А. Славинскийлар таъкидлашича, ушбу даврда, яъни биринчи жаҳон урушидан кейин фуқароларнинг эгалигида давлат томонидан қайд этилмаган 1 млн. дона ўқотар қуроллар мавжуд бўлган [4, Б.97]. Кейинги босқичларда, яъни 1938 ва 1968 йилларда қабул қилинган яна бир қатор “техник” қонунлар, яъни 1928 йилда қабул қилинган қонунни тўлдиришига хизмат қилган. Орадан бир оз муддат ўтганида, яъни 1972 йилда қабул қилинган “Қурол тўғрисида”ги Қонун билан бевосита антитеррористик хусусиятга эга бўлган масалага ҳуқуқий ечим топилган бўлиб, унга кўра одамлар ҳар қандай турдаги фуқаролар фойдаланиши мумкин бўлган қуролларни бирон-бир чекловсиз сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шу ўринда мазкур қонун билан порох (портловчи модда)ни фуқароларга сотишга тақиқ ўрнатилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги ва суд-тергов амалиётини таҳлил қилган олимлар Германия полициясининг маълумотларига таянган ҳолда таъкидлашларига қарганда, XX асрнинг 90-йилларида Германия давлати фуқароларининг қўлида 30 млн дона қуроллар мавжуд бўлиб, шундан бор йўғи учдан бир қисми қонуний сотиб олинган бўлиб, расман қайд этилган [5, Б.22]. 20 млн. га яқин қуролларнинг ғайриқонуний муомалада бўлганлиги эса, мазкур давлат фуқароларининг қонунга итоатсизлиги билан эмас, балки бутун Европа иттифоқнинг бош оғриғи бўлган Африка ва Яқин Шарқдан кўп миқдорда муҳожирларнинг кириб келиши бу турдаги жиноятларнинг ўсишига сабаб бўлмоқда [4, Б.97].

Эътиборли жиҳати шундаки, Германия ҳуқуқ тартибот органларининг маълумотларига кўра зўравонлик жиноятлари (босқинчилик) натижасида жабр кўрганларнинг 89,6 %, қасддан одам ўлдириш жиноятнинг 75 % қўлларида қонуний сақлаб келаётган ўқотар қуроллардан (*зарурий мудофаа тарзида*) фойдалана олмаганлик оқибатида рўй берган. Бошқа турдаги жиноятларда деярли умуман ўқотар қуролдан фойдаланилмаган, яъни умумий жиноятчилик кўрсаткичида ўқотар қуролдан фойдаланиб содир этилган жиноят салмоғи 1,6 % ташкил этади [6]. Ушбу кўрсаткич бошқа давлатлардаги кўрсаткичга нисбатан унча ҳам юқори эмас деган хулосага асос бўла олади. Мисол учун АҚШда Германия каби фуқароларга қуролларнинг эркин савдо қилиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, аммо АҚШда қуролдан фойдаланиб содир этилган жиноятлар салмоғи анча юқори, жумладан расмий статистик маълумотларига кўра, 2012 йил АҚШда ўқотар қуролдан фойдаланиб 67,8 % қасддан одам ўлдириш, 41,3% талончилик ва 21,2% оғирлаштирувчи ҳолатларда ҳужум қилиш орқали зўравонлик жиноятларини содир этилган [7].

Германияда қуролдан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш ва қуролни ғайриқонуний

муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг бундай статистик ҳолатининг сабаби сифатида И.И.Бикеевнинг бу борада билдирган фикрига [8, Б.260-261] шубҳасиз қўшилган ҳолда, айнан унинг фикрига ўхшаш тарзда қуйидагиларни баён қилмоқчимиз. Авваломбор Олмонларнинг миллий хусусиятига назар ташласак, уларнинг руҳияти табиатан сокин, шу боисдан бирор бир қарор қабул қилишда босиқлик билан ҳар томонлама уйлаб ёндошувчан инсонлар сирасига қирадилар, пухта уйлаб иш юритадилар, ҳаттоки, ўзлари содир этаётган ёки содир этиши лозим бўлган ижтимоий хавфли қилмишни қандай салбий оқибат билан яқунланишини ва унинг моҳиятини чуқур англаб иш тутишга ҳаракат қиладилар (олмонча ҳисоб-китоб). Доимо хушёрликка қатъий амал қилган ҳолда ижобий натижага эришишган одатланган олман халқидан айримлари ахён-ахёнда уларнинг шошма-шошарликка йўл қўйиши оқибатида жиноятга қўл уриши мумкин эканини ҳам кайд этмасликни иложи йўқ деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг дастлабки йилларида Шарқий Европа ва Прибалтика давлатларидан контрабанда йўли билан кириб келаётган қуроллар оқимининг олдини олиш мақсадида Германияда 2002 йил апрель ойида қабул қилинган қонун биланқуролга эгалик қилиш тартиб-таомиллари янада кучайтирган. Мазкур қонунга мувофиқ, фуқаролар томонидан қуролни сотиб олиш ёши кўтарилди, яъни 18 ёш эмас 21 ёш деб белгиланди. Қурол олиб юришга эса фақат тўлиқ моделдаги тўпончаларни махфий тартибда махсус ғилофларда сақлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, олмон полициясига жиноятчиларнинг “классик” қуроли деб атайдиган насосли (помповое) қуролларни сотиш тақиқланди.

М.В.Лиджиев таъкидлаганидек, Германияда қуролга ғайриқонуний эгалик қилиш чекловини белгиловчи қонунлар Европада энг қатъий қонунлардан бири ҳисобланади [9, Б.615]. Зеро, ҳарбий намунадаги ўқ-дориларни ғайриқонуний сақлаганлик учун тайинланадиган минимал жазо, мисол 7,62 НАТО русумли бир дона ўқ-дори (патрон)ни ғайриқонуний сақлаганлик учун *бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси белгиланади.

ГФР Жиноят кодексидаги мазкур масалага оид норма таҳлилига ўтадиган бўлсак, қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик қуйидаги жиноий қилмишларга белгиланганига гувоҳ бўламиз.

ГФР Жиноят кодексида ҳам алоҳида ҳолларда қилмишни содир этишда шахснинг ёнида қуролнинг мавжудлиги (қўлланмаган тақдирда ҳам) жиноятни квалификация қилишга бевосита таъсир этувчи белги сифатида қаралиши кўзга ташланади. Фикримизга далил сифатида, ГФР ЖКнинг 121§ – Маҳкумлар исёнини мисол қилиб келтириш мумкин. Унга кўра, агар маҳкумлар бир жойга тўпланиб, қуролланиб, бошқа бир маҳкумнинг қочишини ташкиллаштиришга кўмаклашадиган бўлса, унда ушбу параграфнинг биринчи қисми бўйича уларга нисбатан *уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этиш* жазоси тайинланиши мумкин. Ўқотар қуролнинг мавжудлигида эса ушбу параграфнинг учинчи қисми бўйича уларга нисбатан *олти ойдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланади. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айнан шунга ўхшаш турдаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик бошқача тарзда белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 220-моддасига мувофиқ, агарда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахснинг маҳкумларни террор қилиш ёки маъмурият вакилларига ҳужум қилишда, шунингдек, бундай мақсадларда жиноий гуруҳлар ташкил қилиш ёки шундай гуруҳлар ташкил фаолиятида фаол қатнашишда ифодаланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш ишини издан чиқариш жиноий қилмиши учун *уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш*, мазкур модданинг иккинчи қисми бўйича эса *беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланади. Ёинки, Ўзбекистон ЖКнинг 222-моддасида қамоқдан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш жиноятини содир этган шахсга мазкур норманинг биринчи қисми бўйича *беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш*, иккинчи қисми бўйича эса *беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланиши мумкин [10]. Кўриниб турибдики, ушбу иккала модданинг таркибий тузилишида “қурол ёки ўқотар қуролнинг мавжудлиги ёки уларнинг қўлланилиши” конструктив ёки квалификация қилиш белгиси сифатида белгиланмаган. Аммо, Ўзбекистон ва ФРГ жиноят қонунчилиги бўйича бу турдаги жиноятлар учун жазо тури ва миқдорлари деярли бир хил эканлигини пайқаш қийин эмас.

Бундан ташқари, Германия жиноят қонунчилигига кўра қуролнинг қўлланилишидан қатъий

назар ўғрилиқ ёки босқинчилик жиноятини содир этишда айбдор шахснинг ёнида қуролни мавжуд бўлишини ўзи қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. ГФР ЖКнинг 244§ да ўқотар қуролнинг мавжудлигида ўғрилиқни содир этганлик учун ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш, ушбу кодекснинг 250§ га мувофиқ, агарда ўқотар қурол ёрдамида босқинчилик жиноятини содир этганлик учун беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши белгиланган. Эътиборли томони шундаки, Германия жиноят қонунчилиги бўйича жиноятчида ўқотар қуролнинг мавжуд бўлиши ўғрилиқ жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасига кўра айнан шу тартибдаги босқинчиликдан юқори эканлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра ўғрилиқ жиноятида ўқотар қуролнинг аҳамияти ҳеч қандай роль ўйнамаса-да, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси иккинчи қисми “а” бандига мувофиқ, агарда босқинчилик “қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб” содир этилса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин.

ГФР ЖКда қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланганини таъкидламоқчимиз.

Жумладан, ГФР ЖКнинг 127§, биринчи қисмида бундай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган, шахс томонидан ноқонуний ваколатларга эга бўлган қуролланган гуруҳни била туриб, уни қурол ва ҳарбий материаллар билан таъминлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундай жиноий қилмишлар учун юқорида қайд этилган жиноятларга нисбатан унча ҳам оғир бўлмаган, яъни *икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима* қўлланилади. Айнан шунга ўхшаш бўлган қилмиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 242-моддаси иккинчи қисмида жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, агарда уюшган қуролли гуруҳ тузишда, гуруҳ аъзоларидан ҳаттоки биттасини қўрол билан таъминлайдиган бўлса, унда *ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланиши мумкин.

ГФР ЖКнинг 243§, биринчи қисми, 7-бандига мувофиқ, тегишли рухсатномасиз шахсий ўқотар қуролни ёки ўзида портловчи моддаси бор бўлган ҳарбий қурол-аслаҳани ёхуд портловчи моддани ўғирлаганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу жиноятни содир этган шахсга нисбатан *уч ойдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланади. Бундай қилмиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 247-моддаси биринчи қисмида жавобгарлик белгиланган, унга кўра *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазо белгиланган. Аммо, Германия қонунчилигида қурол-яроғ предметларини ўғрилаш деганда, фикримизча, талон-торожнинг барча усулларида содир этилиши назарда тутилган бўлса керак.

ГФР ЖКнинг 310§ да (портловчи ва ядровий моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларга тайёргарлик кўриш) тегишли рухсатномасиз портловчи моддалар, радиоактив материаллар, ядровий ёғилгини тайёрлаш, ишлаб чиқиш, олиш, сақлаш ва жўнатиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра бундай қилмишлар учун *бир йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш* жазоси тайинланади.

Шундай қилиб, ГФР ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексларидаги ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласига оид нормалар кодексларидаги умумий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан:

биринчидан, Ўзбекистонда қурол қўлланиб содир этилган жиноятлар (қуролли жиноятчилик) ва қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ҳуқуқ фанлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида алоҳида-алоҳида тарзда ўрганилса ёки қўлланилса, Германия қонунчилигига кўра эса уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда умумий яхлитликда ташкил этадиган ижтимоий муносабат сифатида тушунилади;

иккинчидан, Германияда ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларининг ғайриқонуний муомаласи учун жавобгарлик нафақат, жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлар билан шунингдек бошқа қонунларда ҳам белгиланган маълум

бир жавобгарликка тортиш тартиб-таомиллари билан тартибга солинади;

учинчидан, бошқа давлатлар қонунчилигига хос бўлган каби Германия ва Ўзбекистон қонунчилигида қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг тажовуз объекти бўлиб, жамоат манфаати, жамоат хавфсизлиги ва тинчлиги ҳисобланади;

тўртинчидан, ҳар иккала давлатнинг ЖКдаги қуролларнинг ғайриқонуний муомаласидан иборат ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят-хуқуқий тартибга солиш тартиби, турлари ва уларнинг тушунчасига берилган таъриф-у тасниф, атамаларнинг турли ҳиллиги билан бир-биридан фарқ қилади.

бешинчидан, ГФР ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида қуролларнинг ғайриқонуний муомаласи учун тайинладиган жазо тури (озодликдан маҳрум қилиш) ва миқдори турлича бўлиб жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини ҳисоблга олган ҳолда таъқибнинг юқори-пастлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ҳужжатлари ёки қонунларида ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурималарини қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш жараёни йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бўшлиқ ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, жумладан мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш, профилактик тадбирларни ўз вақтида кечиктирмасдан ўтказишга қаратилган давлат сиёсатининг руёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтирмоқда. Бунда ОАВ орқали мазкур турдаги жиноятлар ҳақидаги ахборотни шаффофлик принципига риоя қилган ҳолда узлуксиз жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий-назарий ва амалий ишларнинг кўлами кенгашиб бориши шубҳасиз. Қолаверса, ГФР қонунларидаги ижобий тажриба жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ қонунчилигимизни янада мукамалштиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Сошина Л.А. К вопросу о развитии и современном состоянии законодательства, регламентирующего незаконный оборот оружия в некоторых зарубежных государствах. Сибирский юридический вестник. – Иркутск, – 2007. – № 4. – С. 72

2. Головненков П.В. Уголовное уложение Федеративной Республики Германия – Strafgesetzbuch (StGB) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона. // URL.: https://www.uni-potsdam.de/fileadmin/projects/lsh-hellmann/Forschungsstelle_Russisches_Recht/Neuauf-lage_der_kommentierten_StGB-%C3%9Cbersetzung_von_Pavel_Golovnenkov.pdf.

3. Крылова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). – М.: Издательство “Зерцало”, – 1998. – С. 201.

4. Алёхин В.П., Ситько Н.Г., Славинский В.А. Сравнительно-правовой анализ незаконного оборота оружия в Российской Федерации и ФРГ. / Право и практика. – М.: – 2018. – №4. – С. 96

5. Насильственная преступность. / Под ред. В.Н. Кудрявцева и А.В. Наумова. – М.: Издательство «Спарк», – 1997. – С. 22 (Violent crime. / Ed. V.N. Kudryavtseva and A.V. Naumova. - M.: Publishing house “Spark”, – 1997. – P. 22).

6. Germany 2012 Crime and Safety Report. URL: <http://www.osac.gov/Pages/ContentReportDetails.aspx?cid=11980>.

7. About Crime in the U.S. URL: <http://www.fbi.gov/news/stories/2012/annual-crime-in-the-u.s.-report-released>.

8. Бикеев И.И. Пробелы уголовной ответственности за незаконное обращение с предметами вооружения: сравнительно-правовой аспект // «Черные дыры» в Российском законодательстве. – 2008. – № 1.

9. Леджиев М.В. Особенности уголовной ответственности за незаконный оборот оружия по законодательству зарубежных государств // Синергия наук. – 2020. – № 43.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // URL: <https://www.lex.uz/acts/111453>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: Jama_tilla@mail.ru

ҚЎПОРУВЧИЛИК ОБЪЕКТНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ: ТЕРРОРЧИЛИК ХУСУСИЯТИГА ЭГА ЖИНОЯТ СИФАТИДА

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИБРОҲИМОВ Ж.А. Қўпоровчилик объектининг жиноят-ҳуқуқий тавсифи: террорчилик хусусиятига эга жиноят сифатида // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 88-93.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада террорчилик хусусиятига эга жиноят сифатида қўпоровчилик объектининг тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг илмий-назарий тавсифи таҳлил қилинган. Қўпоровчилик объекти тўғрисида миллий қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, жиноят ҳуқуқи ва криминология соҳасидаги мутахассис олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар натижаси бўйича қўпоровчилик жинояти объекти тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: террорчилик хусусиятига эга жиноят, қўпоровчилик, қўпоровчиликка қарши курашиш, қўпоровчиликнинг объекти, умумий объект, махсус объект, турдош объект, бевосита объект.

ИБРОХИМОВ Жамшид Абдуғофур угли
доктор философии по юридическом наукам (PhD)
E-mail: Jama_tilla@mail.ru

УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ОБЪЕКТА ДИВЕРСИИ КАК ПРЕСТУПЛЕНИЕ ТЕРРОРИСТИЧЕСКОГО ХАРАКТЕРА

АННОТАЦИЯ

В статье проанализировано понятие объекта диверсии как преступление террористического характера и дано научно-теоретическое описание их специфических особенностей. Рассмотрено национальное законодательство об объекте диверсии, а также мнения экспертов в области уголовного права и криминологии. По результатам анализа статьи разработано авторское понятие объекта преступления диверсии.

Ключевые слова: преступление террористического характера, диверсия, борьба с диверсии, объект диверсии, общий объект, специальный объект, родовой объект, непосредственный объект.

IBROKHIMOV Jamshid Abdugofur ogli

Doctor of Philosophy in Law (PhD)

E-mail: Jama_tilla@mail.ru

**CRIMINAL DESCRIPTION OF THE OBJECT OF DIVERSION:
AS A CRIME OF A TERRORIST NATURE****ANNOTATION**

The article analyzes the concept of an object of diversion as a terrorist crime and provides a scientific and theoretical description of their specific features. Analyzed the national legislation on the object of diversion, as well as the opinions of experts in the field of criminal law and criminology. Based on the results of the article, the author's definition of the concept of the object of a diversion crime developed.

Keywords: a crime of a terrorist nature, diversion, fight against diversion, the object of the diversion, common object, special object, generic object, direct object.

Кўпорувчилик жинояти объектининг жиноят-ҳуқуқий тавсифлаш зарурати ушбу жиноятни бошқа турдош жиноятлардан фарқлашнинг ҳамда унинг объектини аниқлашнинг мураккаблиги билан изоҳланади.

Кўпорувчилик жиноятининг **умумий объекти** бу – жиноят қонуни билан жиноий тажовузлардан кўрикланадиган ижтимоий аҳамиятга молик барча бойликлар, манфаатлар ва неъматлар мажмуидир. Жиноятнинг умумий объекти ЖК 2-моддасида умумлаштирилган кўринишда ифодаланган: шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги.

Бу борада Латвиялик жиноят ҳуқуқи бўйича таниқли олим У.Крастинснинг таъкидлашича, жиноятнинг умумий объекти – бу жиноят ҳуқуқ билан ҳимоя қилинган барча манфаатларнинг йиғиндиси бўлса, жиноятнинг махсус объекти – жиноий ҳаракатларнинг бутун гуруҳини қамраб оладиган ўхшаш ёки бир хил, ўзаро боғлиқ манфаатлар бўлади. Ўз навбатида, бевосита объект – бу содир этилган жиноий ҳаракат бевосита қаратилган аниқ манфаатдир [1].

Шу нуқтаи назаридан кўпорувчилик давлатнинг иқтисодий тизимида, давлат ва халқаро хавфсизликка, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулкий манфаатлар, тармоқлар, органлар ва ташкилотларнинг нормал ишлаши, умумий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлашига таҳдид солади ҳамда унинг умумий объекти сифатида юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатларни кўрсатишимиз мумкин бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва фанида илгари сурилган нуқтаи назарга кўра, жиноятнинг махсус объекти умумий ва бевосита объект ўртасида оралик ўринни эгаллайди ва умумий объектнинг бир қисми, кичик тизими ҳисобланади [2]. Шу сабабли махсус объектни турдош қадриятларнинг кенгрок гуруҳига кирувчи ўхшаш ижтимоий қадриятлар кичик гуруҳи сифатида тавсифлаш мумкин. “Махсус объект – бу ўз хусусиятига кўра жуда яқин бўлган жиноятлар тури (кичик гуруҳи) объектидир” [3].

Бунга кўра, агар ЎзР ЖК Махсус қисмининг иккинчи бўлимида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган узвий қадриятлар билан бирга махсус объект деб ҳисобласак, мазкур бўлимнинг турли бобларида муҳофаза остига олинган бу қадриятларнинг турли рўйхати бу бобларнинг ҳар бирида ўзининг турдош объектини ташкил этади. Махсус объектининг мазкур талқинидан келиб чиқиб, террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг **махсус объекти** ЖК Махсус қисмининг иккинчи бўлимида белгиланган тинчлик ва хавфсизлик соҳасидаги муносабатлардир.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг **турдош объектини** ҳам аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Б.У.Таджиханов таъкидлаганидек, жиноятнинг турдош объекти Ўзбекистон Республикаси ЖК замонавий тузилмаси билан боғлиқ. Муаллифнинг фикрича, ЖК Махсус қисмининг иккинчи бўлимида белгиланган жиноятларнинг турдош объекти бўлиб, халқаро ҳуқуқ-

тартибот – яъни, алоҳида давлатлар ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг тинчлиги ва хавфсиз ҳолатини таъминловчи ички ва халқаро муносабатлар намоён бўлади [4, Б.76,88]. Бизнинг фикримизча, мазкур жиноятлар ЖК Махсус қисми IX боби – Ўзбекистон Республикасига қарши жиноят сифатидаги тавсифи орқали намоён бўлади, яъни, террорчилик хусусиятига эга жиноятларнинг турдош объекти–Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва бошқа давлатчиликнинг мавжудлиги учун муҳим бўлган ижтимоий муносабатлардир.

Қўпуровчилик жиноятларнинг **бевосита объекти** масаласига тўхталадиган бўлсак, бевосита объект сифатида ЖК Махсус қисмидаги тегишли моддаси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Б.У.Таджиханов бу борада бевосита объект икки мазмунга эга – аниқ жиноят қаратилган ҳаққоний воқеилик ҳамда жиноят қонунининг аниқ моддасида шакллантирилган жиноят таркиби аломатлари мажмуи [4, Б.77], деб ёзади.

Юридикадабиётларда қўпуровчилик билан боғлиқ жиноятларнинг бевосита объекти ҳақида ҳар хил фикр билдирилган. Аксарият муаллифлар қўпуровчилик жиноятининг объекти сифатида “жамоат хавфсизлиги”ни кўрсатадилар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда “жамоат хавфсизлиги” тушунчасини аниқ ва ягона таърифи йўқ. Хусусан, бу борада Г.А.Туманов ва В.И.Фризколарнинг фикрича, “жамоат хавфсизлиги – бу инсон ҳаёти ва соғлиғига, моддий бойликларга ва атроф-муҳитга таҳдиднинг олдини олиш ва шу мақсадда ҳуқуқий, техникавий ва ташкилий нормалар билан тартибга солинадиган муносабатлар мажмуи” [5]. Фикримизча мазкур ҳолатда муаллиф, ҳуқуқ билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар доирасини торайтирган.

В.П.Тихий эса, жамоат хавфсизлигини “ҳуқуқ билан қўриқланадиган муносабатларга зўрлик ишлатиб, зарар етказишнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминловчи ва шу орқали уларнинг барқарорлиги ва ишончилигини кафолатловчи ижтимоий муносабатларнинг муайян тизими” [6], деб ҳисоблайди. В.И.Торговченковнинг таъкидлашича эса, жамоат хавфсизлиги – бу жамиятнинг хавфсиз яшаш шарт-шароитларини тартибга солувчи ва жамиятнинг нормал ишлаши учун зарур бўлган хавфсизлик даражасини сақлаб турувчи ижтимоий муносабатлар тизими [7]. Бизнингча, мазкур таърифларда ижтимоий муносабатларнинг соҳаларини аниқ кўрсатиб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

С.Братус, Н.Казанцев ва С.Кечекян эса, жамоат хавфсизлигини “давлат ва жамоат тартибини, жамиятда яшаш қоидаларини, фуқароларнинг меҳнат қилиш ва дам олишлари учун зарур шароитларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими” [8], деб таърифлайдилар. Мазкур таъриф ҳаддан зиёд кенг ёндашув бўлиб, жамоат хавфсизлигининг аниқ мазмунини очиб бера олмайди.

Тақдим этилган статистик маълумотларни таҳлил қилиб, содир этилган жиноят тури аксариятини, яъни 76%ини ЖИЭМ маъмуриятига бўйсунмаслик жинояти ташкил этиши, ундан кейинги ўринларда конституциявий тузимга қарши қаратилган жиноятлар – 7,54%; ўзгалар мулкани талон-торож қилиш – 5,2%; ЖИЭМдан қочиш – 4,3%; гиёҳвандлик воситаларининг айланиши билан боғлиқлари – 2,42%; соғлиққа қарши қаратилганлари – 1,7%; қасддан одам ўлдириш – 0,88%ни ва бошқа жиноятлар –1,7 %ни ташкил этилиши кузатилди.

Тадқиқотимиз натижалари, содир этилган пенитенциар жиноятлар улуши жазони ижро этиш муассаси турига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бинобарин, мамлакатимизда энг криминогенлиги юқори муассасалар – жами содир этилган жиноятларнинг 37,5%ини ташкил этувчи қаттиқ тартибли колониялар биринчи ўринда туради, ундан сўнг умумий тартибли колониялар 36,1% билан кейинги ўринда тураркан. Кетма-кет манзил-колониялари – 12,6% билан, махсус тартибли муассасалар – 6,09%; даволашга ихтисослаштирилган колониялар – 3,7%; аёллар колонияси – 1,7% тергов ҳибсхоналари – 0,5%; аралаш режим туридаги колониялар – 0,43%; турмада – 0,22% ташкил этиши билан тақсимланган. Эътиборли жиҳати, тарбия колониясида жиноят содир этилиши қайд этилмаган.

Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этиладиган маъмуриятига бўйсунмаслик ҳамда конституциявий тузимга қарши қаратилган жиноятларнинг субъектларини, асосан турли диний оқимларга аъзо бўлган шахслар ташкил этар экан, жами пенитенциар жиноятлар улуши орасида бу кўрсаткич 83,54% ташкил этди.

Шу нарса диққатни тортадики, сўнгги йилларда юртимиз пенитенциар муассасаларида «ал-Қоида», «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий», «ал-Жиход», «ат-акфир вал-ҳижра», «Туркистон ислом ҳаракати», «Исломий жиҳод иттиҳоди», «Катибатул Имам ал-Бухари», «Жамоат Ансоруллоҳ», «Жабхатун-нусра» ва «Ислом давлати» каби халқаро террорчилик ташкилотларининг фаол ҳаракатлари кузатилган давлатларда бўлиб қайтган шахслар – маҳкумлар сонини кўпайтирган.

Улар ислом «жамоати»ни мавжуд ҳукуматни ағдариш ва «ислом давлатини» тузишга даъват этадилар. Бунда, «жиход», «шаҳидлик» ғояларини тарғиб қилиш, яширин гуруҳлар тузиш ва унинг

аъзоларини махсус тайёргарликдан (даъват, кўпоровчилик, ва ҳ.з.) ўтказиш, аёллардан иборат ячейкаларни кучайтириш ва охир-оқибат террор воситаларидан фойдаланган ҳолда мақсадга эришишни кўзлайдилар, дейди С.Шарипов [4].

Мазкур ҳолат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда маҳкумларни сохта ислом диний ақидапарастлиги, экстремизми, мутаассиблик ғояси билан радикаллашиш муаммоси мавжудлигини акс эттиради, бу ўз навбатида пенитенциар муассасаларда радикал мафкура ва амалиёт тарқалганидан далолат беради.

Дин ишлари бўйича кўмита вакили Ортиқбек Юсупов шу муносабат билан, коммуникация ва ахборот технологияларининг тез суръатлардаги тараққиёти ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини кенгайтиришга туртки бўлиб, геосиёсий мақсадларга бўйсундирилган, инсон қалби ва онги учун курашнинг янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётганидан, айниқса бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлишидан, аксарият ҳолатларда ушбу кураш қуроли тус олиб, кўплаб халқларнинг бошига фожиали кунларни солишидан афсусланишини билдиради [5].

Бу борада А.В. Петряниннинг, экстремизмнинг ягона ва универсал детерминанти мавжуд эмас, деганмулоҳазаси эътиборни тортади. Унинг фикрича, детерминантларнинг маълум бир гуруҳларининг бирлашуви (тарихий, геосиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, ахборий) жамиятдаги экстремистик қарашларнинг фаоллашуви ва кучайишига олиб келади [6].

Мудом, мамлакатимиз пенитенциар тизимида маҳкумларнинг диний ақидапарастлиги, мутаассиблиги, экстремистик ғоялар билан радикаллашуви, ушбу руҳдаги маҳсулотни бошқа йўллар билан тарқатилиши, қамок аҳли баъзи тоифалари томонидан диннинг нотўғри талқин этилиши, маҳкумлар онгини бузилишига, турли эътиқод ва қарашларга эга бўлганлар орасида адоват ва хусумат уйғотиш муаммоси мавжуд экан, мазкур масаланинг ечими сифатида маҳкумлар ушбу тоифаси устидан *дин уламоларининг васийлигини* ўрнатиш ҳамда «Диний конфессиялар вакилларининг маҳкумларни қайта ижтимоийлаштиришдаги иштироки Қоидалари»ни ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Амалиётда учраётган кейинги муаммо, пенитенциар муассасалар ишини издан чиқарувчи яна бир жиноят тури – жазони ижро этиш муассасидан қочиш пенитенциар жиноятлар таркибидаги энг аҳамиятлиси эканини таъкидлаб ўтишни жоиз деб билдик. Унинг озодликдан маҳрум қилиш жойларидан, ҳибс ости ёки қўриқлов остидан қочиш турлари мавжуд. Сўнгги йигирма йил ичида 270дан ортиқ маротаба содир этилган бўлиб, 2004 йилдан кейинги йилларда, яъни манзил-муассасаларни ташлаб кетиш қонунчилиқда қочиш деб ҳисобланмайдиган бўлгандан кейин фақат 27 маротаба содир бўлди.

Бинобарин, пенитенциар муассасаларидан қочишга мойил шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш масаласи оид А.Я. Марков, А.Н. Волобуев, Е.Б. Галкинларнинг умумий хулосасига тўхталиб ўтамиз, ЖИЭМдан қочиш мотивациясини тизимлаштирган ҳолда уни содир этаётган маҳкумларни куйидаги асосий гуруҳларга: 1) шахсий муаммоларини ҳал қилиш учун қочадиганлар; 2) бошқа маҳкумлар билан жиддий низолари мавжуд бўлганлар; 3) юзага келган вазият боис умидсизлигини чуқур ҳис этаётганларга, ажратса бўлар экан [7]. Қочишларнинг олдини олишда тезкор-профилактик ишлар такомиллаштириш учун биз, *эскирган пенитенциар инфраструктурани янгилаш, жумладан назорат ва қўриқлашнинг муҳандислик-техник воситаларини энг замонавийларига алмаштириш ҳамда илгор электрон кузатиш технологиялари асосида мониторингни такомиллаштириш* лозим деб ҳисоблаймиз.

Пенитенциар муассасалар ишини издан чиқарувчи жиноятлар туркумига яна гаровга олиш, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш ва ўша пайтда содир этиладиган безорилик ҳам киради. Одатда, унинг куйидагича: кун тартибидаги чора-тадбирларни бузиш ёки бажармаслик орқали оммавий бўйсунмаслик, бузғунчилик ва вайронгарчилик ҳосил қилиш, маъмурият вакиллари ва бошқа шахсларга ҳужум қилиш, уларни гаровга олиш, ўт қўйиш ва бошқа кўринишлари намоён бўлади. Пенитенциар тизим ходимлари орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, одатда, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга: 1) маҳкумларнинг сақлаш шароити қониқарли

даражада эмаслиги; 2) бошқа муассасаларга нисбатан жиноятчилик даражаси юқори эканлиги ва сақлаш режимини кўпол бузиш ҳолатларининг мавжудлиги; 3) маҳкумларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан тўлиқ банд бўлмаганлиги; 4) салбий йўналган маҳкум гуруҳларининг ва улар бузғунчилик фаолияти мавжудлиги; 5) маҳкумларни даволаш сифатсиз бўлиши мумкинлиги; 6) интизомий бўлинма ёки ПКТ (камера типдаги хужра)га ноқонуний жойлаштириш ҳолати; 7) ходимлар томонидан хизмат ваколатларини ошириб юбориш ёки суистеъмол қилиниши; 8) маҳкумлар сифатсиз озиклантирилиши; 9) пенитенциар муассасаларда ўғрилар авторитетининг бўлиши; 10) яшаш блокларида антисанитария ҳолатининг мавжудлиги туртки бўлиши ва сабаблар сифатида кўрсатилган.

Ваҳоланки, бизнинг фикримизча, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарувчи асосий омил – жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият ҳисобланади ва у бевосита пенитенциар тизимга таъсир кўрсатади. Бу борада, биз, пенитенциар жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи *салбий тенденцияларни аниқлаш ва жиноятчиликни олдиндан баишорат қилиши*, шу билан бирга пенитенциар муассасалардаги *сунъий латентликка барҳам бериши*ни таклиф этамиз.

Дарҳақиқат, маҳкумнинг ғайриижтимоий ҳаёт тарзини акс эттирувчи жиноятлар сирасига кейинги навбатда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар киради. Назаримизда, пенитенциар тизимимизда кейинги йилларда гиёҳвандлик воситаларини айланиши билан боғлиқ жиноятлар камайиши, дадил таъкидлаш мумкинки, ёпиқ пенитенциар муассасалар персонали томонидан наркотик моддаларнинг кириб келишини олдини олиш борасидаги ишлари самарали йўлга қўйилганидан далолат беради. Биз шу ўринда, маҳкумлар гиёҳвандликка доир жиноятларни содир қилишининг объектив сабабларидан бири – ушбу ноижтимоий ҳодисанинг жамият ичра мавжудлиги, турли минтақалар ва ижтимоий гуруҳлар (вояга етмаганлар, катта ёшдагилар, судланганлар, судланмаганлар ва б.) орасида тарқалганлиги, унинг криминогенлиги миқдорий ва сифатий хусусиятларидир, деб ҳисоблайдиган Ж.Э. Супатаевани [8] фикрига қўшилаемиз. Чунки, ижтимоий кенг кўламли камраб олган гиёҳвандлик, маҳкумлар ўртасида гиёҳвандфурушликни ва гиёҳванд воситалар айланиши билан боғлиқ пенитенциар жиноятларнинг асосий сабабчисидир. Шунинг учун биз, *маҳкум ахлоқини тузатиши, унга тарбиявий таъсир ўтказиши учун уларни типологиясини яратиши ва мезонларини ишлаб чиқишини*; пенитенциар рецидив профилактикаси доирасида эса: *ҳуқуқий тарғибот сифатини ошириши; расмий огоҳлантиришини қўллаши; жиноятдан ихтиёрий воз кечиши, пушаймон қилишига ундаш тажрибасини татбиқ этишни таклиф* этамиз.

Пенитенциар тизимимиз муассасаларида маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятларнинг кейинги навбати соғлиққа қарши ҳамда қасддан одам ўлдириш жиноят тури ўрин олган бўлиб. Кейинги йигирма йил ичида соғлиққа зарар етказиш жинояти 111 маротаба, қасддан одам ўлдириш эса 55 маротабани ташкил этган. Шунга эътибор қаратиш лозимки, пенитенциар муассасаларда шахсга қарши содир этиладиган жиноятларнинг хусусиятларидан бири – зўрликни қўллашдир, деб ҳисоблайди М.Ф. Костюк [9]. Бу ерда Д.В. Хромовнинг позицияси сал бошқачароқ, у қотиллик, соғлиққа зарар етказишни маҳкумлар ўртасида шахслараро низолар негизида содир этиладиган жиноятлар туркумига киритиш мумкин, дейди [10].

Бу ҳолатда қоидага кўра, тажовуз объекти маҳкумнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати ҳисобланади. Зеро, биринчи навбатда, пенитенциар муассасаларда ахлоқнинг бир варианты шаклида зўравонлик хатти-ҳаракатларига мойил бўлган, тажовузкор шахсларнинг бирга сақланиши билан ҳам тушунтирилади.

Модомики, пенитенциар муассасада қотилликни содир этган шахснинг тавсифномаси бир томондан унинг барқарор тажовузкор криминоген мотивацияси билан шартланар, қадриятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари деформациясини акс эттирар экан, бошқа томондан эса муассасада уни ўраб турган ижтимоий микро муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан детерминантланган бўлади, деб ҳисоблайди Е.А. Бирюкова [11]. Мазкур муаммоларни ҳал этиш борасида биз, жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасида *тажовузкор ва зўравонликка мойиллари*, улардан *жабр кўриши эҳтимоли юқори бўлган шахслар* билан алоҳида ишларни *руҳиунос ва руҳиятшунослар иштирокида* ташкил этишни таклиф этамиз.

Чунончи, ички пенитенциар детерминантларга, аввало маҳкум шахсиятининг жиноий йўналганлиги, унда ноижтимоий ва ғайриижтимоий муносабатнинг мавжудлиги, ҳуқуқий онги нуқсонлари, криминоген мотивацияси, хиссиётлари, эҳтиёжлари, кизиқишлари, қадриятлари, жиноий мотив ва мақсадлари киради. Бундан келиб чиқадики, маҳкум шахсикриминаллашувининг ривожлантирувчи омил уни жамиятдан ажратилганлиги бўлиб, узоқ вақт мобайнида юзага келадиган яққол ифодаланадиган, қамокда бўлишнинг узоқ муддатига боғлиқ барқарор оғир руҳий ҳолатлар унинг руҳияти ва характерида тузатиб бўлмайдиган ўзгаришларга олиб келади.

Ўтказган тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олишда: пенитенциар муассасаларда маҳкумларнинг диний ақидапарастлик ғояси билан радикаллашиш муаммоси; жиноят қонунчилигида маҳкумни қайта ижтимоийлаштириш масаласи жазо мақсадида акс этмаганлиги ва шунинг учун ижтимоий иш ривож топмаганлиги; тикловчи пенитенциар медиацияни йўлга қўйилмаганлиги; манзил-муассасаларида маҳкумларни дифференциация тарзида ажратиб сақланмаслиги; маҳкумлар устидан электрон мониторингни ташкил этишда техник муаммолар; пенитенциар жиноятларни фан сифатида алоҳида ўрганилмаслиги; пенитенциар жиноятларни сунъий латентлаш; қўриқланаётган объектларнинг инженер-техник воситаларини етарли даражада талабга жавоб бермаслиги муаммолари мавжуд.

Шундай қилиб, биз томондан ўтказилган статистик таҳлил, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, пенитенциар жиноятчилик соҳасида ўтказган назарий тадқиқотлар, пенитенциар рецидивнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб олишга, пенитенциар жиноятчилик кўламини ва ривож тенденцияларини аниқлашга имкон берди.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаш керакки, маҳкумлар томонидан содир этиладиган пенитенциар рецидив профилактикаси турли чора-тадбирларни амалга оширишдан, маҳкумлар ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг сабаб ва шароитларини аниқлаш, бартараф этишга қаратилган ҳамда ўзига хос хусусиятлардан иборат бўлган яхлит ижтимоий жараён бўлиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноятчиликка қарши янги методларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширишдан иборат. Шу боис, *биринчидан* пенитенциар тизимдаги профилактик функциялар самарадорлигини ошириш мақсадида жиноят-ижроия ҳуқуқи, фаолияти ва криминологияга оид манбаларда “Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этилган жиноятларнинг профилактикаси” деб номланган бўлимни шакллантириш тавсия этилади.

Пенитенциар жиноятларнинг сифат ва миқдорий хоссалари давлатда юзага келадигани ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларга бевосита боғлиқ бўлгани учун, *иккинчидан*, давлат пенитенциар муассасалар ҳамда маҳкум шахсий хавфсизлигини кафолатлашга оид Жиноят-ижроия кодекси 13-моддасида маҳкумнинг мажбуриятлари кўламини кенгайтирувчи нормаларни ишлаб чиқиб назария ва амалиётга тадбиқ этиш таклиф этилади.

Учинчидан, пенитенциар тизим функциялари, маҳкумларни қайта ижтимоийлаштириш, уларнинг жамиятга қайта интеграциялашуви вазифаларининг устуворлигини таъминлашда ёндашувларни тубдан ўзгартириш заруратидан келиб чиқиб «Диний конфессиялар вакилларининг маҳкумларни қайта ижтимоийлаштиришдаги иштироки тўғрисида» ги ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Тўртинчидан эса, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумнинг ахлоқан тузалишини баҳолаш жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан маҳкум шахсиятини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда жазони ўташ даврида хулқ-атвори ўзгаришини мунтазам ўрганиб бориш мезонлари амалда қўлланилмаслиги боис, Жиноят-ижроия кодексида «7¹-модда. Маҳкумларнинг ахлоқан тузалишини баҳолаш» деб ҳуқуқий асослаб қўйиш таклиф этилади.

Иқтибослар/ Сноски/References

1. World Prison Brief – Лондон университетининг жиноят ва одил судлов сиёсатини тадқиқ қилувчи Биркбекдаги институти дунё миқёсидаги қамокхоналарга доир маълумотлар билан

таъминлайдиган он-лайн базасидан олинган маълумот. www.prisonstudies.org (мурожаат этилган сана 19.03.2019)

2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭД маҳкумлар сони, таркиби, ҳаракати, жойлашуви тўғрисидаги қиёсий ҳисоботлари. ЖИЭББ архиви инвентарь рақами 45-сон. (мурожаат этилган сана 29.01.2020)

3. Филипова О.В. ва Садовникова М.Н. Пенитенциарный рецидив и пенитенциарная преступность: понятие и криминологическая характеристика. Сибирский юридический вестник. 2017., №17., –С.76

4. Шарипов С. Диний экстремистик оқимлар ва уларнинг ғоялари. Терроризм таҳдиди. / ЎЗР ВМ ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита вакили // <https://religions.uz/news/detail/>

5. Юсупов О. Мамлакатимизда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг долзарб йўналишлари. <https://religions.uz/news/detail/>

6. Петрянин А.В. Противодействие преступлениям экстремистской направленности: уголовно-правовой и криминологический аспекты: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08 / –М., 2014. –С.158.

7. Марков А.Я., Волобуев А.Н., Галкин Е.Б. Социологические и социально-психологические проблемы отбывания наказания. –М., 1982., –С.93–100.

8. Супатаева Ж.Э. Некоторые проблемы контроля незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ в Кыргызской Республике // Черные дыры. 2006. N 1. –С.340.

9. Костюк М.Ф. «Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с преступностью в исправительных учреждениях», –М., 2000., –С.5

10. Хромов Д.В. Характеристика преступлений, наиболее часто совершаемых в исправительных учреждениях // Вестник Челябинского государственного университета. 2016., вып.2, –С.67–69.

11. Бирюкова Е.А. «Криминологическая характеристика и предупреждение убийств, совершаемых осужденными в исправительных колониях», –Рязань., 2006. Автореферат

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҚУРБОНОВ Дилшоджон Махамдалиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти Ташкилий
бошқарма бошлиғининг ўринбосари
E-mail: dkurbonov.86@mail.ru

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЖАРАЁНИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ҚУРБОНОВ Д.М. Терговга қадар текширув жараёнида қонунийликни таъминлаш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). Б. 109-114.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан терговга қадар текширув босқичида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Жиноят-процессуал қонунчилик нормалари ва илмий адабиётларни ўрганиш асосида қонунийликни бузилиши турлари ва тергов бўлими бошлиғи ва прокурор томонидан жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлаш бўйича ваколатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, терговга қадар текширув сифатида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирлар камраб олинган.

Калит сўзлар: қонунийлик, жиноят ишини қўзғатиш, тергов бўлими бошлиғи, прокурор, қонунийликнинг бузилиши, тергов бўлими бошлиғи ва прокурорнинг ваколатлари.

ҚУРБОНОВ Дилшод Махамдалиевич

Заместитель начальника управления Департамента исполнения наказаний при МВД
Республики Узбекистан
E-mail: dkurbonov.86@mail.ru

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАКОННОСТИ В ПРОЦЕССЕ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены актуальные вопросы обеспечения законности на стадии следственной проверки заявлений и сообщений о преступлениях. На основе анализа уголовно-процессуального законодательства и научной литературы рассмотрены виды нарушений законности и полномочия начальника следственного отдела и прокурора по предупреждению нарушений законности на стадии возбуждения уголовного дела. Следственное расследование также включает меры по расследованию уголовных заявлений, сообщений и другой информации и принятию решений по результатам их рассмотрения.

Ключевые слова: законность, возбуждение уголовного дела, начальник следственного

отдела, прокурор, нарушение законности, полномочия начальника следственного отдела и прокурора.

KURBONOV Dilshodjon

Deputy Head of the Department of the Execution of Punishments under the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
E-mail:dkurbonov.86@mail.ru

ENSURING LEGALITY IN THE PROCESS PRIOR TO THE INVESTIGATION

ANNOTATION

The article deals with the urgent issues of ensuring of the rule of law in the stage of instigate criminal case. The author analyses the notion of legality, infringement of legality, authorities of the head of the investigation department on ensuring of the rule of law in the activity in the stage of instigate criminal case bodies on the basis of studying the norms of Criminal procedure and scientific literature. The pre-investigation investigation also includes measures to investigate criminal statements, messages and other information and take decisions based on the results of their consideration.

Keywords:legality, instigate criminal case, head of the investigation department, prosecutor, infringement of legality, authorities of the head of the investigation department and prosecutor.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган суд ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади шиддат билан ўзгараётган замон талабларига жавоб берадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият сифатида қафолатлайдиган қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизмини тўлиқ шакллантириш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу борада амалга оширилган ишлар хусусида “Биз суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустақамланган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ушбу ислохотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир” [1], деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ушбу мақсадга эришиш айниқса жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва улар учун жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноятдан жабрланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек ушбу жараёнлар давомида қонунийлик таъминланиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят-процессуал фаолият давомида жиноят процессининг мақсадларига эришишни таъминловчи бир қанча ҳуқуқий механизмлар мавжуд бўлиб, улар жиноят-процессуал фаолиятнинг амалга оширилиши тартиби, шакли ва мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал-кодексининг 9-бўлимига мувофиқ судга қадар иш юритув босқичининг таркибига жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов киритилган [2]. Шу билан бирга процессуал адабиётларда турли фикрларни учратишимиз мумкин. Жумладан, профессор З.Ф.Иноғомжонова ва доцент Г.З.Тўлагановалар “...ишларни судга қадар юритиш суриштирув ва дастлабки терговдан иборат” [3, Б. 160] деб фикр юритган бўлса, доцент А.Х.Раҳмонқулов “Дастлабки тергов босқичининг шаклларида суриштирув ва дастлабки тергов киради” [4, Б. 323-324],деб таъкидлайди. айнан шунга яқин фикрлар Б.Б.Хидоятлов ва Ш.Ф.Файзиевлар томонидан ҳам билдирилган [5, Б. 101; 6,Б. 195; 7,Б. 203]. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига 38-модда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан [8] суриштирув институининг моҳияти

тубдан ўзгартирилди, терговга қадар текширув органлари ва уларнинг ваколатлари алоҳида ажратиб берилди ҳамда суриштирув дастлабки терговнинг шакли эканлиги тўғридан тўғри кўрсатиб қўйилди.

Жиноятга оид ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат фаолият Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормалари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиб, уни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ва қабул қилинадиган қарорлар қонунийлик ва асослангандиганлиги талабларига жавоб бериши лозим.

Зеро ЖПКнинг 382-моддаси 3-қисми 1-бандида ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси 1-қисми 2-бандида “...содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади”, деб белгиланган [9]. Бу эса жиноят ҳақидаги ариза ва хабарни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этишда қонунийлик ва асослангандиганлиги масалаларини муҳокама этилишига асос яратади. Ушбу тушунчалар ўртасидаги алоқани изоҳлашга турлича муносабатлар мавжуд. Жумладан, Ю.Н.Белозеров ва А.А.Чувилевларнинг фикрича, “...фақат асосланган қароргина қонуний деб топилиши мумкинлигидан, асосланганлик эса процессуал қарорга асос бўладиган фактик маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонун талабларига қатъий риоя этиш билан таъминланишидан иборатдир”, [10. Б. 14] деб фикр билдирадilar. Бу фикр жиноят ишини кўзғатиш босқичида қонунийликнинг бузилиши шакллари тўғрисида мулоҳаза қилишга ундайди.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича амалиётни ўрганиш жиноят ишини кўзғатишда қонунийлик талабларининг бузилиши жиноятга оид хабарларни қабул қилиш босқичида ҳам (жиноятларни ҳисобга олишдан яшириш; содир этилган жиноят тўғрисидаги хабарларни сохталаштириш; турли баҳоналар билан аризани қабул қилишни рад этиш), жиноятга оид хабарларни терговга қадар текшириш ва тегишли процессуал қарор қабул қилиш жараёнида ҳам (жиноятнинг аниқ аломатлари бўлганда жиноят ишини кўзғатишни асоссиз равишда рад қилиш; терговга қадар текширув материаллари ва қабул қилинган қарорларни сохталаштириш; жиноий жазоланадиган қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилиш; терговга қадар текширув муддатини ўтиб кетиши, процессуал қарорни ўз вақтида қабул қилмаслик; терговга қадар текширув босқичида ЖПК билан рухсат этилмаган тергов ва бошқа ҳаракатларни ўтказиш; асоссиз равишда жиноят ишини кўзғатиш) ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади.

Содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятга оид аксарият хабарлар иш юритувида қабул қилинмаслиги муайян ҳудуд ва бутун республика миқёсида жиноятчиликнинг ҳақиқий ҳолати, унинг аниқ таркибий тузилиши ва динамикасини бузиб кўрсатилишини келтириб чиқаради, бунинг натижасида эса давлат органлари томонидан унга қарши кураш стратегияси ва тактикаси тўғри белгиланишига салбий таъсир кўрсатади [11, Б. 137, Б. 12.39; 13. Б. 116-123].

Айнан юқорида келтирилган қонун бузилишларини олдини олиш зарурияти жиноят ишини кўзғатиш босқичида қонунийликни таъминлаш тизимини яратилишини ва ишчан механизмни жорий этилишига эҳтиёжни туғдиради. Жиноятга оид хабарларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш тартибига риоя этишни текшириш орқали рўёбга чиқарилади. Ички ишлар органининг бошлиғи ҳар куни ходисалар тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатга олиниши ҳамда ҳал этиш муддатларига риоя этилиши, жиноятларни ҳисобга олиш китоби ҳамда ходисалар тўғрисидаги хабарларни ҳисобга олиш журналининг тўғри юритилишини назорат қилиши лозим, жиноятга оид хабарларнинг ички ишлар органида рўйхатга олинишининг тўлиқлигини солиштириб чиқиши керак.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахснинг процессуал фаолиятида қонунийликни таъминлаш ҳам жиноят-процессуал хусусиятга эга бўлади. Бироқ, ҳозирги кунга

қадар терговга қадар текширув жараёнидан қонунийликни таъминлаш муаммолари қонунчиликда тергов амалиётининг муаммоларига мос равишда ҳал этилмаган. Масалан, ЖПК 329-моддасининг 5-қисмига асосан, жиноят тўғрисидаги аризалар ва хабарларни терговга қадар текшириш муддатини суриштирувчи ёки терговчининг асослантилган қарори бўйича бир ойгача узайтириш ҳуқуқи фақат прокурорга берилган. Амалда эса мазкур жарёнда қонунийликни таъминлаш бўйича асосий саъй-ҳаракатлар терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Терговга қадар текширув жараёнида қонунийликни таъминлашнинг асосий мақсади жиноятга оид хабарларни кўриб чиқувчи текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи терговчиларнинг фаолиятига процессуал раҳбарлик қилишдан иборат.

Шу билан бирга, жиноятга оид хабарларни кўриб чиқишда йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ҳамда тергов бўлими бошлиқларининг терговга қадар текширув жараёнида қонунийликни таъминлаш устидан лозим даражада контроль олиб бормаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2019–2021 йилги ҳисоботларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишларидан бири сифатида кўрсатилган[14].

Айнан шунинг учун ҳам жиноятга оид хабарларни кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг идоравий раҳбарлари зиммасига юкланган ваколатлар аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, жиноят ишини кўзғатишнинг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлаш тизимида асосий ўрин идораларнинг манфаатларига боғлиқ бўлмаган прокурор назоратига ажратилганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасига мувофиқ, жиноят ишини кўзғатиш босқичидаги прокурор назоратининг предмети бўлиб, бир томондан, жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг қонунчилик томонидан ўрнатилган процессуал тартиби, бошқа томондан эса – қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ҳисобланади .

Прокурор зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун унга муҳим процессуал ҳуқуқлар берилган: Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасига асосан, прокурор жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал этишда қонун талабларининг бажарилишини текширишга ваколатлидир. Прокурор жиноятга оид хабарларни ҳал этиш тартибига риоя этиш устидан назорат қилиш доирасида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишни текшириш учун содир этилган жиноятларга оид ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига терговга қадар текширув ўтказиш, ишларни кўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир. Прокурор аниқланган қонун бузилишлари тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади[16. Б. 84]. Шу муносабат билан жиноятни ҳисобга олиш ва рўйхатга олишдан яшириш муаммосини фақат прокурор назорати методикасини такомиллаштириш орқали ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун давлат миқёсидаги ташкилий хусусиятга эга бўлган чора-тадбирларни қабул қилиш лозим.

Прокурор фаолиятининг бошқа бир йўналиши – жиноятга оид хабарлар бўйича қарор қабул қилиш, жиноят ишини кўзғатиш ёки жиноят ишини кўзғатишни рад этишнинг қонунийлиги ва асосланганлиги устидан назорат қилишдир. Жиноят ишини кўзғатиш устидан назорат қилишда прокурор жиноятга оид хабарларни текшириш материалларини пухта ўрганиши; жиноят аломатлари аниқ бўлганда жиноят ишини кўзғатишни кечиктиришга йўл қўймаслиги; терговчи, суриштирувчидан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги қарор ва текшириш материаллари, алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказилган ҳолларда эса – уларнинг баённомалари ва қарорлар келиб

тушганда, кечиктирмасдан уларнинг асосланганлиги ва процессуал қарор қабул қилиш учун етарли эканлигини текшириши, жиноят ишини қўзғатиш заруратини истисно қилувчи ҳолатларни аниқлаши, тергов ҳаракатларининг ўз вақтида ва қонуний ўтказилганлигини аниқлаши лозим.

Прокурор нафақат жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлигини, балки жиноят ишини қўзғатишнинг қонуний рад этилишини ҳам назорат қилади. Ички ишлар органларида шундай амалиёт юзага келганки, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси хабардор қилиш учун прокурорга юборилади. Бу ўз навбатида, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш орқали жиноятларни яширишни олдини олишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда ЖПКда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органи раҳбарининг қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича фаолиятини процессуал тартибга солиш мақсадида қуйидаги ваколатлар берилиши таклиф этилади:

жиноятга оид хабарларни терговга қадар текшириш бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчига топшириқлар бериш;

терговга қадар текширув материалларини бир терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчидан бошқасига ўтказиш;

терговга қадар текширувнинг моҳиятига кўра, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар бериш.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қили шуни таъкидлаш жоизки, терговга қадар текширув жараёнида қонунийликни таъминлаш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ ва шу нуқтаи назардан қонунийликни таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Халқ сўзи. 2017. 6 дек.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021// <https://lex.uz/docs/-111460>

3. Иноғомжонова З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари // Ўқув қўлланма. – Т., – 2006.

4. Миренский Б.А., Раҳмонкулов А.Х., Кадырова В.В. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик. – Т, 2019. – Б.323-324

5. Хидоятлов Б. Б. Дознание в Республике Узбекистан. – Т.: ТГЮИ. 2005.– 105 б;

6. Файзиев Ш. Ф. Жиноят процессида суриштирув. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 310 б.

7. Fayziyev Sh. Surishtiruvni tashkil etish. O'quv qo'llama. – Т.: Ilm ziyo. - 2010. – 338 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни таҳририда — ЎРҚХТ, 2017 й., 36-сон, 943-модда// <https://lex.uz/docs/3328284>

9. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003., №5, 67-модда; 2005., № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007., № 6, 249-модда; 2008., № 9, 487-модда, ЎРҚ-193, 22.12.2008// <https://lex.uz/docs/106197>

10. Белозеров Ю. Н., Чувилев А. А. Проблемы обеспечения законности и обоснованности возбуждения уголовного дела. — М., 1973. — С. 14.

11. Раҳманкулов А. Х., Миразов Д.М. Дастлабки тергов: Дарслик. — Т., 2013. — Б.137.

12. Белозеров Ю. Н., Марфицин П. Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела: Учебное пособие. — М., 1994. — С. 39.
13. Химичева Г. П. Рассмотрение милицией заявлений и сообщений о преступлении. — М., 1997. — С. 116—122.
14. Депутаты Законодательной палаты заслушали отчет Уполномоченного Олий Мажлиса по правам человека // uza.uz. 11.02.2019.
15. Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Т., 2009. – 517 б.
16. Соловьев А. Б., Токарева М. Е., Халиулин А. Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. — М., 2000. — С. 84.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

РАХМАНОВ Шухрат Наимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции, кандидат юридических наук, доцент
E-mail: shuxratjon@gmail.com

ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

Руководитель Отдела международного сотрудничества Центра устойчивого развития,
доктор философии по юридическим наукам (Phd)
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

УЗБЕКИСТАН КАК ПОЛНОПРАВНЫЙ СУБЪЕКТ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХМАНОВ Ш.Н.,
ХАМДАМОВА Ф.У. Узбекистан как полноправный субъект международного права // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2021). С. 115-125.

 4 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-4-16>

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена достижениям Узбекистана в сфере международного сотрудничества и внешней политики, вопросам развития Узбекистана в качестве полноправного субъекта международного права, совершенствованию правовых и институциональных основ внешней политики. Дается обзор развития двустороннего и многостороннего сотрудничества Узбекистана за годы независимости. Отдельное внимание уделено обзору международных инициатив Узбекистана.

Ключевые слова: субъект международного права, международные организации, международные договоры, международные инициативы, международное сотрудничество, внешняя политика.

РАХМАНОВ Шухрат Наимович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази кафедра мудири, юридик фанлари номзоди
E-mail: shuxratjon@gmail.com

ХАМДАМОВА Фируза Уразалиевна

Барқарор ривожланиш маркази Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (Phd)
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**АННОТАЦИЯ**

Мақола Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик ва ташқи сиёсат соҳасида эришган ютуқлари, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ривожланиши, ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштиришга бағишланган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш ҳақида умумий маълумот берилади. Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: халқаро ҳуқуқ предмети, халқаро ташкилотлар, халқаро шартномалар, халқаро ташаббуслар, халқаро ҳамкорлик, ташқи сиёсат.

RAKHMANOV Shukhrat

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Candidate of legal sciences
E-mail: shuxratjon@gmail.com

KHAMDAMOVA Firuza

Head of the International Cooperation Department Center for Sustainable Development, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: firuza_hamdamova@mail.ru

UZBEKISTAN AS A FULL-FLEDGED SUBJECT OF INTERNATIONAL LAW**ANNOTATION**

The article is devoted to the achievements of Uzbekistan in the field of international cooperation and foreign policy, the development of Uzbekistan as a full-fledged subject of international law, improving the legal and institutional foundations of foreign policy. An overview of the development of bilateral and multilateral cooperation in Uzbekistan over the years of independence is given. Special attention is paid to the review of international initiatives of Uzbekistan.

Keywords: subject of international law, international organizations, international treaties, international initiatives, international cooperation, foreign policy.

Согласно статье 17 Конституции Узбекистана, «**Республика Узбекистан является полноправным субъектом международных отношений.** Ее внешняя политика исходит из принципов суверенного равенства государств, неприменения силы или угрозы силой, нерушимости границ, мирного урегулирования споров, невмешательства во внутренние дела других государств и иных общепризнанных принципов, и норм международного права».

В последние годы уделяется особое внимание вопросам укрепления имиджа страны на мировой арене в качестве активного субъекта международных отношений. **Согласно Стратегии действий на 2017-2021 гг. обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики,** направленные на укрепление независимости и суверенитета государства, создание вокруг Узбекистана пояса безопасности, стабильности и добрососедства, укрепление международного имиджа страны – одно из приоритетных направлений развития страны в целом.

ПРАВОВЫЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА. Внешняя политика Республики Узбекистан основывается на Конституции,

законах «О Концепции внешней политики Республики Узбекистан» и «других нормативных правовых актах государства, на заявлениях и выступлениях Президент Республики Узбекистан и международных договоров, подписанных страной. Во всех принятых за последние годы национальных стратегий и концепциях отдельное внимание уделено вопросам международного сотрудничества.

За годы независимости Узбекистану удалось также создать стройную систему внешнеполитических органов, развить национальную дипломатию во всех его проявлениях на основе международных норм и стандартов, передового зарубежного опыта с учетом национального менталитета, исторических традиций и национально-государственных интересов [1].

29 декабря 2020 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев обратился с очередным Посланием к Олий Мажлису, а в его лице - к народу Узбекистана. Так, Президент Шавкат Мирзиёев указал на необходимость совершенствования внешнеполитической стратегии республики и принятия обновленной концепции деятельности в этой сфере [2]. Президент нашей страны также отметил, что необходимо кардинально повысить эффективность деятельности МИД по всем направлениям. Это, прежде всего, продвижение на экспорт продукции отечественных предприятий, привлечение иностранных инвестиций, передовых технологий и знаний для модернизации промышленности, и инфраструктуры, активная работа по увеличению потока туристов в Узбекистан. Требуется активное подключение послов и всех дипломатов к реализации нового курса реформ и преобразований в стране.

Согласно Межамериканской конвенции о правах и обязанностях государств, заключенной в Монтевидео (Уругвай) в 1933 г. «государство как субъект международного права должно обладать следующими признаками: а) *постоянным населением*; б) *определенной территорией*; в) *правительством*; д) *способностью вступать в отношения с другими государствами*» [3].

Способность вступать в международные отношения – это необходимый признак, который характеризует государство в качестве субъекта международного права. Вступая в отношения с другими субъектами международного права, государство реализует свои права и обязанности, вытекающие из международного права. Данная способность проявляется в установлении дипломатических отношений, членстве в международных организациях, участии в международных договорах, а также выдвигании международных инициатив.

Способность вступать в международные отношения зависит от признания данного государства другими государствами. Следует отметить, что уже в первый же год после провозглашения независимости Узбекистан был признан более чем 60 странами мира.

Согласно данным МИД Республики Узбекистана, дипломатические отношения установлены с 137 государствами [4]. В настоящее время продолжается установление и развитие дипломатических отношений. 2021 год также был ознаменован дальнейшим расширением дипломатических отношений. Так, 3 февраля Узбекистан установил дипломатические отношения с Сан-Марино. 14 мая в Нью-Йорке было подписано совместное коммюнике об установлении дипломатических отношений между Узбекистаном и Содружеством Доминики [5]. Содружество Доминики стало 137-й страной, с которой Узбекистан установил дипотношения.

Таким образом, сегодня в Ташкенте осуществляют свою деятельность 44 посольства зарубежных государств, 1 генеральное консульство, 8 почетных консулов, 17 представительств международных организаций, 13 представительств международных межправительственных и правительственных организаций иностранных государств, 1 торговое представительство с дипломатическим статусом. В зарубежных странах и при международных организациях функционируют 55 дипломатических и консульских представительств Республики Узбекистан. Узбекистан является членом свыше 100 международных организаций и развивает взаимодействие с различными структурами многостороннего сотрудничества [6].

УЧАСТИЕ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ. Сотрудничество по линии работы международных организаций также имеет свои преимущества: позволяет согласовывать позиции, более широко продвигать свои интересы и направлять

работу международной организации в нужное русло, находить союзников и аккумулировать ресурсы сразу нескольких государств, повышать международный авторитет и улучшать позиционирование. Поэтому активное участие Узбекистана в работе международных организаций является актуальной и полезной формой внешнеполитической активности, способствующей более эффективному достижению поставленных внешнеполитических целей и задач [7].

На данный момент Узбекистан является членом более 40 международных организаций. И прежде всего, Узбекистан – член ООН (с 1992 года). 24 октября 1993 года в Ташкенте открылось представительство ООН. Также и в ООН начало свою работу постоянное представительство Республики Узбекистан. В этом году исполнилось 29 лет с момента вступления Республики Узбекистан в Организацию Объединенных Наций (ООН). Узбекистан также член ряда специализированных учреждений ООН. В частности, Узбекистан вступил в ВОЗ 25 мая 1992 года. В 1993 году в Узбекистане было открыто страновое бюро ВОЗ по координации отношений. Республика Узбекистан стала членом Международной организации труда в 1992 году. Сотрудничество между Республикой Узбекистан и ЮНКТАД было установлено 19 апреля 1994 года. Республика Узбекистан стала членом ВОИС в 1991 году. Узбекистан вступил в ВМО в 1993 году. Узбекистан стал членом МСЭ в 1992 году.

Помимо ООН, Узбекистан активно сотрудничает и с другими международными организациями универсального характера, не входящими в систему ООН. За последние три года наша страна стала членом Межпарламентского союза, Межпарламентской ассамблеи ОБСЕ и Межпарламентской ассамблеи стран СНГ. За этот период общее количество сформированных групп межпарламентской дружбы достигло 48, а в прошлом году законодательным органом была принята Концепция парламентской дипломатии.

В ноябре 2018 г. Узбекистан стал полноправным членом Международной организации по миграции, успешно сотрудничает с Международной организацией труда. Кроме того, Узбекистан имеет статус наблюдателя в ВТО. Республика Узбекистан начала процесс вступления в ВТО в 1994 году.

Узбекистан развивает тесное сотрудничество с региональными организациями - СНГ (с 1991 года), ОИК (с 1992 года), ОБСЕ (с 1992 года), ЕБРР, Азиатского банка развития, ЦАС (с 1994 года), ШОС (с 2001 года) и др.

В 2020 году Узбекистан впервые председательствовал в Содружестве Независимых Государств, и, несмотря на пандемию, были успешно проведены более 60 запланированных международных мероприятий, принято около 70 важных документов. За период председательствования Узбекистаном было выдвинуто более 10 инициатив для реализации в рамках СНГ.

Председательствование в СНГ не только укрепило имидж и авторитет Узбекистана, показав высокий потенциал нашего государства как надежного международного партнера, но и способствовало укреплению статуса СНГ. **Так, значимым шагом стало принятие специальной резолюции** Генеральной Ассамблеи ООН принята **специальная резолюция «Сотрудничество между Организацией Объединенных Наций и Содружеством Независимых Государств»** 23 ноября 2020 года в штаб-квартире Организации Объединенных Наций в Нью-Йорке (США) в рамках 75-й сессии. Данная инициатива Узбекистана способствовала не только укреплению взаимодействия между членами СНГ, но и укреплению СНГ на мировом уровне.

Активно развивается сотрудничество с ШОС. В общей сложности за последние четыре года узбекская сторона выдвинула более 30 инициатив. Это очень серьезный и весомый показатель [8]. Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев подписал постановление о подготовке к проведению саммита Шанхайской организации сотрудничества (ШОС) в Самарканде. Саммит ШОС пройдет в Самарканде в 2022 году.

Возобновив в 2019 году членство в Совете сотрудничества тюркоязычных государств (ССТГ, Тюркский совет), Узбекистан, как неотъемлемая часть большой тюркской семьи, активно приступил к развитию отношений с государствами ССТГ.

Важнейшим шагом Ташкента в сфере развития сотрудничества с региональными организациями стало **получение статуса наблюдателя в Евразийском экономическом союзе в 2020 г.** Узбекистан получил статус наблюдателя в Евразийском экономическом союзе. Для полномасштабного присутствия на рынках государств-членов этой организации необходимо ускорить работу по приведению национальных норм технического регулирования в соответствие с требованиями ЕАЭС.

Ушбу мақолада инсон ҳуқуқларига оид таълимни шакллантириш ва ривожлантиришда халқаро универсал ташкилотларнинг роли, ўрни ва иштироки атрофлича таҳлил қилинган. Мақолада биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош ва ёрдамчи органларининг, ҳамда ихтисослашган муассасаларининг инсон ҳуқуқларини, шу жумладан инсон ҳуқуқларига оид таълимни таъминлаш, ривожлантириш ва аъзо-давлатларда ёппасига тарғиб қилиш, ташвиқот ишларини юритиш ва ёйиш бўйича саъй-ҳаракатлари объектив таҳлил қилинган. Амалга оширилган тадқиқот натижасида мавжуд халқаро универсал тизимнинг инсон ҳуқуқларига оид таълим бўйича умумий ва/ёки махсус фаолиятини янада ривожлантиришга оид қатор амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, таълим, инсон ҳуқуқлари таълими, халқаро ташкилотлар, ХҲАТ, ХНХТ, универсал ташкилотлар, БМТ, БМТ органлари, БМТ бош органлари, БМТ ёрдамчи органлари, ЮНЕСКО.

САФАРОВА Шахло Пулатовна

Самостоятельный соискатель

Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: ShSafarova@uwed.uz

УЧАСТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ УНИВЕРСАЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ ОБРАЗОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье дается всесторонний анализ роли, места и участия международных универсальных организаций в становлении и развитии образования в области прав человека. Прежде всего, в статье анализируются усилия основных и вспомогательных органов ООН, а также специализированных агентств по обеспечению, развитию и продвижению образования в области прав человека,

включая права человека, в государствах-членах. В результате исследования было выдвинуто ряд практических предложений по дальнейшему развитию общей и специальной деятельности международной универсальной системы образования в области прав человека.

Ключевые слова: права человека, образование, образование в области прав человека, международные организации, ОДКБ, ОДКБ, универсальные организации, ООН, органы ООН, штаб-квартира ООН, вспомогательные органы ООН, ЮНЕСКО.

SAFAROVA Shakhlo

Independent researcher of the University of
World Economy and Diplomacy
E-mail: ShSafarova@uwed.uz

PARTICIPATION OF INTERNATIONAL UNIVERSAL ORGANIZATIONS IN THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF HUMAN RIGHTS EDUCATION

ANNOTATION

The article provides a comprehensive analysis of the role, place and participation of international universal organizations in the formation and development of human rights education. First of all, the article analyzes the efforts of the main and subsidiary bodies of the UN, as well as specialized agencies for the provision, development and promotion of education in the field of human rights, including human rights, in the member states. As a result of the study, a number of practical proposals were put forward for the further development of the general and special activities of the international universal education system in the field of human rights.

Keywords: human rights, education, human rights education, international organizations, CSTO, CSTO, universal organizations, UN, UN bodies, UN headquarters, UN subsidiary bodies, UNESCO.

Хозирги замон халқаро ҳуқуқида кўп томонлама (универсал) ҳамкорликни амалга ошириш шаклларида бири сифатида халқаро ташкилотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги субъекти бўлишига қарамай, таъкидлаш лозимки, дастлабки халқаро ташкилотлар [*Прототашилот ёки проташилот тушунчаларидан фойдаланиш маъқулроқ, чунки XIX асргача юзага келган халқаро ташкилотлар ва иттифоқлар ҳар ҳолда ҳозирги замон халқаро ташкилотларининг прототиплари, проформалари или прообразлари ҳисобланади. – Муаллиф изоҳи*] қадимдаёқ юзага келган. XIX асрга келиб халқаро ҳуқуқнинг узил кесил ҳосила субъектига айланган халқаро ташкилотлар, тарихий қисқа вақт ичида халқаро ҳуқуқ тизимида муҳим субъектга айланишга улгурди ва уларнинг фаолияти ҳозирда муҳим аҳамият касб этади [1].

Халқаро ташкилотларнинг ривожини халқаро ташкилотлар доирасида халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус предмети пайдо бўлишига олиб келди ва бу ўз навбатида қуйидаги муносабатларни қамраб олади: халқаро ташкилотларга аъзо ва аъзо бўлмаган давлатлар билан муносабатлар; аъзо-давлатлар ва халқаро ташкилотлар органлари ўртасидаги муносабатлар; бошқа халқаро ташкилотлар билан муносабатлар. Халқаро ташкилотлар органлари қарорларни қабул қилиш йўли билан ҳам ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақамловчи, юқорида зикр этилган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усули ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Шунингдек, кўрсатиб ўтилган муносабатлар мажмуини ҳуқуқий тартибга солишга тегишли бўлган катта миқдордаги норматив ҳужжатлар йиғилган. Бу эса халқаро ҳуқуқнинг янги мустақил тармоғини – яъни халқаро ташкилотлар ҳуқуқи соҳасини шаклланишидан далолат беради [2]. Шу аснода айтиш мумкинки, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи – бу халқаро ташкилотларнинг ташкил топиши, фаолияти масалаларини тартибга солиб турувчи норма ва принципларни ўз ичига олувчи

замонавий халқаро ҳуқуқ тармоғидир.

Шу аснода, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, уларни илдамлаштириш ва кенгайтириш ҳозирги куннинг долзарб талаблари сирасига киради. Ўзбекистон Республикасининг ташқисий сатикик вақўптомонлама алоқаларни конкурент равишда ривожлантириш ўлини танлаган бўлиб, кўп томонлама алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамкорликни амалга оширишда айниқса универсал халқаро ташкилотларга эътиборни қаратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида қилган маърузасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр деб таъкидлаб ўтган эди [3]. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқида ҳам “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутди” [4] деган тезисни илгари сурди.

Шундай қилиб, шуни айтиш жоизки, замонавий халқаро сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда халқаро ташкилотлар мустақил субъектлар бўлиб, вазифа ва функцияларини бажара олиши билан, шунингдек халқаро муносабатларда тутган муҳим ўрни билан ажралиб туради.

Ҳозирги замонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими одатда уч даражага, яъни халқаро, минтақавий ва миллий даражаларга бўлинади. Ҳозирги вақтда халқаро институционал тизимга, шубҳасиз, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** (БМТ) бошчилик қилмоқда. БМТ мислсиз ташкилотдир. Ўзбекистоннинг Биринчи президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотини модернизация ва ислоҳ қилиш қанчалик зарур бўлмасин, биз бугунги кунда бу ташкилотнинг муқобили йўқ, деб ҳисоблаймиз» [5].

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар ва халқаро-ҳуқуқий базанинг шаклланишини универсал ташкилотлар, хусусан, биринчи галда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Низоми ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси билан боғлашади.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мониторинги тизими иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келди. БМТнинг бош органлари ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатга эга бўлган конвенциявий ва махсус органлари ташкил қилинди, шунингдек кўп томонлама конвенциялар имзоланди.

БМТ Низоми бутун халқаро норматив тизимнинг асосидир. Унда «... инсоннинг асосий ҳуқуқлари, кадр-қиммати, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ишончни қарор топтириш...» [6] мақсади белгиланган, шунингдек, келажакда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро чоралар ишлаб чиқиши учун концептуал ва ҳуқуқий асослар яратилган. Бошқа бир асосий ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан уч йилдан камроқ вақт ичида тайёрланган ҳамда 1948 йил 10 декабрда Парижда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир [7]. Халқаро ҳуқуқ соҳасидаги олим Б.Э. Очиллов таъкидлаганидек, «Қабул қилиниш усули бўйича Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг резолюция-тавсияси бўлиб [8], у халқаро ҳуқуқнинг ergo omnes нормасига айланди. Унинг айрим қоидалари jus cogens шаклида баён этилган» [9]. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти нафақат унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги дастлабки халқаро стандарт бўлганлигида, балки у ушбу соҳада кейинчалик бўлиб ўтган кодификациялаш жараёни учун ҳуқуқий база яратгани, бу билан инсон ҳуқуқлари концепциясининг тадрижий ривожланишига ёрдам берганида ҳамдир» [10].

Инсон ҳуқуқларнинг универсаллиги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилингандан (1948 й.) бир неча йилдан сўнг амалга ошди. Бошқа сўз билан деганда, инсон ҳуқуқлари ғояси барча давлатлар томонидан тан олинади. Инсон ҳуқуқлар соҳасидаги универсализм

тўғрисида гапирсак, бугунги кунга бу даражага хали эришолмадик. Универсализм инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқини шарҳлаш ва қўллаш бўйича умумий розилик борлигини талаб қилади. Умумий розилик йуқлиги универсализм ҳозир ҳам БМТ қошидаги инсон ҳуқуқлари бўйича саволлар кўриб чиқилганда муҳокамалар предмети сифатида булганлиги далолат беради.

Иккита халқаро пакт – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт [11] ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт [12] – ҳозирги замон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тизим норматив базасининг асосида ётади. Айниқса улар Декларациядан фарқли равишда, шартномавий шаклга эга эканлиги инобатга олинса, бу янада тушунарли бўлади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мазкур асосий халқаро ҳужжатлар билан бир қаторда алоҳида ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги институт ва механизмлар таъсис этувчи кўплаб бошқа ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқди. 1949-2000 йиллар давомида юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

БМТ ўзининг бош ва ёрдамчи органлари, ҳамда тизимлашган ихтисослашган муассасалари ёрдамида инсон ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий таъминлаш, хусусан, инсон ҳуқуқларига оид таълимни ривожлантириш, ёйиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси. БМТ Низомига мувофиқ ИИК БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссиясини таъсис этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия 1946 йил 10 декабрда ИИКнинг биринчи мажлисида таъсис этилди ва БМТнинг дастлабки тузилиши доирасида ташкил қилинган иккита биринчи «функционал комиссия»дан бири эди (иккинчиси Аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия бўлган). Бу орган БМТ Низомининг шартлари асосида ташкил қилинган (жумладан, 68-модда қоидаларига мувофиқ), уни БМТга аъзо барча давлатлар имзолаган [13].

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия таркибида инсон ҳуқуқларини бузувчилар борлиги, шунингдек унинг сиёсийлаштириб юборилганлиги сабабли кутилган самарадорликка эриша олмади. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия тугатилгунига қадар ўтган кейинги йиллар давомида инсон ҳуқуқлари учун курашувчилар орасида борган сари ишонч йўқола борди.

Комиссиянинг охириги йиғилиши Женевада 2006 йил 27 март куни ўтказилди, сўнгра ўша йилнинг ўзида унинг ўрнига БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ташкил қилинди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши – БМТ тизимидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг ўрнига келган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органи. БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи органи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш БМТ тизимидаги ҳуқуматлараро орган бўлиб, бутун дунёда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига кўмаклашиш ҳамда инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ вазиятларни кўриб чиқиш, шунингдек тегишли тавсиялар тайёрлашга масъулдир. Кенгаш ваколатига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги барча турдаги масалалар ва вазиятларни муҳокама қилиш қиради. Бу масалалар бутун йил давомида унинг эътиборини талаб қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг мажлислари Женева шаҳрида жойлашган БМТ офисида ўтказилади [14].

Кенгаш БМТга аъзо давлатлардан ташкил топган бўлиб, уларни БМТ Бош Ассамблеяси сайлаб олади. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ундан аввал фаолият кўрсатган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг ўрнини эгаллади.

Кенгаш БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 15 мартдаги 60/251-резолюцияси асосида ташкил қилинган. Унинг биринчи сессияси 2006 йил 19-30 июнь кунлари ўтказилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ўзининг биринчи йиғилишидан бир йил ўтгач ўз ишини аниқлаш ҳамда тартиб-таомил ва механизмларни ўрнатиш учун бир қанча қарорлар қабул қилди.

БМТнинг собиқ Бош Котиби Пан Ги Мун айтганидек, «инсон ҳуқуқлари бузилишининг барча қурбонлари ҳаракатлар учун форум ва майдон сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга суяниш имконига эга бўлишлари лозим» [15].

Аёлларнинг мавқеи бўйича комиссия (CSW)⁴ – БМТнинг ИИК хузуридаги ёрдамчи тузилмалардан бири. 1946 йилдан буён мавжуд (дастлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия хузуридаги кичик комиссия сифатида фаолият юритган). БМТга аъзо 45та давлатнинг 4 йил муддатга сайланадиган вакилларида ташкил топади. Аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия аёллар муаммоларининг ҳал қилиниши билан боғлиқ иш учун ҳамда уларнинг моҳиятини БМТ тизимида муҳокама қилиш учун бирламчи жавобгарликка эга [16].

Аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия ИИК томонидан унинг 1946 йил 21 июндаги 11 (II) резолюцияси билан Кенгашга аёллар ҳуқуқларини сиёсий, иқтисодий, фуқароликка оид, ижтимоий жабҳаларда ҳамда таълим соҳасида ҳимоя қилиш масалалари бўйича тавсия ва маърузалар тайёрлаш мақсадида, шунингдек Кенгашга аёллар ҳуқуқларига тааллуқли муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш керак бўлган муаммолар бўйича тавсиялар тайёрлаш мақсадида, аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуққа эга бўлишларини белгиловчи принципни ҳаётга жорий этиш учун, шунингдек бундай тавсияларнинг ижроси юзасидан таклифлар ишлаб чиқариш учун таъсис этилган.

ИИК ўзининг 1987 йил 26 майдаги 1987/22-резолюциясида Комиссиянинг фаолият доирасини кенгайтириб, унга тенг ҳуқуқлилиқ, ривожланиш ва тинчликка кўмаклашиш, аёлларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган чораларнинг амалга оширилишини кузатиш, шунингдек миллий, субрегионал, минтақавий, секторал ва глобал даражаларда эришилган тараққиётни кўриб чиқиб баҳолаш функцияларини киритиш ҳақида қарор қабул қилди [17].

Аёллар мавқеи бўйича комиссия томонидан тайёрланган Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари бўйича конвенция 1952 йилда БМТ томонидан тасдиқланган. Бу ҳужжатда аёлларнинг барча ҳуқуқлари, яъни уларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи сайловларда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари эътироф этилган.

1963 йилда БМТ ушбу комиссияга Аёлларнинг камситилишига барҳам бериш бўйича декларация лойиҳасини тайёрлашни тавсия қилди. Декларациянинг муқаддимасида мазкур ҳужжатнинг энг муҳим сабаблари, яъни инсоннинг кадр-қиммати ва шаъни, оиланинг ижтимоий аҳволи, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида иштирок этишга тайёр бўлган аёллар ҳаётида мавжуд тўсиқлар таъкидланди. Ушбу декларацияларни эътироф этган барча давлатларнинг умумий манфаатларини ифодалаб, барча мамлакатлар зиммаларига тегишли мажбурият олишлари ҳақида қарор қабул қилинди [18].

1963–1975 йиллар давомида Аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия янги марраларга эришди. Ушбу мамлакатларда давлатнинг ички сиёсатини ва аёлларнинг яшаш шароитини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиши учинчи дунё мамлакатларида аёлларнинг таълим олиши, соғлиқни сақлаши ва ҳуқуқлари яхшиланишига имкон берди.

Комиссия Аёлларнинг аҳволи бўйича жаҳон конференцияларини ташкил қилди, ҳар йили февраль–март ойларида Нью-Йорк шаҳрида йиллик сессиялар ўтказди; одатда сессияларда унинг устувор мавзулари бўйича «келишилган хулосалар» қабул қилинади. Комиссияга аёллар ҳуқуқларининг бузилишлари ҳақида хабарлар бериш тартиб-таомили мавжуд. Комиссия 1995 йилда Аёлларнинг аҳволи бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин ҳаракатлар платформасида ажратиб кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш борасида эришилган натижаларни кузатиб боради [19].

ИИК ўзининг Аёлларнинг аҳволи бўйича тўртинчи жаҳон конференцияси яқунлари бўйича кейинги фаолият ҳақидаги 1996/6-сонли (1996 йил 22 июль) резолюциясида Аёлларнинг аҳволи бўйича комиссия ваколатларини кенгайтириб, унинг тасарруфидаги масалалар доирасини ўзгартирди [17].

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссар бошқармаси (ҚИОКБ). БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи яна бир муҳим орган БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари институтидир. Бу лавзим 1951 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қочоқларни ҳимоя қилиш ғамда уларнинг муаммоларини ҳал этишга хизмат қиладиган узок муддатли дастурларни таъминлаш мақсадида таъсис этилган [20].

⁴ Инглизчада ҳам Аёллар мақоми бўйича комиссия деб юритилади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси (ИҲОКБ) – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кафолатланган ҳуқуқларга риоя этилиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини кузатиб боровчи БМТ агентлиги. ИҲОКБга БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йилда асос солинган [21].

Ҳозирги вақтда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси (ИҲОКБ) БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича асосий таркибий тузилмасидир. У БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. Унга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошчилик қилади. У БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун жавобгар асосий мансабдор шахсдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 4 йил муддатга тайинланади.

Бошқарманинг асосий фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасида янги стандартлар ишлаб чиқилишида кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига оид шартномаларнинг ратификация қилинишида ёрдам бериш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Олий комиссар, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишига нисбатан чора кўриши ва бунинг олдини оловчи ҳаракатлар қилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар ҳамкорликни институционаллаштириш ва ишни инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи БМТ органлари билан мувофиқлаштириш бўйича аниқ ҳаракатларни амалга оширади.

БМТнинг Омбудсман ва воситачилик хизмати. У БМТ ходимларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган [22].

БМТнинг Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича (БМТ-Аёллар) ташкилоти. Кўп йиллар мобайнида БМТ глобал даражада гендер тенглигини ривожлантириш фаолиятида жиддий муаммоларга, жумладан БМТнинг аёллар ҳуқуқлари масалалари бўйича фаолиятини етарлича молиялаштирмаслик ва мувофиқлаштириш учун ягона орган йўқлиги муаммоларига дуч келган. 2010 йилда халқаро жамоатчилик ҳаётида муҳим воқеа рўй берди. БМТ тизимидаги ислохотга мувофиқ ҳамда аёллар ҳуқуқлари мавзуи билан боғлиқ фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини такомиллаштириш мақсадида, БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 2 июлдаги A/RES/64/289-сонли резолюцияси билан янги ташкилот – БМТнинг Гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича «БМТ – Аёллар» (UN Women) ташкилоти тузилди [23]. Ушбу ташкилот 2011 йил 1 январдан фаолият кўрсата бошлади. БМТга аъзо давлатлар ушбу тузилма ташкил этилиши учун овоз бериб, БМТнинг гендер тенглиги ҳамда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш соҳасидаги мақсадларга эришишни тезлаштириш йўлида тарихий қадам ташладилар. Мишель Бачелет Бош Котиб ўринбосари ва «БМТ-Аёллар» тузилмасининг ижрочи директоридир.⁵

Ушбу ташкилотнинг таъсис этилиши БМТ тизимида гендер тенглиги масалалари билан шуғулланиб келган тўртта алоҳида бўлинма ишининг самарадорлигини ресурс ва ваколатларни бирлаштириш орқали оширишдек муҳим мақсадга эга бўлган. Булар:

- аёллар аҳволини яхшилаш бўлими (ОУПЖ);
- аёллар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ХЎИТИ);
- гендер масалалар ва аёллар аҳволини яхшилаш бўйича махсус маслаҳатчининг девонхонаси (ГМААЯБММД);
- аёллар манфаатлари йўлида ривожланиш учун БМТ жамғармаси (ЮНИФЕМ).

⁵ Мишель Бачелет 2006-2010 йилларда Чили президенти лавозимини эгаллаган. Бу аёл фаолиятининг аксарият қисмини аёллар ҳуқуқлари учун курашга бағишлайди. У бутун фаолияти давомида гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш учун курашмоқда. Унинг мамлакат президенти лавозимидаги йирик муваффақиятларидан бири молиявий инкирозга қарамай, тежалган миллиардлаб доллар пулни пенсия ислохоти, аёллар ва болалар учун ижтимоий ҳимоя дастурлари каби масалаларни ҳал қилишга, шунингдек тадқиқотлар ва ишланмаларга йўналтириш ҳақидаги қароридир (таҳрир). Бошқа ташаббуслари кам даромадли оилалар учун бепул болалар боғчалари сонини уч баравар кўпайтириш ҳамда бутун мамлакат бўйлаб 3500 та болалар боғчасини ўз ичига олган тизим яратишни қамраб олади. М.Бачелет шунингдек Чили ҳукумати таркибида мудофаа ва соғлиқни сақлаш вазири лавозимларини эгаллаган. Мудофаа вазири лавозимида Бачелет хоним армияда ҳам, полицияда ҳам аёлларнинг мавқени яхшилашга қаратилган гендер сиёсати жорий этилишига кўмаклашган. Соғлиқни сақлаш вазири сифатида у оила даражасида сифатлироқ ва самаралироқ тиббий хизматни таъминлаш мақсадида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилишига эътиборни ошириб соғлиқни сақлаш соҳасида ислохот ўтказди // <http://www.un.org/ru/aboutun/structure/unwomen/director.shtml>. – 2021. – 28 авг.

«БМТ-Аёллар» ташкилоти асосан ихтиёрий бадаллар ҳамда БМТнинг доимий (мунтазам) бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Аъзо давлатлар томонидан ушбу ташкилот учун зарур энг кам капитал сифатида 500 млн. АҚШ доллари белгиланди. Бу ОУПЖ, МУНИУЖ, КССГВ ва ЮНИФЕМнинг ҳозирги умумий бюджетидан икки барабар кўпдир. Янги агентлик 2011 йил январь ойида иш бошлади ва унга Чилининг собиқ президенти М. Бачеле хоним бошчилик қилди [24].

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита (CEDAW). Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро даражада ҳимоя қилиш ишида халқаро битимлар асосида таъсис этиладиган конвенцион органлар катта роль ўйнайди. Ана шундай органлардан бири Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита бўлиб, у 1979 йилдаги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини таҳлил қилиш учун таъсис этилган.

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита иштирокчи давлатларнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни бажаришини кузатувчи мустақил экспертлар органидир. Кўмита бутун дунё вакиллари бўлган аёллар ҳуқуқлари бўйича 23 нафар экспертдан ташкил топган [25].

Шартнома иштирокчилари бўлган мамлакатлар (иштирокчи давлатлар) кўмитага мунтазам равишда тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилиши тўғрисида маърузалар тақдим этишлари шарт. Кўмита ўз сессиялари вақтида ҳар бир иштирокчи давлатнинг маърузаларини кўриб чиқади ҳамда уларга якуний мулоҳазалар кўринишидаги фикр-мулоҳазалар ва тавсияларини баён этади.

Конвенциянинг факультатив протоколига мувофиқ Кўмитага қуйидаги ваколатлар берилган: 1) Конвенцияда қафолатланган ҳуқуқларнинг бузилганлиги ҳақида Кўмитага ариза берувчи алоҳида шахслар ёки бир гуруҳ шахслардан хабарларни олиш, 2) аёллар ҳуқуқларининг кўпол тарзда ёки мунтазам равишда бузилишларини тергов қилиш масаласини кўтариш. Ушбу тартиб-таомиллар факультатив хусусиятга эга бўлиб, тегишли давлат бунга рози бўлган тақдирдагина ўтказилиши мумкин.

Бундан ташқари, кўмита ҳар йили ўз фаолияти ҳақида БМТ Бош Ассамблеясига маъруза тақдим этади. Кўмита иштирокчи давлатлар маърузалари ва улардан олинган маълумотлар (ахборот)ни ўрганиш асосида Ассамблея кўриб чиқиши учун умумий хусусиятга эга таклиф ва тавсиялар киритиш ҳуқуқига эга [26].

ЮНЕСКОнинг собиқ бош директори Ирина Бокованинг сўзларига қараганда, биргина Африка қитъасида ўқиш ва ёзишни билмайдиган одамлар сони Бразилия аҳолиси сонидан кўп экан. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, бугунги кунда умумий ҳисобда 61 миллионга яқин бола мутлақо ўқиш ва ёзишни билмайди [27].

ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда дунёнинг 22 мамлакатада истиқомат қилувчи 24 миллион бола сиёсий низолар туфайли бошланғич таълим олиш имконидан маҳрум. ЮНИСЕФнинг Глобал таълим бўлими раҳбари Жо Буртнинг айтишича, “Сиёсий низолар қамраб олган давлатларда яшовчи болалар ўз уйларини, оила аъзоларини, дўстларини ва шахсий хавфсизлигини йўқотган. Энди улар ўқиш ва ёзишни ўрганишдан маҳрум. Уларнинг келажаги мавҳум. Бу мамлакатлар қачондир тинчиб, ривожланишни бошласа-да, ушбу болалар ана шу жараёнда иштирок эта олмайди”. Бундай болаларнинг аксар қисми Жанубий Судан, Нигер, Судан ва Афғонистонда яшамокда. 2015 йилда Европа Иттифоқидан бошпана сўраб борган 1 миллиондан зиёд кишининг 200 минг нафардан ортиги болалардан иборат. Дунёда ҳозирги вақтда 30 миллиондан ортиқ бола сиёсий низолар туфайли ўзи яшаб турган уйни тарк этишга мажбур бўлган. Шунингдек, 250 миллиондан зиёд бола уйларини ташлаб кетиш зарурати билан тўкнашган [27. – Б. 13].

Барқарор ривожланиш мақсадларининг 4-мақсадида белгиланган вазифаларни давлатлар томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш вазифаси, универсал ҳисобланган ихтисослашган ташкилот ЮНЕСКО зиммасига юклатилди. Бу бежиз эмас, чунки, ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларида бири таълим ва тадқиқотчилик ҳисобланади. ЮНЕСКО ўз фаолиятида

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш ва унга қўмаклишишни асосий вазифа сифатида кўради. Ташкилот мазкур мақсадга эришишда таълим тизимини ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш, таълим олишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашади. Мазкур йўналишда, унинг қатор ҳужжатлари қабул қилинган, жумладан, уларга *қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади*: Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (Париж, 14.12.1960 й.); 1989 йилда қабул қилинган Техник ва касбий хунар таълими тўғрисидаги конвенция; Куролли можаролар чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (Париж, 14.05.1954 й.); “Ирк ва иркий хурофотлар тўғрисидаги декларация (Париж, 27.11.1978 й.); “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси (16.11.1995 й.) ва бошқа қатор ҳужжатлар [28].

Умуман олганда, ўзининг деярли 75 йиллик фаолияти давомида мазкур мўътабар ташкилот ўнлаб конвенциялар, декларациялар ва тавсиялар қабул қилди [28]. Инсон ҳуқуқлари таълим соҳасида Ташкилот фаолиятининг принциплари ва мақсадлари биринчи марта 1978 йили ЮНЕСКО томонидан қабирилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим масалалари бўйича Вена конгрессининг Якунловчи ҳужжатида шакллантирилган эди [29].

Таълим тизимини ташкил этиш ва сифатини оширишга ЮНЕСКО ҳужжатларининг салмоғи катта. ЮНЕСКО ҳужжатлари тўғрисида фикр юритилганда, уларни бевосита инсоннинг таълим олиш ҳуқуқига бағишланган халқаро нормаларга ва инсон ҳуқуқлари таълими нуқтаи назардан қараш мақсадга мувофиқ. Жумладан, инсоннинг таълим олиш ҳуқуқи нуқтаи назардан, қуйидаги ҳужжатларни кўрсатиш мумкин: 1960 йил 14 декабрдаги ЮНЕСКОнинг “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияси; 1989 йилда қабул қилинган Техник ва касб-хунар таълими тўғрисидаги конвенция. Мазкур ҳужжатлар, ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим ҳужжатлари сифатида ҳам эътироф этилади.

Иккинчидан эса, ЮНЕСКОнинг таълим соҳасида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий мақомларига, дипломлар, сертификатларни тан олиш каби, таълим тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган халқаро ҳужжатларини кўрсатиш мумкин. Уларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: Ўқитувчиларнинг ҳолати тўғрисида”ги тавсиялар (05.11.1966 й.); “Ўқув курслари ва олий таълим тўғрисидаги гувоҳномани тан олиш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (13.11.1993 й.); “Вояга етганлар таълимини ривожлантириш тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (Париж, 26.11.1976 й.); “Олий таълим муассасалари ўқитувчи кадрлари мақоми тўғрисида”ги ЮНЕСКО Тавсиялари (11.11.1997 й.), каби ҳужжатлар.

ЮНЕСКОнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълими соҳасидаги дастури ва узоқ муддатли стратегияси 1993 йил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича маркази ва ЮНЕСКОнинг Канада комиссияси билан ҳамкорликда ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва демократия бўйича Монреал халқаро конгрессида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва демократия бўйича таълим бўйича Жаҳон ҳаракат режасида мустаҳкамланган. Жаҳон режаси ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги фаолиятининг қуйидаги йўналишларини белгилаб берди: таълим ва ахборот орқали инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни тарқатиш, Дастурларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича Қўмитани таъсис этиш, ЮНЕСКО Ихтиёрий жамғармаси родини кучайтириш [29].

ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга оид фаолиятининг янги вазифалари БМТ Бош Ассамблеяси 49/184 резолюцияси билан қабул қилинган, 1995 йилдан 2004 йилгача муддатни қамраб олувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўн йиллик доирасидаги Жаҳон режасида шакллантирилди.

Шундай қилиб, агар юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мазмунини умумлаштирадиган бўлсак, унда ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси ҳар бир киши маълумот олиши ва тегишли тайёргарликка эга бўлиши учун инсон ҳуқуқлари, демократия ва тинчлик соҳасидаги таълим ва кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини барпо этиш, одамларни, шунингдек жамоат ташкилотлари ва давлат муассасаларини, оммавий ахборот воситаларини сафарбар этишга қаратилган бўлиши керак.

ЮНЕСКО аъзо давлатларга миллий стратегияни ишлаб чиқишда, айниқса ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув услублари, инсон ҳуқуқлари ва демократияни амалга ошириш, бағрикенглик ва

маданий хилма-хилликни хурмат қилиш мақсадида ўқув марказлари ва муассасалари фаолиятида ёрдам беради [29].

ЮНЕСКОнинг таълим фаолиятининг энг муҳим шакллари куйидагиларни ўз ичига олади: Маърифий материаллар ва қўлланмаларни тайёрлаш ва тарқатиш; Инсон ҳуқуқларини ўқитиш.

Маърифий материаллар ва қўлланмаларни тайёрлаш ва тарқатиш устувор фаолият йўналишидир. Жумладан, ЮНЕСКО 1997 йилитурли тилларда университетлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув қўлланма тайёрлади. Шу йили “Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар” номли мазкур қўлланма чоп этилди. ЮНЕСКОнинг кодифкациявий фаолиятига оид жуда ҳам муҳим материаллар Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳужжатлар (UNESCO and Human Rights. Standart – Setting Instruments) номли даврий нашрда чоп этилиб келинмоқда. Унда нафақат ЮНЕСКО доирасида қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид конвенциялар, декларациялар ва тавсиялар, балки ЮНЕСКО томонидан ёки у билан ҳамкорликда чақириладиган муҳим халқаро конференцияларнинг якуний натижалари, яна шунингдек, ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари ва демократия, тинчлик ва бағрикенглик бўйича нашрлари, ЮНЕСКОнинг универсал ва минтақавий характердаги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялари рўйхати, инсон ҳуқуқлари, демократия ва тинчлик бўйича ЮНЕСКО кафедралари, ЮНЕСКОнинг аъзо-давлатлари ва ассоциациялашган аъзолари рўйхати келтирилиб борилади [29].

ЮНЕСКОнинг нашрлари алоҳида ижтимоий гуруҳлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол бузилишларига ҳам тааллуқлидир. Уларга куйидагилардир: «Курьер ЮНЕСКО», «Children in Danger», «Protecting Children from Scourge of War», шунингдек, 1999 йили чоп этилган «Human Rights of Women. A Collection of International and Regional Normative Instruments» тўплами ва 2001 йили чоп этилган United to Combat Racism каби нашрлардир. ЮНЕСКО нашрларида машҳур халқаро экспертларнинг универсал ва минтақавий даражаларда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид мақолалари, шунингдек, универсал даражадаги (БМТ, ЮНЕСКО, ХМТ) ва минтақавий халқаро ташкилотлар ҳамда ЮНЕСКО шафелигида чақирилган конференциялар доирасида мазкур масала юзасидан қабул қилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларининг мажмуи чоп этилади [29].

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялашнинг институционал асоси сифатида, биринчи навбатда, БМТнинг бош ва ёрдамчи органлари, ихтисослашган муассасалари (ХМТ, БЖССТ, ИКАО, ИМО, ЮНЕСКО, ИМБЖТ ва бошқ.), бошқа халқаро ташкилотлар, минтақавий халқаро ташкилотлар (ЕИ, ЕК, МДХ, АДТ, АБТ/АИ, АДЛ, ИКТ/ИХТ), шунингдек халқаро ноҳуқумат ташкилотлар (ҚХХК) киради.

БМТ тизимида Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса инсон ҳуқуқларини оммалаштириш ва инсон ҳуқуқлари таълими ўрни бекиёс. БМТ органлари доирасида аъзо-давлатлар ҳар йиллик ҳисоботлар топширишади, ҳамда уларнинг маърузалари тингланади. Шу билан биргаликда ушбу органлар ҳар йиллик ҳисоботлар тайёрлашади ва ушбулар орқали давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларининг мониторинги амалга оширилади [30]. Шу билан биргаликда, БМТ ва унинг органлари инсон ҳуқуқларини оммалаштириш бўйича ўн йилликлар эълон қилиш, турли нашрлар тайёрлаш орқали инсон ҳуқуқлари таълимини ривожлантириб келмоқда.

Шу билан биргаликда, ушбу соҳада ҳам нуқсонлар йўқ эмас албатта. Масалан, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида ханузгача БМТнинг ягона стратегияси мавжуд бўлмай, қатор органлар фаолиятида такрорланишлар ва ҳатто айрим зиддиятлар мавжуддир. Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида БМТнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Шреплер Х.А. Международные экономические организации. – М.: Международные отношения. 1999. – С. 9-15.

2. Международное право / Отв. ред. Ю.М. Колосов, Э.С. Кривчикова. – М.: Международные отношения, 2000. – С. 213.
3. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи (тўлик) // <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq>. 23.09.2020.
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи сўзлади // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>. 20.09.2017.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмади. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 199.
6. Преамбула Устава Организации Объединенных Наций от 26 июня 1945 г. // <https://www.un.org/ru/about-us/un-charter/full-text>
7. Всеобщая декларация прав человека // <http://www.un.org/russian/document/declarat/declhr.htm>.
8. Резолюция 217А(III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 г. Всеобщая декларация прав человека // Права человека. Собрание международных договоров. Т.1. (часть первая). Универсальные договоры. – Нью-Йорк. – Женева: Организация Объединенных Наций, 1994. – С. 1-8.
9. Очилов Б.Э. Конституция Республики Узбекистан и всеобщая декларация прав человека как основа защиты прав человека // *Хуқуқ–Право–Law*. – Т., 2001. – №3. – С. 10.
10. Очилов Б.Э. Всеобщая декларация прав человека и Конституция Республики Узбекистан как основа по защите прав личности в Республике Узбекистан (вопросы соотношения и преемственности) // *Конституционное право*. – Алматы, 2003. – С. 89-90.
11. Международный пакт о гражданских и политических правах от 16 декабря 1966 г. Права человека. Сборник международных договоров. Том I (часть первая). Универсальные договоры. – Нью-Йорк и Женева: Организация Объединенных Наций, 1994. – С. 22-47.
12. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах от 16 декабря 1966 г. // Права человека. Сборник международных договоров. Том I (часть первая). Универсальные договоры. – Нью-Йорк и Женева: Организация Объединенных Наций, 1994. – С. 8-22.
13. Комиссия по правам человека ООН // https://ru.wikipedia.org/wiki/Комиссия_по_правам_человека_ООН. – 2021. – 16 авг.
14. Справочная информация о Совете по правам человека // <http://www.ohchr.org/RU/HRBodies/HRC/Pages/AboutCouncil.aspx>. – 2021. – 20 авг.
15. Пан Ги Мун, Генеральный секретарь ООН, 12 марта 2007 г., Открытие 4-й сессии Совета по правам человека // <http://www.ohchr.org/ru/HRBodies/HRC/Pages/HRCIndex.aspx>. – 2021. – 20 авг.
16. Лайю К. Международные учреждения и механизмы продвижения женщин // Семинар «Установление и мониторинг прав женщин в России». – М., 1996. – С. 44.
17. Вспомогательные органы ЭКОСОС. Комиссия по положению женщин // http://www.un.org/ru/ecosoc/about/women_commission.shtml. – 2021. – 20 апр.
18. Ибрагим Теййба Али кызы. Права женщин на труд в международном праве // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – М., 2010. – № 5. – С. 32.
19. Комиссия по положению женщин // https://ru.wikipedia.org/wiki/Комиссия_по_положению_женщин. – 2021. – 22 авг.
20. Правовые документы УВКБ ООН в области защиты прав беженцев // http://www.unhcr.ru/page_protection.php?menuid=70&pageid=38. – 2021. – 26 авг.
21. Управление Верховного комиссара ООН по правам человека // https://ru.wikipedia.org/wiki/Управление_Верховного_комиссара_ООН_по_правам_человека. – 2021. – 20 авг.
22. Омбудсмен ООН // <http://www.un.org/russian/ombudsman/index.html>. – 2021. – 20 апр.
23. About UN Women // <http://www.unwomen.org/en/about-us/about-un-women>. – 2021. – 21 авг.
24. Алимджанова Д. Гендерные факторы человеческого развития // Теория и практика

гендера в современном Узбекистане: Учебное пособие. – Т.: ИООФСУ, 2004. – С. 412.

25. Комитет по ликвидации дискриминации в отношении женщин // <http://www.ohchr.org/RU/hrbodies/cedaw/pages/cedawindex.aspx>. – 2021. – 23 авг.

26. Черкашина И.А. Гендер в сфере права и управления // Теория и практика гендера в современном Узбекистане: Учебное пособие. – Т.: ИООФСУ, 2004. – С. 164.

27. Мухамедов Х. Болаликни ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2016. – № 1. 2016. – Б. 13.

28. Батафсил маълумотлар учун қаранг: ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. – Т.: Адолат, 2004. – 298 б.

29. Становление и развитие системы обучения правам человека // <https://studfiles.net/preview/1725244/page:12/>. – 2021. – 14 авг.

30. Фафуров А., Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Baktria Press, 2012.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТАҚРИЗЛАР

ОТЗЫВ НА МОНОГРАФИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ХАМДАМОВОЙ ФЕРУЗЫ, МИРХАМИДОВОЙ МАХИННОРЫ «ПРАВА ЖЕНЩИН: МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»

РАХМАНОВ Шухрат Наимович,

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции, кандидат юридических наук, доцент
shuxratjon@gmail.com

Монография посвящена комплексному анализу, включающий в себя вопросы международно-правового сотрудничества Республики Узбекистан в области обеспечения прав женщин.

Монография состоит из введения, 3 глав, заключения и списка использованной литературы.

Актуальность исследования не вызывает сомнений с учетом того что, в настоящее время свыше двух третей государств мира являются участниками Конвенции ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин 1979 г. Права женщин признаны в качестве неотъемлемой части прав человека. Так, обеспечение прав женщин – одна из 17 целей в Повестке дня в области устойчивого развития. В частности, цель устойчивого развития 5 посвящена на «Обеспечение гендерного равенства и расширение прав и возможностей всех женщин и девочек». Кроме этого, вопросы обеспечения прав женщин отражены в конституциях практически всех государств мира, в их законодательстве и занимают важное место в национальных планах и стратегиях развития.

В монографии дана авторская периодизация процесса развития международно-правового сотрудничества по вопросам обеспечения и защиты прав женщин. В частности, по мнению авторов историю становления международно-правового сотрудничества в сфере обеспечения прав женщин можно подразделить на 4 основных периода: период признания прав женщин в качестве важнейших прав человека, разработки международных стандартов по правам женщин, создания контрольных механизмов и период дальнейшей конкретизации стандартов и совершенствования механизмов. Далее, в монографии также дана авторская классификация международных документов по правам женщин.

Авторы рассматривают международную защиту прав женщин как подотрасль международного права прав человека. Авторы отмечают, что развитие международно-правового сотрудничества в сфере обеспечения прав женщин положило начало формированию нового института «Права женщин» в рамках международного права прав человека.

Глубокий анализ содержания международных документов по правам женщин позволил авторам выделить наиболее приоритетные направления международно-правового сотрудничества в сфере обеспечения прав женщин, а именно, такие как охрана материнства, защита женщин от насилия, обеспечение равенства в семье и сфере труда, обеспечение активного участия женщин в политической и общественной жизни и др.

Также, в монографии подчеркивается, что основными тенденциями их развития стали переход от документов, регулирующих широкий круг вопросов, к документам, охватывающим всё более узкий круг вопросов или определённую категорию женщин (точнее уязвимых), и переход от принятия международных договоров к программным документам – планам действий, стратегиям,

охватывающим или рассчитанным на определённый период

Таким образом, авторы подчеркивают необходимость развития сотрудничества в сфере обеспечения и защиты прав женщин не только на универсальном уровне в рамках ООН, но и в рамках региональных организаций, а также с международными НПО и на двусторонней основе с зарубежными национальными гендерными механизмами (или национальными механизмами по продвижению женщин), а также с научно-исследовательскими центрами по гендерным вопросам. Авторами обоснована также необходимость активизации сотрудничества на региональном уровне, в частности, в рамках СНГ и ШОС.

Особо следует отметить так же, что в монографии выдвинуты новые инициативы, в частности, идея создания Глобального альянса национальных гендерных механизмов и разработки Принципов деятельности национальных гендерных механизмов (аналогичных Парижским принципам, касающимся статуса национальных учреждений, занимающихся поощрением и защитой прав человека 1993 г.), что может послужить основой при разработке очередной международной инициативы Узбекистана в рамках ООН.

Поскольку содержание глав адекватно отражает тему научного исследования содержание глав в полной мере соответствует их наименованиям. Так, авторы обоснованно и результативно используют комплекс общенаучных и специальных методов исследования: системный подход, методы научного сравнения и т.д.

Так, монография в полной мере соответствует правилам оформления, она структурно и логически выдержана, написана доступным языком, хорошо иллюстрирована примерами. Весь представленный в монографии материал подкреплён ссылками на соответствующие международные стандарты и национальное законодательство.

Исследование представляет значительный научный и практический интерес для широкого круга специалистов, занимающихся вопросами гендерного равенства. Материалы монографии могут быть использованы в учебном процессе при преподавании таких дисциплин как «Права человека», «Права женщин» и др.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
4 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 4, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD
VOLUME 4, ISSUE 1

TOSHKENT-2021